



ГУЛИСТОН
10
1988

ISSN 0134 - 2207



Ўзбекистон шоликорлик илмий-текшириш институти Ўрта Чирчиқ районида жойлашган. Бу ерда шолининг кўп-лаб янги, серҳосил навлари етиштирилди. «Авангард», «Ложувард», сўнгги йилларда яратилган ҳосили мўл, тез-пишар, пояси ётиб қолмайдиган «Толмас» навлари шулар жумласидандир. Бугунги кунда гурунч халқимизнинг энг сеvimли овқати паловдан тортиб турли-туман таомлар, ширинликлар тайёрлашда ҳам кенг ишлатилмоқда. Гурунч тўйимли, хуштаъм, ҳаммабон озуқадир.

1. Ўзбекистон шоликорлик илмий-текшириш институтининг тажриба майдонида мазкур институт директори А. Раҳмонов ва бош агроном О. Беркинов гектаридан 100 центнер ҳосил берадиган «Толмас» навли шолини кўздан кечиришайтир.

3. Палов — гурунчдан тайёрланган таомларнинг тўраси.

А. Ванштейн фотолари

2. Шоли бошоғи.



Шановатли Нур

Хўжаободда дув-дув гап тарқалди: нима эмиш, агар «Россия» колхозининг пахта плани бу йил ҳам тўлмаса, раис ўз хоҳиши билан ариза ёзиб, лавозимдан бўшашга аҳд қилганмиш.

— Ана шу гап ростми? — деб сўрадик биз шу хўжаликда раис билан учрашиб.

— Рост, — деди Набижон Абдуллаев ёшлик барқ урган, куч-ғайрат ёғилиб турган қиёфасига номуносиб бир хижолатпазлик билан.

Ҳайрат аралаш савол аломати билан боқиб турганимизни кўриб, раис қатъият билан сўзлай кетди:

— Хўжалигимиз бир пайтлари анчайин доврў қозонган эди. Лекин кейинги йилларда ундан путур кетиб, қўшиб ёзишлар, турли-туман сохталиклар, эскича қарашлар қули бўлган раҳбарларнинг бўлар-бўлмасга аралашиб тазйиқ ўтказишлари оқибатида колхоз давлатдан бирмунча қарздор бўлиб

қолди. Бу юк деҳқоннинг гарданига тушиб, унинг тинкасини қуритди. Энг ёмони, кўпчиликда ўз меҳнати самарасига лоқайдлик, бепарволик кайфиятлари пайдо бўла бошлади. Уни бундай иллатдан халос этиш учун маънавий иқлимни соғломлаштириш, ҳақиқатни қарор топтириш лозим эди.

Раис бундай ҳаётбахш эпкин КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленумидан кейин, айниқса партия XXVII съезидан сўнг изчил тарала бошлаганлигини, қийинчилик ва машаққат билан бўлса-да, кишилар онги ва маънавий дунёсида ўзгаришлар рўй бераётганлигини эътироф қилди. Натижада меҳнатга муносабат, ўз ерига чинакамига хўжайинлик туйғуси қарор топиб бормоқда.

— Қайта қуриш бир зарб билан амалга оширилиши мушкул эканлигини англаб олганимизнинг ўзи ҳам катта ютуқ, — дейди раис. — Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, шпор-бозлик, кампаниячилик, миянгизда бошқача фикр-у, дилингизда ўзгача туйғу кечаётган бўлса ҳам, тўғри-нотўғри гапирса-да, раҳбарнинг оғзига қараб, «Лаббай!», «Хўп бўлади!», «Бажарамиз!» деб мутеларча қўл қоуштириб туришлар куни-кеча турмушимизу фаолиятимиз тарзига айланган иллатлар эмасмиди? Вужудингизда яра пайдо бўлса, бирор жойингиз синган ё чиққан бўлса, рунгизда ўзгариш рўй бермайми? Ҳа, кўрдингизми, тасдиқламасдан иложингиз йўқ. Мен кечаги кунимизни ҳам ана шунақа касалликка қиёсламан. Ундан батамом халос бўлиш учун маънавий иқлимни соғломлаштириш керак. Деҳқонга эрк бериш керак. Токи у тазйиқ ва кўрсатмалар юки остида эзлиб эмас, балки азалий деҳқончилик анъаналарини ҳозирги тараққиёт даражаси билан омукталаган ҳолда ниятларини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлсин. Ана шунда у йўл қўйган нуқсонларидан тўғри хулоса чиқаради, эришган ютуқларини мустаҳкамлаб бориш йўлини танлайди.

Хўжаликнинг ёш раиси Набижон Абдуллаевнинг колхозга раҳбарлик қилаётганига эндигина уч йил бўлаяпти. У Андижон пахтачилик институтини битирган, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаган, бош инженер, район партия комитетида қисқа муддат инструктор бўлган, Африка мамлакатларидан бирида бир неча йил пахтачилик бўйича мутахассис сифатида ишлаб қайтган. Демак, ёш бўлишига қарамай, анчамунча тажрибага эга. Шунинг учун унинг ўй-фикрлари ҳам фаолиятининг узвий бўлаги тарзида таассурот қолдирди бизда. Секретари Аъзамжон Адинов бўлган икки юздан зиёд партия аъзолари, минглаб колхоз аҳлига таяниб иш юритади раис.

Кулла қишлоғининг қоқ кўксига, Шаҳрихон ва Аравон сойлари оралиғида жойлашган «Россия» колхозини Андижон адирларига тутатиб кетган. Хўжаликда 1360 гектар майдонга пахта экилади, 241 гектар бедазор, 100 гектар маккажўхоризори бор. Адирлар-

да пахта етиштириш кўпгина машаққатлар билан боғлиқ. Ҳар туп гўзага вақти келса ҳовучлаб озуқа берилади, ҳовучлаб сув ичирилади. Хўжалик бу йил давлатга 4321 тонна пахта етиштириб бериши керак. Бу ерда муаммолар ҳам талайгина, шулардан бири қишлоқ Советида истиқомат қиладиган 14 минг аҳолидан икки минг кишини иш билан таъминлашдан иборат. Ҳозирги пайтда колхозда ишловчилар сони 1700 киши эканлигини назарда тутсақ, муаммо хўжалик миқёсида қанчалар кўндаланг ва катта эканлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Муаммони ҳал этишнинг қандай йўллари бор?

Колхоз аҳли ва раҳбарияти ички имкониятларни қидириб топиш ва уни ишга солиш йўлидан бормоқда. Яқин йиллар ичида бу ерда ғишт заводи қурилди, йилига 80—100 тоннадан оҳак, маҳаллий эҳтиёжлар учун етарли даражада асфальт тайёрлайдиган цехлар қурилиши ниҳоясига етказилди. Теплица ишлари йўлга қўйилиб, унда етказиладиган лимон ва қимматбаҳо гуллардан минглаб сўм фойда олиш, шу йўл билан кўп-ла ишдан бўш кишиларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш режалаштирилмоқда.

Хўжаликнинг ўз қурилиш бригадаси мавжуд. Саксон кишидан иборат бригадага бошлиқ бўлган Ёқубжон Эшонқулов айни пайтда колхоз правлениеси раисининг қурилиш ишлари бўйича муовини ҳисобланади. Бундай мавқе масъулият туйғусини оширади, хўжалик манфаати, аҳоли манфаатлари нуқтаи назаридан иш юритилишини талоқ этади. Ҳозиргача бригада аъзолари олти хонадонга уй қуриб берди, иккита дала шийпонини фойдаланишга топширди, яқин орада икки юз ўринли ёзги клуб, қишлоқ врачлик амбулаториясини қуриб топшириш мўлжалланган. Иш ҳажми тобора кенгайиб бораётганлигини назарда тутиб, бригада аъзолари сонини 250 тага етказишга аҳд қилинди.

— Биласизми, — дейди колхоз раиси, — буларнинг барчаси ижтимоий фойдала меҳнатдан ташқарида қолган аҳолини иш билан таъминлаш, социал-маданий эҳтиёжларимизни қондиришгагина хизмат қилиб қолмайди, балки эртанги кунларга кишиларимиз ишончини мустаҳкамлайди, зарур маблағнинг колхоз чўнтагидан четга чиқиб кетишига чек қўяди.

Сўнгги фикр бизни сергак торттирди. Қизиқчимизча бор экан. Билсак, қурилиш ташкилотларининг — механизмлашган кўчма колоннанинг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича битта замонавий дала шийпони қурилиши 64 минг сўм тураркан. Колхоз қурилиш бригадаси эса ана шу ишларнинг барчасини 20 минг сўмга тайёрламоқда. Маблағнинг қолган қисмига колхознинг ўзи хўжайинчилик қилади.

— Колхоз иқтисодининг тез ўнгланиб олишига монелик қиладиган нарсалардан яна бири қишлоқ хўжалиги механизмларининг хўжаликларга ниҳоятда баланд нарх-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадний журнали

№ 10 (464)

Октябрь

1988

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти



БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

БИНОКОРЛАР

Одатга кўра ишчилар смена олдида тўп-ланишди.

— Уйларимиз кўпчиликка маъқул тушарди, — сўз бошлади бригада бошлиғи Абдурашид Тожиаҳмедов. — Буюртмалар ошиб бораяпти. Шошириб қўйишадиганга ўхшайди.

— Ташвишланманг, агар астойдил имкониётлардан фойдаланишни йўлга қўйиб олсак, ҳозирги маромни бир ярим баравар оширишга қўрбимиз етади, — мулоҳаза билдирди қолипловчи Сотиболди Турсунов.

— Жуда тўғри, — унинг фикрига қўшилди кўтарма кран бошқарувчиси Абдурахмон Ғойипов. — Фақат ой охирида «ҳа, бўл, ҳа, бўл»га ўрин қолдирмай ишлашимиз зарур. Ахир, кейинги пайтда қайта лойиҳалашга анча маблағ сарфланди. Бунинг самараси кўзга яққолроқ кўриниши учун бригадамиз ҳамжиҳатлик билан ишлаши керак.

— Ҳозиргина инженер билан гаплашдим, — дея мақсадга кўчди бригадир. — «Агросаноат қурилиши трестидан: «Қир-адирда қора ўтов тикиб яшайдиган чўпонларга ҳам арзонроқ уйлар қура олсизларми!» деб кўнғироқ қилишибди. Қўлимиздан келармикин!

— Қолипи бўлса, бас, удалаймиз, — деди Мамасоли Сулаймонов. — Хўжалик ҳисобига ўтаяпмиз-ку! Янгиликларни ўзимиз ўзлаштиришимиз катта фойда келтиради.

— Кўнғимдагини айтдиларингиз, — деди бригадир мамнун бўлиб.

Бригаданинг тўққиз аъзоси уйсозлик жараёни зудлик билан ўзлаштирди. Бош технолог Владимир Отаев тегишли йўл-йўриқлар берди. Орадан кўп ўтмай, комбинат майдонида янги, тап-тайёр уйлардан бир туркуми пайдо бўлди: бир хонали, олди айвонли. Қиймати ҳам арзон — 1000 сўмга етиб-етмайди. Дастлаб Учқўрғон районининг хўжаликлари ана шундай уйлардан сотиб олган эди. Ҳозиргача бу уйларнинг олтимишдан зиёд харидори чиқди.

Аваллари икки, уч ва тўрт хонали тайёр уйлар ясаётган корхонада бир йўла тўрт хили тайёрлана бошланди. Энг муҳими, улар деярли тайёр: махсус машиналар ёрдамида белгиланган манзилга етказиб, ўрнатилади

ҳамда айрим қўшимча юмушлар амалга оширилади. Абдужаббор Деҳқонов, Турсунали Мамадалиев, Тожиамат Деҳқонов ва Қодиржон Эргашев сингари қўли гул қурувчилар корхонанинг ўзидаёқ хоналарни пардозлашарди. Сувоқ ишларнинг бежирим бажарилишига, безаш, эшик-деризаларига бекамукўст ўрнатилишига ўшалар масъул.

Биз таърифни келтираётган уйлар қишлоқ шаронти учун жуда мос.

— Бинокорларимиз аввалига пойдеворни қўйгач, девор томонларини пайвандлашга кўп куч сарфлашарди, — дейди 140-хўжаликлараро кўчма механизмлашган колоннанинг участка бошлиғи Маликжон Абдуллаев. — Бундан ташқари, жараёнларнинг ниҳоятда аниқлик билан бажарилиши ҳам диққатталаб иш эди. Ҳозир бу юмушлар корхонанинг ўзида адо этилади. Уйлар қурилиш майдонига қарийб тайёр ҳолда келтирилади.

Оқтош посёлкасидаги 4-тажриба қишлоқ қурилиш корхонаси — Наманган областидаги кенжа корхоналардан. У асосан тўла қувват билан ўн иккинчи беш йилликда маҳсулот бера бошлади. Корхона коллективи зиммасига область агросаноат комитетининг қурилиш ташкилотларини темир-бетон деворлар, тўсинлар, тайёр уйлар билан таъминлаш вазифаси юклатилган.

«Изланамиз, имкониёт қидирамиз!» Комбинат пештоқиға шундай шнор ёзиғлик. Бу қуруқ раслиятчилик эмас, балки амалий ишларнинг ифодаси эканлигини қўйидаги фактлар далиллайди: механик-слесарь Владислав Чередиенко керамзит тайёрлаш агрегатининг металл қиздиргичини чўян билан алмаштириш таклифини билдирди. Трактор-ремонт заводи ишчиларига буюртма берилди. Илгарини металл қиздиргич бир ойга чидаб-чидамасдан яроқсиз ҳолга келиб қоларди. Энди эса бир йилдан буён ремонтга эҳтиёж туғилмаяпти. Бригадир Бахтиёр Мўминов ҳам ремонт муддатини қисқартириш билан боғлиқ қимматли таклифлар киритиб, корхонага анча наф келтирди. Қоришма тайёрлаш тармоғида Каримжон Ҳожиев таклифи билан Наманган кимё заводининг чиқтидан цемент ўрнида фойдаланиш йўлга қўйилди.

— Сўз ва иш бирлигига эришишга одатлана бошладик, — дейди директор Анваржон Икромов. — Бунинг сабаби ҳар қандай мажбуриятни пухта ўйлаб, бир қарорга келгач, зиммасига олишимиз. Юбилей йилида 4 миллион сўмликдан зиёд, яъни 65 минг 725 куб метр маҳсулотни харидорларга етказиб берганмиз. Планини 121,3 фоиз қилиб ўринлатдик. Шундан бир қисми блокли уйлар эди. Чуст, Учқўрғон, Косонсой, Наманган районларида 60 дан зиёд оила коллективимиз қурган уйларга кўчиб кирди. Йил давомида зиммасига олган масъулиятли вазифани адо этиш учун ҳаракат қиляпмиз. 300 та кўркам ва шинам уй тайёрлаш учун буюртма олганмиз. Бу 7 минг квадрат-метр тураржой демакдир.

Корхонада ишчилар учун зарур бўлган барча маданий-маиший шароитлар яратилган. Икки қаватли маиший комплекс қурилиб, коллектив ихтиёрига бериб қўйилган. Ишчилар смена олдида, ишдан сўнг бу ерда бўлиб ҳордиқ чиқарадилар. «Сауна» ҳаммоми, басейн улар хизматида. Шу ернинг ўзида бир йўла 20 кишига мўлжалланган турли шириншаккар ичимликлар, минерал сувлар билан савдо қиладиган шохобча мавжуд. Ишчилар бўш вақтларида куй тинглаб, телевизор томоша қилиш имкониётига эгалар. Медицина пункти ишчилар саломатлигини мунтазам назорат қилиб туради.

Ишлаб чиқаришда янги кўрсаткичларга эришган Гулами Ниёзов, Абдурашид Тожиаҳмедов, Салима Мўминова сингари уйсозларнинг сурати корхона «Ҳурмат тахтаси»дан ўрин олди.

Қайта қуриш — давр руҳи билан яшаётган, иқтисодий ислоҳот талабларини ўз фаолият уй мезонига айлантираётган оқтошлик уйсозлар КПСС XXVII съезди қарорларида қурувчилар олдиға қўйилган ғоят муҳим вазифаларни амалга оширишда ана шундай қутлуғ қадамлар ташлашаётир.

Содиқ ТОЖИБОВ

Оқтош

ларда сотилишию, пахтанинг давлат томонидан харид нархи нақадар пастлигида. Битта машина аппаратини ремонт қилишнинг ўзига икки минг сўм сарфланади, бу — 20 тонна пахта қўл билан териб олишга сарфланадиган пул миқдорига тенг дегани. Шунга яраша пахта териш машинаси сифатли ва таянчли бўлса ҳам кошки экан. Механизаторларнинг додига олимларимиз қачон қулоқ солишаркину, қачон унинг истаганидай машиналарни етказиб беришаркин!.. Битта агрегат 70 тоннадан зиёд, 100 тоннага яқин пахта терганидагина хўжаликка иқтисодий наф келтиради. Пахтанинг харид нархиға келсак, очигини айтишдан ўзга иложим йўқ, пахтакор бундай харид билан зўр-базўр жон сақлаяпти, холос. Бу масалани пайсалга солмай, пахтакор меҳнатига чинакам ҳурмат ва эътибор билан қараб ҳал этиш пайти келди. Шундагина у иқтисодий жиҳатдан ҳам қаддини ғоз кўтаради.

Биз суҳбатимиз бошида билишни истаганимиз, яъни бу йил пахта топшириш плани бажарилмаса, раисликдан кетишга нега аҳд қилганлигини эслатамиз. Раис мийғида кулади.

— Бу гап рост, — дейди у. — Ана шу хўжаликда ортирилган икки-уч йиллик тажриба анча насага ўргатди. Ана шу тажрибалардан бирини шахсий сир сифатида сизга айтсам айтиб ўта қолай. Билсам, пахта теримига ёппасига тушишдан аввал яшнаб турган пахтазорлардан кўнғимиз тўқ бўлиб, қандайдир даражада лоқайдликка йўл қўяр эканмиз. Мамнунлик балоси шунақа пайдо бўлса керак-да. Натижада, сизларнинг таъбирингиз билан айтганда, қийғос очилган пахтазорлардан дастлабки ҳосилни йиғиштириб олганимиздан кейин ғўза берадиганини бериб бўларкан. Унинг яна бериши мумкин бўлган ҳосилини ҳув ўша — лоқайдликка берилган палламиздаёқ бой бериб қўярканмиз. Уйлай-уйлай ана шу нуқсонимизни пайқаб қолгач, ўзимдан жаҳлим чиқди. Бу йил унга чек қўйдик. Ҳар қандай шароитда, ҳатто табиатнинг ўзи деҳқонни қўллаб-қувватлаб турган кезларда ҳам ерга ва ғўзага ишлов беришдан тинмаслик керак экан. Ҳалиги гап жаҳл устида айтилган бўлса ҳам, тагида асос бор...

Раиснинг қўлида лўппи бўлиб очилган оппоқ пахта чаноғи. «Ҳозиргина пахтазор-

да менга тақдим этишди, — деди у. — Олинг. Эсдаликка. Нишона!» Бу — учинчи август куни эди. Биз меҳримиз товланиб, авайлабгина уни қўлга олдик. Нон қадар азиз, жон қадар ришталарга туташиб кетган мўъжизавий бир қудрат! Деҳқоннинг пешона тери, қадоқ қўллари билан воёга етказилган, куну тун йўқотган ҳузур-ҳаловатию, чеккан заҳмат-машаққатлари авазига ёруғлик нишонаси бўлиб кулиб турган оппоқ пахта чаноғи! Бу — Тўхтасин Қодиров, Абдукарим Йўлдошев, Тилаволди Сотволдиев каби уста пахтакорларнинг, Рўзихон, Одинахон, Комилахон каби аяларимиз, опахонларимиз ва сингилжонларимизнинг, сувчилар ва механизаторларнинг фидокорона меҳнати самарасидан дастлабки нишона. Ҳозир уни деҳқон боши узра баланд кўтариб турибди, эрта унга минглаб, миллион марталаб букилиб таъзим қилади. Чунки халқимиз оқликини ҳаминша муқаддас санаган ва унга хиёнатни кўрнамаклик ҳисоблаган. У ҳамон ана шу туйғуга содиқ ва бундан кейин ҳам садоқатли бўлиб қолаверади.

Баҳодир АМИНОВ

Чўлдаги пахтазордан, аниқроғи, Нишон районидаги «Китоб» массивидан Махфузанинг кўнгли алланечук бўлиб қайтди. Лекин дастлабки кунлари ота-онасининг меҳрига тўйиб, кичкинтой укалари билан овунган Махфуза кайфиятидаги нохушликни сезди-масликка уринди. Аммо танасидаги қандайдир сирли дард уни бўшаштириб, чехрасини анча синдирган эди. У бошда: «Эртадан кечгача эгат оралаб, пахта тердим, синфдош дугоналарим орасида пешқадам бўлишга интилиб, ўзимни кўпроқ уринтирдим шекилли. Ортиқча толиққанга ўхшайман», деб ўйлади. Лекин ундаги нохушлик шунчаки толиқишдан эмаслиги тезда маълум бўлди, яширин дард сиртга урди: 1986 йил 26 ноябрь эрталаб Махфузанинг бурнидан қон кета бошлади.

Фавқулоддаги нохуш ҳолдан безовталанган онаси Муҳаррамхон ўглини юбориб, иш бошидан эри Қулмамат Холматовни айтириб келди. Ороми бузилган ота-она қизини ўша кун машинада Китоб район марказий касалхонасига олиб келишди. Врачлар Махфузани: «Балоғатга етиш арафасида экан, тагин...» деган мулоҳазага бориб, уни гинекология бўлимига жойлаштиришди. Аввалига: «Қизингизни тузатишга ҳаракат қиламиз», деб ота-онани умидлан-тирган гинекологлар қизнинг бурнидан қон келишини тўхтатишнинг иложини қилолмадилар. Афсусланарли томони шуки, улар бу иш қўлларидан келмаслигини вақтида эмас, кечикиб айтдилар. Бу орада Махфуза қон йўқотавериш, роса ҳолдан тойдди. Қон йўқотган сари қизнинг юзлари пахтадек оқариб борарди. Унинг жонини сақлаб туриш учун эса беморга кетма-кет қон қуйиб туриш керак. Ўша таҳликали кезларда Махфузанинг отаси Қулмамат, аммакиси Нормамат Холматовлар ўз машиналарида эртаю кеч районма-район юриб, қон қидирдилар.

Махфузада энгиллашиш сари бурилиш йўқ эди. Унинг жони кетма-кет қуйилиб турган қон ҳисобигагина сақлаб туриларди.

Орадан йигирма кун ўтгач, яъни 1986 йил 15 декабрда гинекология бўлимининг врачлари Музаффарова ва Аҳмедовалар: «Бизнинг касалимиз эмас экан», дейишиб Махфузани бошқа бўлимга ўтказиш ҳаракатига тушишди. Наҳотки, район марказий касалхонаси шароитида бемор дардининг нималигини белгилаш, унинг қайси бўлимга тааллуқли эканлигини аниқлаш учун йигирма кун керак бўлса?! Афтидан, гинекология бўлимидаги врачлар бу масалада масъулиятсизлик билан қараганга ўхшайдилар.

Ўшанда Махфузани реанимация бўлимига ўтказишди. Беморнинг аҳволи борган сари оғирлашиб борарди. У каравотга тобора сингиб кетганди. Ана ўшанда беморнинг ота-онасигина эмас, барча қариндошлари, жигарлари Махфузанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бир жон-бир тан бўлишиб ҳаракат қилишди. Улар ҳар кун галма-галига уч-тўрт киши бўлиб касалхонага келишиб, Махфуза учун қон беришди, қон бериб, ўз қонлари билан унинг жонини сақлаб қолишга интилишди. Аммо касалхона врачлари беморнинг узлуксиз бурнидан келаётган қонни тўхтатишнинг иложини қилолмасдилар. Яна бир томони таажжублики, беморнинг отаси Қулмамат: «Иложини қилолмасангизлар, руҳсат берингизлар Тошкентга ўхшаган марказийроқ жойга олиб борайлик», деб мурожаат этганда, мутасадди врачлар: «Шошилманг, ўзимиз даволашга ҳаракат қиламиз», деб отанинг раъйини қайтаришди. Қизи яна ҳам ўнгарилавермагач ота врачларга юзланиб: «Санитария авиацияси ёрдамида Тошкентдан етукроқ мутахассис тақдир қилсангизлар», дея илтижо қилди. Масъул врачлар эса бу гал ҳам «хўп-хўп»дан нари ўтмадилар. Бемор жон таллашиб яна туяларни ўтказди. Унинг аҳволи кун сайин оғирлашиб борарди. Махфузанинг ота-онаси, яқинлари ўша кунларни оёқда — худди миҳ устида тургандек тоқатсизлик билан ўтказдилар. Иложсиз қолган ота хаста қизига малакали тиббий ёрдам уюштиришни сўраб, ниҳоят бизга, «Гулистон» журнали редакциясига мурожаат



қилди. Биз Қашқадарё область Соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари билан ҳадеганда боғлана олмагач, область касалхонасининг бош врачлари Қахрамон Абдусаломовдан мазкур бемор учун область марказий касалхонаси орқали расмий равишда Тошкентдан тиббий ёрдам ташкил этишни редакция номидан илтимос қилдик. Врачлик бурчига, қолаверса, муқаддас қасамдга содиқ бўлган ўртоқ Абдусаломов республика Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтидан зарур ёрдамни зудлик билан ташкил этди. Институтнинг етук мутахассиси, медицина фанлари кандидати Эркин Шоабдукаримов тезлик билан Қаршига учиб борди. У ердан машинада бир юз ўттиз километр узоқликдаги Китоб район марказий касалхонасига етиб келди. Олим-врач дастлаб беморни обдон текшириб кўрди, унга оид тегишли лаборатория таҳлилларини синчиқлаб кўздан кечирди. Шундан сўнг у беморга муайян муолажа режими қилди. Тошкентлик докторнинг муолажасидан сўнг беморнинг бурнидан қон келиши тўхтади. Шоабдукаримов ўша кун бемор ёнида бош-қош бўлиб турди. Кечқурун у касалхона врачларига худди шу тартибда беморга муолажа кўрсатишни уқтириб Тошкентга жўнаб кетди. Икки кун беморнинг бурнидан қон келмади. Бу дақиқалар Махфуза учун, унинг жигарлари учун умид учкунлаган дамлар бўлди. Уларнинг қувончи кўпга чўзилмади: учинчи кунга бориб яна беморнинг бурнидан қон томчилай бошлади. Уни даволоччи врачлар буни: «Тошкентлик мутахассиснинг айтганини қилиш учун бизда шароит йўқ», деб изоҳлашдан нарига ўтолмадилар. Ҳатто улардан бири Қ. Холматовга юзланиб: «Қизингизни Тошкентга ўхшаган марказроққа олиб боринг, биз дардининг иложини қилолмаймиз», деб дилидагини тилига чиқарди. Ўша заҳоти ота касалхонадан чиқиб, район алоқа марказига югурди. Йўл-йўлакай унинг миёсида: «Эҳ, шу гапни олдинроқ айтгашмайдимиз?» деган афсусли фикр чарх урарди.

Кеч соат олтилар чамаси эди. Редакция телефони қаттиқ жиринглади. Трубкани кўтардик. Телефонда ўша отаизор Қулмамат Холматов эди: «Бугун кечқурун бемор қизимни машинада олиб, Тошкентга жўнамоқчиман. Энди уни қон қуйиш институтининг касалхонасига жойлаштиришга ҳам ёрдам берсангизлар. Ноилож, Сизларни қайта-қайта безовта қиляпман».

Бу кунига эрталаб биз институтининг Шота Руставели кўчасидаги клиникасига етиб бордик.

— Сизларни ҳам ташвишга солиб қўйдик, — деди сал хижолат тортиб, юзлари қорайиб кетган Холматов. — У ёқдагилар дардининг иложини қилишаолмади. Умид билан бу ерга олиб келдик. Врач дўстимиз Рўзиқул ҳам бизга кўмаклашиб келди. — Ёнидаги кишига боши билан ишора қилди у.

Касалхонанинг қабулхона бўлимидагилар бемор учун касаллик варақасини тўлдириб, уни иккинчи қаватдаги палаталардан бирига жойлаштиришди. Бемор қизининг қорихолига ярайди деб онаси Муҳаррамхонни ҳам палатада олиб қолишди.

Ўттиз беш кун давомида қон йўқотган Махфузанинг аҳволи ғоят аянчли эди. Юзлари пахтадек оқариб кетган, қувватсизликдан кўзларини аранг очиб юмарди, бурун йўлларига томпон тикилганидан қийналиб-қийналиб, оғир нафас оларди.

Биз беморга ҳар томонлама малакали тиббий ёрдам кўрсатишни уюштиришни илтимос қилиб институт директори Яшин Даминович Соҳибовга ва бош врач Аброр Раҳматуллаевларга мурожаат қилдик. Ҳар иккаласи китоблик бемор қиз учун қўлидан келган ёрдамларини аямасликларини айтишди. Биз ҳомийлигимизга олган ёш беморнинг аҳволи танг келиб қолган кезларда эса унинг учун ёрдам уюштиришни сўраб, Соғлиқни сақлаш министрлигининг эшигини ҳам қоқиб боришга мажбур бўлдик. Махфузанинг аҳволи эса бир энгиллашиб, бир ёмонлашиб турарди. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун астойдил жонқуярлик қилаётганлар эса кўпчилик эди. Афсуски, курмаксиз шоли бўлмаганидек, клиника врачларидан атиги бирови беморнинг отасига тамагирлик «каромати»ни ҳам кўрсатди...

Орадан кунлар ўтар эди. Бемор эса бир энгиллашиб, бир оғир тортиб турарди.

Тан бериш керак. Холматовларга қариндошларидан, Мўмин Хидировга ўхшаган яхши қўшниларидан солган экан... Ҳар кун эрталаб Китоб — Тошкент поездида уч-тўрт нафар қариндоши етиб келишиб, Махфуза учун қон беришди. Улар кечқурун кетишиб, бу кунига бошқалари келишади. Улар ҳам навбат билан қон олувчи ҳамширага рўпара бўлишаркан: «Махфузажон учун қонимизнигина эмас, жонимизни ҳам беришга тайёрмиз», дея энгларини шимаришиб танти туришарди.

Ҳа, дўстнинг, қариндошнинг қанчалик садоқатлилиги бошинга оғир кун тушганда билинади-да. Ўшанда ёш қизнинг ҳаёти учун кўплашиб курашилди. Бир томондан, қариндош-уруғларнинг ҳомийлигида, иккинчи томондан, бурчига содиқ шифокорларнинг астойдил ҳаракати билан тўқсон кун давомида ажалга қарши кураш олиб борилди. Институтнинг етук олимларидан бири, медицина фанлари доктори Учқун Олтибоев беморнинг дардини тўғри белгилади: пахтазорга сепилган бутифос заҳари Махфузанинг талогига таъсир этган. Оқибатда қоннинг қуюлишини метёрга солиб турадиган хужайралар (тромбоцитлар) кескин камайиб кетган. Жон озиғи бўлган бу хил хужайраларни тиклаш эса осон эмасди.

Махфузанинг отаси Қулмамат ҳар шанба-якшанбада узоқ йўлдан интизорлик билан қизининг ёнига етиб келарди, бир-икки кун унинг бошида парвона бўлиб, яна юртига — хизмат ўрнига қайтарди. У иш кабинетида ўтириб ҳам ҳафта давомида телефон орқали Тошкентга қўнғироқ қилиб, қизининг аҳволидан хабарлашиб турарди. Онаси Муҳаррамхон эса кеча-кундуз унинг ёнида эди. Ота иш ўрнида бўлганда ҳам бутун фикри-хаёли қизига эди. У хавотирланиб, тунлари билан миҳжа қоқмай чиққан кезларида баъзан хаёлини аллақандай совуқ ҳислар чулғаб оларди.

1987 йилнинг 18 январь куни эди. Қулмат Холматов кабинетидида (у қурилиш ташкилотларидан бирида бухгалтер бўлиб ишлайди) сергак тортиб телефон ёнида ўтирарди. Шу вақт кўёви Тошпўлат Ғойибов бошини қуйи солиб хонага кириб келди.

— Қулмамат ака, ҳозир Тошкентдан телефон қилишди. Махфуза бўлмапти, — деди у хўрсиниб синиқ оҳангда.

— А-аа!.. — Қулмамат шундай деганча бир зум донг қотиб қолди.

— Ахир, кеча телефонда врачлар билан гаплашувдим-ку! «Аҳволи яхши», деган эдилар...

Бу совуқ хабар отанинг бутун аъзойи-баданини титратиб, юрагини музлатиб кетди. У бу гапга ишониб-ишонмай, анигини билиш учун зудлик билан Тошкентга қўнғироқ қилди.

— Афсус, шундай бўлди... Энди келиб олиб кетинглар, — дея ғамгин жавоб қилди касалхонадаги врачлардан бири.

— Оббо, охири бўлмапти-да... Уф, — дея Холматов ҳолсизгина трубкани жойига қўйди.

Уша кеч Холматов қариндошларидан бирининг янги «жигули»сига кўрпа-ёстиқ орди-да, ёнига икки қариндошини олиб, Тошкентга жўнаб кетди. У жўнашдан олдин ҳовлисига тўпланиб қолган қариялардан бирининг олдига бориб, қулоғига секин шивирлади: «Қабристонга одам юбортиб, жойини тайёрлаб қўйиш керак. Бу ёғи узоқ йўл. Жонининг шунча қийналгани ҳам етади...» 18 январдан 19 январга ўтар кечаси республика метеорологларининг расмий дафтарида: «Республикамизнинг деярли ҳамма областларида қор ёғиб, кучли бўрон бўлади», деб қайд қилинган эди. Холматовлар қорли бўронда ўн уч соат йўл юриб, не-не азоблар билан эрталаб соат тўққизларда Тошкентга — қизи ётган касалхонага етиб келишди. Улар юраклари ҳаприқа-ҳаприқа оҳиста иккинчи қаватга кўтарилдилар. Қулмамат ўзига таниш палатанинг эшигини қия очиб, ичкарига мўралади. Тасодифни қарангки, қизи Махфуза кўзини очиб, шифтга қараб ётарди. Икки ярим ойдан бери қизи билан бир тан бўлиб жон талашаётган хотини Муҳаррам унинг бошида рўмолчани елпиб ўтирарди.

Холматов ҳеч нарсани эшитмагандек: «Салом, яхшимисизлар? Мана бизлар ҳам келдик», дея ичкарига кириб, қизи Махфузанинг пешонасидан чўлп-чўлп ўпди. Уша заҳоти унинг кўнгли бўшашиб, кўзига жикқа ёш олди. Буни она-болага сездирмаслик учун дарров ташқарига чиқиб, дастрўмоли билан кўзларини артди.

— Хайрият, тирик экан, — деди у ёнида бирга келган жигарларига юзланиб.

Маълум бўлишича, ўша 18 январь куни Махфузада клиник ўлим юз беради. Уни мурадхонага олиб бориш учун аравачада палатадан энди чиқариб, даҳлизда олиб кетаётганда учинчи қаватда навбатчилик қилаётган врач Ҳамида Қозоқбоева кўриб қолиб, беморнинг чеҳрасига синчковлик билан тикилади ва дарров аравачани тўхтатиб: «Шошманг, шошманг. Тирикка ўхшайди. Палатасига олиб кириш», дейди. Қозоқбоева дарров беморнинг юрагини эшитиб кўради. У Махфузанинг юрагида жонланиш борлигини сезади-да, зудлик билан ишга киришади. Эҳтиёт учун асралаётган қондан қуяди. Яна бошқа муолажа тадбирларини шошилч қўради. Ҳа, ўша куни жонкуяр шифокор Ҳамида Муҳамедовнанинг хушёрлиги ва эпчил ҳаракати туфайлигина Махфуза Холматова қайта тиради. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун яна кураш бошланади. Бу ҳаёт-мамот курашида бўлимнинг раҳбари, медицина фанлари кандидати Тамара Муслимовна Алиева чинакамига жонбозлик кўрсатди. У қон томирларига қоннинг меъёрли қуюлишини таъминлайдиган ҳужайраларни тиклаш учун фақатгина бугунги медицина ютуқларигагина таяниб иш кўрмади. Олима-врач минг-минг йиллик тарихга эга бўлган халқ табobati анъаналаридан моҳирлик билан фойдалана билди.



Махфуза Холматова ўз халоскори Тамара Муслимовна Алиева билан.

В. Мосин фотоси

Тамара Муслимовна Махфузанинг отаси Холматовни бир куни ҳузурига таклиф қилиб, қандайдир бир гиёҳнинг номини айтди. У ўша гиёҳнинг, айниқса, Қашқадарё томонларда нисбатан кўпроқ ўсишини, қуритилган илдизининг талқони тоза асалга меъёрида аралаштириб истеъмол қилинса, Махфузага ўхшаган беморларга шифо бўлишини уқтирди. У бу гапни сир тутишни Қулмаматга қайта-қайта уқтирди. Негаки, бу гиёҳ номи Қизил китоб рўйхатига тиркалган эди. Холматов бу орада шифокор айтган йўсинда иш тутди...

Шу зайлда ўн беш яшар Махфузанинг ҳаёти учун кунни тунга, тонгни шомга улаб кураш олиб борилди. Касалхонанинг Муқаддас Магдиева, Манзила Аҳмадулина, Нафиса Собиржонова сингари ишчан ва меҳрибон ҳамширалари Тамара Муслимовна билан ёнма-ён туриб, жонкуярлик билан хизмат қилдилар. Ажойиб шифокорларнинг тинимсиз меҳнати, беморга қон бериб жон киритган меҳр-оқибатли қариндошларининг астойдил ҳаракати билан Махфуза тўқсон кун деганда каравотдан туриб, ўз оёғида юрабошлади.

Айни баҳор. Табиат ўз чиройини кўз-кўз қилган кезлар. Қир-адирлар, айниқса, Қашқадарё диёрига кўрк бериб турган Ҳисор тоғ тизмалари яшил тортиб, лозазорларга бурканган пайт. Одатда, бундай хушҳаво, сўлим дамларда кишининг кайфияти қар қачонгидан хушнуд бўлади. Яшанинг завқли гаштини янада тўйиброқ ҳис қиласан киши.

Баҳор нафаси дилларни хушнуд этаётган сўлим оқшомда Китоб район Свердлов номли колхознинг Олақўйлик қишлоғидаги Холматовлар хонадонига ҳам бир олам қувонч кириб келди. Бундан қарийб тўрт ой илгари Тошкентга ўлим тўшагида борган Махфуза Холматова жигарлари бағрига ўз оёғи билан кириб келди, хурсандчилигидан кулиб-қийқиб, ўзини жигаргўшалари қучоғига олди...

Биз пахтачиликда ишлатилган заҳарли моддалардан бири бўлган бутифосдан талоғи

қаттиқ шикастланган бир ёш беморнинг аянчли қисматини ҳикоя қилдик. Ҳикоя ниҳоясида биз, қиссадан чиқариладиган ҳиссага, яъни сабоққа сизнинг эътиборингизни тортмоқчимиз. Маълумки, медицинамиз — арзирли ютуқларга эришган соҳа. Агар шифокорларимиз, табобат олимлари қўлни-қўлга бериб, астойдил ҳаракат қилсалар, улар ҳар қандай оғир беморнинг жонига оро киришлар мумкин. Буни Махфуза Холматованинг тақдири мисолида кўриб турибсиз. Афсуски, ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Яна бир оқсоқ томонимиз шуки, санитария авиацияси хизматидан фойдаланиш қониқарли эмас. Кишилар ҳокимлар ва мутелар тоифаларига бўлинган турғунлик даврида марказдан уюштириладиган санитария хизматидан ҳам кўпинча қўли узун лавозимдорлар, уларнинг қариндошлари фойдаландилар. Жойларга — узоқ область ва районларга марказдан малакали тиббий ёрдамни уюштириш билан областларнинг Соғлиқни сақлаш бўлимлари, район марказий касалхоналарининг раҳбарлари, қолаверса, республика Соғлиқни сақлаш министрлиги, унинг Профилактика ва даволаш бошқармаси ҳали ҳам мутлақо етарли шуғулланмаётдилар. Визнингча, областларнинг соғлиқни сақлаш бўлимлари ва министрликнинг мазкур бошқармаси қошида ҳозиржавоблик билан ишлайдиган диспетчерлик хизмати йўлга қўйилиши лозим.

Китоблик Махфуза Холматованинг кейинги ҳаёти ҳақида. У 1987 йилда Свердлов номли колхоздаги Бобур номли ўрта мактабни тамомлади. Уша йили колхознинг маккажўхорилик бригадасида ошпаз бўлиб ишлади. Айни кунларда эса у олий ўқув юртларидан бирига кириш учун ҳозирлик кўрмоқда. Ҳа, матонатли қиз ўз умрини қайтадан бошлади. Янги умр баҳорингга барака, Махфуза!

Шомурод СИДДИҚОВ



БУРЧ

СОВЕТ ҲУҚУҚИНИНГ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ ФУНКЦИЯСИ

Балиқнинг сувсиз яшай олмаслиги ҳаммага беш қўлдай аён. Лекин ўзи яшаётган дарёни тарк этишга уринган балиқларни кўрган бир кишининг ҳикоясини эшитиб, таажжубга тушдим. Унинг айтишича, бир кун Чирчиқ дарёси бўйида юрса, бир балиқ сакраб сувдан қирғоққа отилиб турибди. Балиқларнинг қуёш нурида ўйнаб, қирғоққа отилиб чиқиб қолиш ҳоллари кўп учрайди. Бироқ қизиги шундаки, соҳилда сувсизликдан нафас ололмай типирчилаб ётган балиқ дарёга қайтариб ташланганда, ўша балиқ яна сакраб ўзини қирғоққа отибди. Маълум бўлишича, Чирчиқ дарёсига Чирчиқ шаҳри корхоналаридан оқиб тушаётган заҳарли оқавалар натижасида дарё суви булғаниб, ҳатто балиқлар ҳам ўзини сувдан ташқари — оғу-сиз ўлимга ташланаётган экан.

Афсуски, афсонага ўхшаш бундай воқеалар кундалик турмушимизда тез-тез учраб қолаётди. Кейинги вақтларда атроф-муҳитни муҳофаза этиш масалаларига кенг жамоатчилик эътиборининг қаратилаётганлиги ҳам мана шундан. Она табиат ва халқ саломатлигини ўйлаб мақолалар ёзган адиблар кўпгина машаққатлар эвазига кўтариб чиққан экологик муаммолар партия ва ҳукуматимиз томонидан маъқулланганлиги ва шу асосда қарорлар қабул қилишга мажбур бўлинганлиги сир эмас. Зеро, республикамизда рўй бераётган экологик ўпирилишлар улар кўтариб чиққан ташвишли муаммолардан кам ери йўқ эди. Бинобарин, ўлкамиз далаларинигина эмас, минг-миглаб халқимиз саломатлигини издан чиқариб келаётган бутифоснинг асоратларини, Орол фожиасининг юртимиз бошига тушираётган мусибатларини эслашнинг ўзи кифоя. Тўғри, Оролни қутқаришга киришилди, ғўза барглари тўкишда бутифос қўллаш маън этилди. Бироқ ғўза ва бошқа экинларга ишлов беришда, ғўза баргини тўкишда қўлланиладиган бошқа зарарли химикатлар ҳамон ер таркибини издан чиқараётди, инсон саломатлигига салбий таъсир этишда давом қилаётди. Ҳатто айрим жойларда қўллаш мутлақо тақиқланган ДДТ сингари химикатлар ҳамон омборларда яширин сақланиб келинаётганлиги, сабзавот экинларига ишлатилаётганлигининг гувоҳи бўлиб қолаётган. ДДТ билан озиқланган пиёз ва сабзавот маҳсулотларининг инсон организмига турган-битгани зийн. У насл сураб касалликларни келтириб чиқаради.

ДДТ химикати ерга тушгандан кейин унинг бир қисми ер ости илдиэлари орқали ўсимликларга шимилса, бир қисми сув орқали ювилиб ариқларга, ҳавзаларга, дарёларга бориб қўшилади. Бир қисми эса ҳавога кўтарилади. Натижада паррандалар ҳам, ҳайвонлар ҳам, балиқлару сув жониворлари ҳам заҳарланади. Уларнинг тухуми, гўшти, сути ва бошқа маҳсулотлари орқали ДДТнинг зарарли моддаси яна одамлар дастур-

хонига келтириб қўйилади. Яъни атроф-муҳит мазкур зарарли моддалар омборхонасига айланиб қолади.

Завод ва корхоналарнинг тутуни билан ҳавонинг булғанаётганлиги, ҳар хил чиқиндилари билан эса сувларимизнинг таркиби ичиб бўлмас даражада ифлосланганлиги ачинарлидир. Айниқса, Чирчиқ шаҳридаги «Копралактам», «Электрохимпром» сингари корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмалари чиқараётган ифлос оқавалар, зарарли чиқиндилар ҳавони, атроф-муҳитни, Чирчиқ сув ҳавзаларини булғайётганлиги тўғрисида телевидение кўрсатувларида ҳам, матбуот мақолаларида ҳам қаттиқ танқид қилинаёпти. Утган йилнинг июль ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети президиумининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссияси мажлисида мазкур масалага алоҳида тўхталинди. Жумладан, мажлисда шундай далиллар келтирилди:

«Ўзбекистон дарёларини булғатишда Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси аянчли биринчиликни эгаллаб келмоқда. Республиканинг оқар сувларига ташланаётган тозаланмаган ҳамма оқава сувларнинг ярмидан кўпроғи шу бирлашманинг ҳиссасига тўғри келади... Бирлашма Чирчиқ дарёсига оқизиб келаётган зарарли моддаларнинг концентрацияси санитария нормаларидан ўнлаб баравар ортиқдир. Корхонада сувни муҳофаза қилиш ишининг ҳолати ҳозирнинг ўзида шундан далолат берадики, республика ҳукуматининг тозаланмаган оқава сувларни оқизиб юборишни 1990 йилгача батамом тўхтатиш тўғрисидаги қарори бу ерда мутлақо бажарилмади ва давлат назорати идоралари энг кескин чораларни кўришга, ҳатто ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлдилар».

Умуман, Ўзбекистон сув ресурсларини муҳофаза қилиш муаммоларига ҳамон масъулиятсизларча қараб келинаёпти. Узоққа бормаёлик-да, Тошкент шаҳрининг ўзини олайлик. Агар шаҳар ичидан ўтадиган барча ариғу анҳорлар бўйлаб юрсангиз, уларнинг ичлари ва қирғоқларини кўздан кечирсангиз, ниҳоятда ачинарли аҳволнинг шоҳиди бўласиз. Бунинг устига, айрим маҳалалардаги қаровсиз, ифлос кўчалару том-том уюлиб ётган ахлатларни айтмайсизми. Кўп-ларнинг қилган қилигидан, фаросатсизлигидан одам жирканиб кетади. Ахлат тўкиладиган махсус жой бўлишига қарамай, баъзи хонадон эгалари икки қадам юришга эриниб, ахлатларини уйи ортидан ўтадиган анҳорларга тўкиб юборадилар. У ерда ўзларининг болалари ёзда чўмиладилар. Ифлосланган сув ҳар хил касалликлар тарқатишини қайси бир нодон билмайди, дейсиз. Кўра-била туриб, сувни, атроф-муҳитни булғайверадилар. Буларга ким айбдор? Бундай

фаросатсизликларга қачон барҳам берилди?

Сувдан қуруқ чиқиб кетишдан, айбни бировга юклардан осони йўқ. Лекин шуни ёддан чиқармаслигимиз лозимки, атроф-муҳитни муҳофаза этишда ҳаммамиз баббаравар жавобгар граждандаримиз. Ҳолбуки, совет ҳуқуқининг табиатни муҳофаза қилиш функцияси шуни талаб этади.

Улуғ Октябрь инқилобининг биринчи кунлариданоқ буюк В. И. Ленин бутун совет кишиларига масъулият юклаб: «Декретлар, бу — оммавий амалий ишга даъват этувчи қўлланмалардир... Декретнинг вазифаси шундан иборатки, совет ҳокимияти қақирғига қулоқ солувчи юзлаб, минглаб ва миллионлаб кишиларни амалий қадам ташлашга ўргатишдир», деган эди. Дарҳақиқат, юзлаб, минглаб ва миллионлаб кишиларни амалий қадам ташлашга даъват этсак ва шунга эришсаккина кўзлаган натижаларга эришимиз мумкин. Дейлик, диёримиз табиатини, шаҳримиз озодалиги ва унинг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш тўғрисида қуруқ гап сотишликнинг ҳождати йўқ. Ҳар бир шу юртда, шу шаҳарда яшаётган гражданиннинг ўзи курашда бевосита қатнашиши, ўзи амалий қадам ташлаб намуна кўрсатиши зарур. Агар атроф-муҳитни, жонажон диёримиз табиатини, она шаҳримиз бағрини муҳофаза этиш учун кураш ана шу тахлитда оммавий тус олса, ўз-ўзидан юртимиз дарёлари булғанмасди, далалари зарарли маҳсулотлар етиштирмасди, шаҳримиз ариғу анҳорлари ҳар хил чиқиндиларга тўлатиб ташланмасди, халқимиз саломатлиги бу даражада пасайиб кетмасди.

Ҳуқуқ-тартибот бўлимлари, назорат идоралари ва мутасадди ташкилотларнинг хизматчилари совет ҳуқуқининг табиатни қўриқлаш функциясига амалий иш билан жавоб берганларида эди, бунчалик аҳволга тушиб қолмаган бўлур эдик. Яъни табиатга ҳеч ким ўзбошимчалик билан муносабатда бўлмас, атрофида юз бераётган салбий ҳодисаларга лоқайдлик билан қараш бу даражада авж олиб кетмас, шаҳар кўчалари ва ариқлари ахлатхоналарга айланмас, жари-ма кўрсаткич тахталар хўжакўрсинга қоқиб қўйилмас, уларнинг атрофини чиқинди тоғи қуршамас, улар олдида ҳеч ким бефарқ ўтолмас эди. Афсуски, аҳвол биз айтгандан ҳам оғир. Тилга куч берилгани билан билан-ка куч берилганича йўқ. Биз граждандлик масъулияти ва жавобгарлигини унутиб қўйганмиз. Зеро, она диёримиз табиатини, шаҳарларимиз озодалигини муҳофаза қилиш учун кураш ҳар биримизнинг граждандлик бурчимиздир.

Аҳмад ХУДОЙБЕРДИЕВ,
СССР Ички ишлар министрлиги Тошкент олий мактабининг давлат ҳуқуқ-тартибот кафедраси ўқитувчиси.



ДЎСТЛИК ЎЗИШМАЛАРИ

Ўзбек совет маданияти, адабиёти ва санъатида, шунингдек, мактаб-маорифи камолида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг алоҳида ўрни бор. Ҳамза дўст ва ўртоқ сифатида ҳам олижаноб ва садоқатли инсон эди.

Ўзбекистон ССР ФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти Ўзбек совет адабиёти фондида Ҳамзанинг уч ярим мингдан ортиқ ҳужжатларидан ташкил топган архиви сақланмоқда. Қўлёзмалар институтининг Саидбек Ҳасанов, Сафо Зуфаров, Тўхтамурад Зуфаров, Раҳима Шарофитдинова, Дилором Расулова, Сайёра Шукуруллаева ва Жўраҳон Усмоновлардан иборат бир гуруҳ олимлари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 100 йиллик таваллудига бағишлаб, унинг бой архивидаги қимматли ҳужжатларнинг ўзбекча уч жиллик ва бир жиллик рус тилидаги тавсифларини, бир жилдан иборат замондошларининг Ҳамза ҳақидаги хотираларини ва «Маърифатпарвар дарға» номли рисолаи нашрга тайёрладилар.

Биз қуйида Ҳамза билан дўсти — Бўронбой Миртожиев ўрталаридаги ноёб ўзишмаларнинг айримлари билан таништиришни лозим топдик.

Ҳамзанинг дўсти Бўронбойга ёзган мактуби:

«Энг яқин жўрам Бўронбой! Ҳар палла соғ ўлғайсиз. Сиз мени бағримга, отима ёзилган ўртоғимдонсиз. Жоним чикса-да, туфроқ ичинда қолган сўнгаларимда отингизни изи қолажакдир. (22-йил 5 апрелинда) йиборгон (Ғуломжонларники била) 3 ёзмаларингизни ёшли кўзларимга суртуб, соғинуб-соғинуб исёргон ёнуқ бағриларима босуб-босуб ўқугонда ёзувингиз устина томчилагон қайноқ ёшларими изларин тангри кўрушдургонга чоқли сақламоқдамен.

Тотиб ўлсам, кўрар бўлсам,
Де бир шингил, (Ниёз) бошим,
Йўқ армонлар, сўрагонлар,
Соғ ўлғайсиз, соғ ўлғайсиз!

Хўжайлида, 18 сентябрь,
1922 йил».

Ҳамзанинг Бўронбойга ёзган мактуби:

«Биз у кун (28 июнь 1921 й.) Сиздин айрилгондин сўнг оғизма-оғиз сўйлашмагунча тангри бергон бу бошнинг кечургон кўргулукларига ёзув бирла ранг, тизув бирла ширинлик мўзалар бера олмаслигим ўзларингизга белгудир. Тангри билсун! 8 октябрда «Солор» боболаримизнинг бош юрти бўлгон Хоразмнинг Хевақ қалъасига келиб тушдук. Мунда бир ойга чоқли Полвон Аҳмад ва Або Муслимдек атоқли тарих ботирларини туфроқларин соғингон кўз. Сўнг Хевақнинг (кўник ёзгу) миға пастдаги кўнгул мунгларин ёздиқ. Еилғони, босилғонида шулгина бўлди: Мадинаи ахрор Ватан муқаддас Хоразма салом!» (1922 йил, 26 октябрь).

Ҳамзага Бўронбой Миртожиев ёзган мактуб:

«Мулла Ҳамза афандимизнинг ҳузур шариф ва унсури латифаларига камина мулла Бўрондан етиб андоғ маълуму равшан ўлғайким, бизлар бу жонибда худованди каримнинг лутфу инояти бирла сиҳҳату саломатлик даражасида барқарордурмиз.

Худо хоҳласа жаноб келгандин сўнг никоқ қилдурурман деб турибман, баъда дуъогўйларингиз мулла Бўронбой, Миртожи акангиз ва яна ёру дўстларингиздин кўп салом етгай. Турку арабларни муҳорабаларини сиҳҳат-саломатликларидан тез-тез хат қилиб туринг. Ёзилди 4 зулҳижжада, ҳаволис маблағ уч сўм ҳадия, зиёда чи гўям, ассалому алайкум, афанди» (1913 й., 9 сентябрь).

Ҳамзага Бўронбой ёзган мактуб:

«...Жаноби биродари ул-вужуди қиёмати мулла Ҳамза афандимизнинг дуойи шариф ва унсури латифларига етиб андоғ маълуму равшан ўлғайким, каминаларингиз ушбу ерларда худованди каримни лутфу инояти бирла сиҳҳату саломатлик даражасидин жанобингизни ҳар кун беш вақт намозда ёд этуб дуъойи жонларини жаноби ҳақдан тилаб турибмиз... Хат етган замон хат ёзингиз, бе-

марка бўлса ҳам майлига, ишқилиб тез-тез хат ёзиб туринг! Ман ҳам хатни тез-тез ёзиб турурман, жон биродар. Жоним, не қилайки йўл йироқ, агар йўл яқин бўлса эди, ман бошингиз узра туруб хизмат қилиб ғариблигингизни билдурмас эдим. Хайр, худога топшурдум, бандасини ўзи раҳмини есун. Баъда дуогўйларингиз: биринчи мулла Бўронбой, иккинчи Миртожибой акангиз, дўстлар: Муҳаммад Шоқир... ва мулла Сотиболди, мулла Охунхон, мулла Юсуф. Яна ёру-дўстлардин саломатликларингизни албатта, таъхир қилмай йиборингиз, хотиржамъ бўлайлик. Имзо: мулла Бўронбой Миртожиев, 19-зулқайдада ёзилди, зиёда чи гўям, ассалому алайкум, вассалом» (1913 й., 11 октябрь).

Ҳамза Ҳакимзодага биродари мулла Бўронбой томонидан ёзилган мактуб:

«Ассалому алайкум, домла афандим, саломатмусиз? Бой ҳазратлари ҳам саломатмулар! Каминадин салом деюрсиз, афандим.

Баъда маълумингиз бўлсинки, Мирзараҳимхожи муаллим китобларни ва шим ила яқтак тўнингизни менга олуб келуб бердилар, ҳамда ман ўшал этикчиға учрашдим. Айтадурки, манга: фулотнойни (платной) бошлигин берганлари йўқ, деб жавоб берди, ҳарчанд қилдим берганлари йўқ. Бошлигин ва жамъи матерёни (материални) ўзлари олиб бермоқчи эдилар. Ман фақат тикиб бермоқчи бўлган эдим, эмди бу хусусда ўзингиз келиб чигални ечурсиз, афандим! Ғиёсжон жаноби ҳақни лутфу марҳамати илан сиҳҳатланиб, энди жуда иштакга кириб, ҳар нарсаға тил йўнуб турадурган бўлуб қолди. Аммо, Ҳаким поччам ўзлари ҳозир Ушға кетдилар, бу тўғрида болаларингиз андақ овқат тўғрисида толиқишибдилар, иложи бўлса манга, бўлмаса ё мулла Ғиёсжонгагина ҳар кун бир оз нимарса таъйин қилсалар, деб ёздим, афв қилурсиз. Саломатликдан ёзгайсиз, боқий че сўзим, ассалому алайкум мулла Бўронбой биродарингиздан».

Ушбу мактуб ёзилган варақ-

нинг орқа бетида Ҳамза қаламига мансуб қуйидаги лирик шеър бор:

Бошланиши:

«Худо ҳақи суюклик,
Бўлса ойғил эй жоним!
Мусофирлик устига,
Оқузмоғил кўз қоним.


Охири:

Озроқ раҳминг бор эса,
Ёзил бир тўғри жавоб.
Қўрқ тангридан ғарибни,
Бағрин қилма кўп кабоб.

30 октябрь».

Ҳакимзодага дўсти Бўронбойнинг мактуби:

«Ассалому алайкум, афандим! Дуойи салом суннатул-ислом адосидин сўнгра сиз жаноби, баланди мақом ва биродари киром, яъни сиз муаллим афандимнинг ҳузур шариф ва ансори латифларига камина Бўронбойдин етиб маълум ва равшанлари бўлсунким, бизлар бу жонибларда катта-кичик ёр-дўстларимиз илан жаноби ҳақни лутфу марҳамати бирла сиҳҳату саломатлик даражасида барқарор бўлуб, сиз жаноб ҳурматлуларини ҳам мудоми сиҳҳату саломатликларини субҳ-шом тилаб турубдурмиз. Баъда маълум ва равшанлари қилурманким, вақтики жанобингизга мактубларни юбордим, сўнгра жанобингиздин яна хат қилурким, Истамбулда олинган сувратимни бериб йиборингиз деган иборатлик мактубингизни олиб, ўшал сувратни топмоқ хусусида газеталарингизни орасини ахтарсам, қоғозга ўралган карточка қоғоз, откритка қоғоз, ҳар хил дуойи салом ёзилган (хатлар) чиқиб қолди, муни ҳам йибормоқчи бўлдим, яна ўйлаб қолдимки, сиз жанобингизни манга таъйин қилиб, қачон ман мактубларни бериб юборингиз, деб хат қилсам ушбуни бериб йиборурсиз, деб қўлимга ўшал мактубларни бериб кетганингиз сабабли бунини йибормай жанобингиздин бир сўрайин, агарда керак бўлса, божавоб иш қилурмен, деб жанобингизга маълум қилдим, жавобин ёзгайсиз. Уй ичингиз тинчлик, ўғилчангиз салим (соғлом) аввалгидек ўйноқи бўлиб қолганлар, хотиржамъ бўлинг, сиз саломатликдан хат ёзгайсиз.



Хамза номидаги кема.

В. Вайтенко фотоси

ХАМЗА ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

Сувлар эмас, қон қайнар
бизнинг томиримизда:
Биз юрамиз, — акиллар бизларга
тўппончалар,
биз ўлсак ҳам жисмимиз
ҳар хил пухта ишларда,
пароходда,
мисрада
гавдаланар, жонланар.

В. В. МАЯКОВСКИЙ

Боқий ассалому алайкум. Мулла Бўронбой»

Бўронбойнинг хат ҳақидаги хабар мактуби:

«Дуойи салом суннату-л-ислом адосидин сўнгра жаноби ҳурматлу Хамзахон афандимизнинг хузур шариф ва унсури латифларига камина Мулла Бўронбойдан етиб андоғ равшанлари маълум бўлсинким, жанобингиз манга «бир хат келади тезлик ила юборинг», деганингиз сабабли ҳар кун почтальондан хабар олмоқдаман, лекин мактубингиздан ҳеч бир хабар йўқ. Агар келса таъхир қилмасдан ирсол қилурман. Тагин келди-ю юбормади деб мандин хафа бўлуб турмангиз, деб ушбу мактубни ёздим. Илоҳе сиз киромни-л-қадрни оллоҳу таъоло ўз ҳифзи ҳимоясида асраб, саломатлик ила дийдор кўришмакни болфазла-л-киром насибу рўзе қилсун. Омин раббу-л-оламин. Боқий че сўзам. Ассалому алайкум. Имзои камина» (12 октябрь, 1915 й.)

Хамзага Бўронбойнинг мактуби:

«Аввал салом баъдаз каломим сиз жаноби ҳурматлу, улуғ мартабалик, баланд даражалик, муҳтарам муаллим афандимизнинг хузур шариф ва унсури латифларига камина биродари мақомий, яъни мен мулла Бўронбойдин етиб андоғ маълумингиз бўлсинким, жанобингизга бу ҳафта хўб кўз тутдик келурмиканлар деб, келмадилар, чунки Обидулло махсум Намангоний ҳар рўз каминадин сўрамоқда эди. Ман анга бу ила жавоб деур эдимки, икки ҳафтада бир марта келурлар деб жавоб бермоқда эдим. 14 рабиул охарда яна сўрадилар. Камина бу тўғрига андак хижолатфазл содир бўлди. Ва лекин ман андак хавотирманки нотобландиларму, ман ишқалга кирдиларму дебман хавотирда. Еки бошқа бир иш воқид бўлдим дебман. Лекин умид қилурманким, ушбу мактубим етган замон сиҳхату саломатликларингизни ирсол этмоқларини умиди қадар ўтинурман. Боқий че сўзам. Ассалому алайкум.

15-рабиъу-с-сонийда ёзилди, шанба куни соат 10 да». (6 февраль, 1916 йил).

Бўронбойнинг Хамзага фарзанд кўрганлиги муносабати билан табрик хати:

«Жаноби ҳурматлумиз афандима аввал саломим баъданда маълумингиз бўлсинким, жаноби ҳақ жанобингизга 23- зул-қаъда ойинда, панжшанба куни саҳар вақтда бир ўғил ато қилди. Янгамиз ҳам алҳамду лилло ўзлари тетикдурлар, жуда осонлик ила таваллуд қилдилар, афандим.

Боқий че сўзам. Ассалому алайкум. 23- зул-қаъда ойинда панжшанба кун ёзилди. Аддойи мулла Бўронбой» (8 сентябрь, 1916 йил).

Хамзага Бўронбойнинг саломатлик мактуби:

«Жаноби муҳтарам муаллим Хамзахон афандим:

Аввал салом баъданда маълумингиз бўлсун ўшал кун ман асрда келаман деб жанобингизга ваъда бериб эдим. Ушал кун асрда бироз ишга машғул бўлуб ваъдамга ялгончи бўлуб қолдим, афв қилурсиз. Ҳафтадан кейин ҳавлига келсам жанобингиз фақирни кўп кутган экансиз, хат била калид берган экансиз. Қўлумга олдим, таъйин қоғоз била мондалинни олиб чиқиб жавонини қулуфлаб олдим. Ҳужрани қулуфлаб Ҳаким поччамга топшурдим. Уй ичлари тинчлик саломатликдан ёзгайсиз. Боқий че сўзам.

Ассалому алайкум». (3 октябрь, 1916 йил).

Бўронбойнинг сиҳхат-саломатлик мактуби:

«Жаноби ҳурматлу, муҳтарам муаллим афанди, маълумингиз бўлсинким бизлар жаноби ҳақни лутфу марҳамати бирла ҳаммамиз ва уй ичиндагиларингизлар била ҳам сиҳхату саломатлик даражасида барқарордурмиз. Илоҳи сиз киромни-л-мартабасининг ҳам оллоҳу таоло ўз ҳифзи ҳимоясида асраб яқин фурсатларда дийдори шарифларига билфазл вал карам насиб ва рўзе қилсун. Баъда маълумлар қилурманки, ушбу хатдан илгари бир хат йибориб эдим, иншоолло теккандур. Ушбу етгандин сўнг албатта сиҳхату саломатликдан ёзиб турингиз, афандим. Ҳамда

фақирдан Мирзоҳид Афандига ва яна ёру дўстларга салом еткургайсиз. Аддойи мулла Бўронбой.

28-зулҳижжа ойинда чоршанба кун ёзилди. Зиёда че сўзам. Ассалому алайкум».

(12 октябрь, 1916 йил).

Бўронбойнинг саломатлик мактуби:

«Ассалому алайкум, муаллим Хамзахон афандим? Қалайсиз, саломат бормусиз?»

Кетганингизга неча вақт бўлди, жанобингиздан бирор дона хат келмади ва ... бир хабарлар ҳам бўлмади. Шу сабабли мен кўп хавотир бўлуб Мулла Маҳмуджондан сўрасам, жанобингизни саломатликларидан мени андак огоҳ қилдилар. Саломатликларингизни эшитуб ниҳоят даражада хурсанд бўлдик. Илоҳи саломат бўлсунлар. Умид қилурманким, ушбу хат етган замон сиҳхату саломатликдан каминани фақир қатор ошноларингиз соясинда пинҳон ўлган, яъни мулла Бўронбойни ҳам воқифи аҳвол қилсалар деб зиёда умид қилурман. Каминадан Исроилқори поччамга ва яна ёру дўстларга кўпданкўп салом деурсиз. Ғиёсжон сиҳхату саломат ўйнаб юрибдур, хотиржам бўлингиз. Аддойи мулла Бўронбой Миртожи Мирхожи ўғли.

1919-йиллинда 20 мартда».

Бўронбойдан саломатлик мактуби:

«Биродарим Хамза Ҳакимзода қалайсиз, саломатмусиз?»

Баъдаз дуойи саломдан сўнгра каминангиздан егуб маълуму равшанлари бўлсунки, бизлар бу жонибларда жаноби ҳақни лутфу марҳамати бирла сиҳхату саломатлик даражасида барқарор ўлуб ва сиз жанобларини ҳар сабоҳу шом балки ала-д-давом боргоҳе кибриё тилаб турубдурмиз. Мани иқболимга сиз биродари қиёмат, сирдошимни ҳар ерда бўлсалар оллоҳу таоло ўз ҳифзи ҳимоясида асраб тез фурсатларда ва саодатлик кунларда дийдори шарифларига мавсул ўлмоқни насибу рўзе қилсун!

Афандим, маълумингиз бўлсинки, жанобингиз Бухорон шарифдан каминангизга икки дона муҳаббатнома йиборган эдингиз.



Ушал онда ман ниҳоят даражада бетоб эрдим ва ҳам қиблагохим ва волидам, Кофияхон ҳамширам ва ожизамни айни ўлган кунлари эрди. Шу сабабли Бухорога хат ёзолмадим ва ҳамда ўзим боз устига касал эдим. Афандим, сизингдек холис дуода ёд этувчи биродарларимни дуоларидан мани иккинчи оллоҳу таолонинг лутфу марҳаматидан қарийб уч ой бетоб бўлиб ва сизингдек жон дўстларимни кўролмай ва суҳбатларини тополмай қолур эканман, деб кўп афсуси надоматларе чекиб, охири ўзумни фақат ўлумга битуб ўзундан сизга васият шаклида қилиб хат ёзиб, ўз хосманду қадамга солиб устига адреслар қўйдим. Чунки биз банд бўлсак нима бўлишимизни биламиз?»

Эҳтиётдан бу тариқа хат қилиб эздим. Худога шукр, уч ой ётиб эмди оёқга кириб қолдим. Жанобингиз Тошқандга келганларини эшитуб келурмиканлар деб кўб хурсанд бўлуб юрдим. Йўқ, сиз қайтиб Хевага кетуб қолибсиз. Икки дона хат ёзиб эрдим, теккан тегмаганидан, ҳам саломатликларидан эшитмай қолдим. Хайр, саломат бўлсунлар. Эмди умид қилурманки, ушбу мактубимни олсангиз саломатликдан ёзгайсиз, деб Бўронбой Миртожиев» (6 февраль, 1922 йил).

Нашрга тайёрловчилар:
Саидбек ҲАСАНОВ,
Жўрахон УСМОНОВ

СЎКМОҚДАГИ БИТИҚЛАР

Бундан ўн йилча муқаддам Ғаффор Ҳотамовнинг «Тонг ва шом» деган илк ҳикояси «Гулистон» журналыда эълон қилинди, ўшанда мен ёш адибга оқ йўл тилаб, унга сабот ёр бўлсин, сабот бор жойда муваффақиятлар ҳам бўлади, деган эдим. Кейинчалик унинг «Хат ташувчи бола» деб аталган ҳикоялар тўплами, «Қайтиш», «Қудуқ тепасидаги ой» каби қиссалари чоп этилди. Ёшларнинг қалб драмалари, қувонч ва дардлари тадқиқ этилган бу асарлар адабиётимизга яна бир ўзига хос иқтидор эгаси кириб келганини намойиш этди. Айтиш мумкинки, «Юракдаги ёзувлар» китобига жамланган эсселар ҳам ана шу сабот маҳсули, истеъдодли ёш ёзувчининг бугунги кун ҳақидаги, ўзи туғилиб ўсган юрт ҳақидаги, ҳаёт ҳақидаги куюнчаклик билан айтган дил сўзларидир. Шу боисдан «Жавобгарлик» адабиёт газетасида босилиб чиққач, қўлма-қўл бўлиб ўқилди, «Эврилиш» эса «Ёшлик»да чоп этилиши билан адабий жамоатчиликнинг тилига тушди. Чунки она заминга нисбатан чуқур меҳр билан суғорилган бу асарлар бугунги ҳаётимизнинг кескин зиддиятлари — кўрки кетаётган қишлоқларимиз, саломатлигига пу-

тур етаётган ҳамюртларимиз ҳақида, турмуш ҳақида ўйлашга кишини даъват этади.

Турғунлик даврида бизнинг йўқотишларимиз ҳазилакам бўлгани йўқ. Эрта бир кун яна шунга йўл қўймаслик учун машғум хатоларнинг бутун зиён ва оқибатларини назардан ўтказиб, келтирган кулфатини юрак-юракдан ҳис этишимиз лозим. Бу хатоларга чек қўйилиши шарт, акс ҳолда фарзандларимиз бошига бундан ҳам оғир ташвишлар тушиши муқаррар. Шундоқ экан, бобомерос юртимизнинг келажаги, унинг ҳар бир гийҳига тоабод жавобгар эканлигимизни асло унутмаслигимиз даркор. Бунинг учун эса ёзувчининг рост сўзи сув билан ҳаводай зарур.

Ўйлайманки, чинакам ёзувчи халқнинг юрагидаги дардларни дадил ва баралла айтиши керак. Шу маънода Ғаффор Ҳотамов эсселари ўқувчи қалбида эзгу туйғулар уйғотишига шубҳа қилмайман.

Одил ЕҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЛАЙЛАКЛАР

ҚОРОВУЛ ЧОЛ ҲИКОЯСИ

— Одамларгаям ҳайронсан. Қўй, тегма. Турсин шу. Масжид билан нима ишинг бор? Ҳа, ўша... «Обод қиламан, боппайман», деб қилганинг шуми энди? Анави пиянисталарни қайси гўрдан топиб келди бу? Е тавба-а. Минг аттанг деганминан энди жойига тушмайди. Нос чеки-иб ўтириб, лайлақлардан айрилиб қолди-да, болам. Лайлақ келса — қутбарака келади, элда тинчлик, омонлик бўлади, деган эди отам. Қани энди келса шу!.. Билмадим, бу одам энасининг қорнида қандай ётган. «Қўйгин-ов, қўй», дедим, худонинг зорини қилдим, йўқ, билганидан қолмади. Энди амалга минган кезлар эди, бир ўзини кўрсатгиси келдимми ё, ишқилиб, тўртта туруми йўқни етаклаб кеп... нима қилса шулар қилди. Э-э, болам, айтгулиги бўлса экан, айтсам. Ҳавозага дунёнинг тахтасини созуришди-э. Ҳай-ҳайлаганча қолавердим, бирпасда девор сирлариниям кўчириб чиқишди. Сўнг... кетишди-боришди. Астафурилло-о. Нима эмиш, урдасидан чиқолмаган эмиш, энди ўзи Самарқандга борармиш, таъмирчиларнинг пирини бошлаб келармиш. Боплайсан! Отангдан нима ёруғлик чиқувдию сен нима каромат кўрсатардинг, тентак. Анавиларнинг қўлансиган шисаларини йиғиштирганим қолди-да, ука. Буям майли, қанча тахта нобуд бўлди, бунгаям ичим куймайди. Бош омон бўлса, дўпни топилар. Лекин лайлақларга ачинаман, лайлақларга! Машойихлар, лайлақда хосият кўп, деган. Э, аттанг! Жониворлар масжидга кўрк бериб туришарди-да. Илгариям буёқларга ҳеч йўлинг тушганми? Унда ўзинг кўрган чиқарсан, гумбаз устида парқу булут-

дай бўп тургич эди, а? Бир оёқда, худди амирдай керили-иб... Эсиз, эсиз!

Бурноғи йил, шу кунлар — жавзонинг бошлари, ҳовуз бўйида, чорпояда ёнбошлаб ётсам — Юсуф тентакнинг ўғли — янги раисимиз даб-дурустан кеп қолди. Тўрттасини эргаштириб олган, дейдики, анавилар уста эмиш, масжидни таъмирлаб, мазоратни обод қилармиш. Сиёқларига қараб туриб буларнингнинг қўлида бит ўлмайди, дедим. Раис мени силтаб ташлади. Тентак-да, эмаса, дордан қочган каззобларни бошлаб келадими. Бир новчаси бор эди: беимон. Ҳарна қилса, шу қилди. Аввал бошда тайсаллаб туришди, кейин... битта миҳ қоқса, бир стакани «уриб» олади ҳалиги. Қўй, унақа жой эмас бу! Масжиддасан-а, масжидда. Тагин бир томони қабристон бўлса, десам, кулади, мазох қилгандай ишшайди. Шуларга дастурхон ёзиб, чой дамлаб, иссиқ-совурига қараган — мен ҳам тентак. Садқан одам кет-э!

Шу эсимга тушса, тепа сочим тикка бўлиб кетади, ука. Нимасини айтишни, чошгоҳга довуру тўнғиздай сасиб ухлашади. Туриб, пича ишлашадими-йўқми, дарёбодга қараб жўнаб қолишади. Яна бир алфозда иштончанг... Фаҳм-фаросат бўлмасям қийин экан-да. На бола, на хотин-халажлардан тап тортади. Ҳалиги новча қўшоғиз кўтариб олади, де. Қолган учови паст-баланд бўлиб унга эргашади. Бирида — тўрва; бирида — қармоқ. Буларнинг сиёқига қара-аб нашъа қиласан. Епирай, бандасини турли қип яратаркан-да ўзи.

Ўзиям, худо урган кун эди — бир иссиқ, нос элтиб, чорпояда ётибман, бир пайт лайлақ чунонам чирқирадики, чунонам чирқирадики, кайфим учди-кетди. Мундай қарасам, нар лайлақ кўринмайди, модаси бежо, чир айланиб чирқирайди. Одам бўлиб, лайлакнинг мундай куюб ногора чалганини энди эшитиб туришим.

Шўрлик чарх уради, кейин дарёбод томон учади. Кўз юмиб очгунча яна кеп қолади. «Е худо.

Тинчликми?» Виласан, лайлак мардум дарёбоддан чиқмайди: шуёқда ризқини териб юради.

Ирғиб турдим-да, дарёбодга тушиб бордим. Дарёбод дегани — чибин бижғиган дим тўқай, на одамнинг қораси кўринади, на зорнинг. Қўлимни соябон қип қарадим, хув қиёқзордан тутун кўтарилаяпти экан. Уриб бордим, борсам... Э-э, гапиргулиги бўлсаю гапирсам, ука. Нақ шайтони базм устидан чиқдим-да. Бизнинг усталар амирдай ялпайиб, ҳаром терга боти-иб ўтиришипти. Шисалар очилган, ҳалиги зорманда истанкаларга қуйилган. Бировнинг маишатини кўриб, ичим куядиганлардан эмасман, худога шукр, феъллим кенг, ичса ўзининг пулига ичади, менга нима, тўғрими? Лекин... новчанинг ўтиришини кўрдиму ақлим шошди. «Шу касофат бир балони бошлаган», деб ўйладим. Шўрва ҳиди гуп этиб думоққа урилди. Қарасам, декча қайналяпти. Вой, тўнғизлар-э! Учок бошида оппоқ патлар... Жон-поним чиқиб кетди. Жаҳл чиқса, ақл кетади, дейди, шу рост экан. Ёшим бир жойга борганда қамалиб кетишимга сал қолди. Ҳар қалай, яратган эгам паноҳида асради... Йўқ, кейин касофатлар кетишди. Кетишгани дуруст бўлдиам, йўқса битта-яримтасини... Шулар бўлмаганида, олам гулистон эди, ука... «Лайлакнинг унис-чи?» дейсанми? Унис шу кеча алламаҳалгача чирқираб, тоза юракни қон қилди. Боёқиш кўнгул узолмай ини устида бирам чарх урди, бирам чарх урди, ҳеч мунақаси бўлмаган, бир қарасанг, оппоқ бўлиб дарёбод сари кетади, тагин келиб...

Хуллас, тонготарда у бира-тўла кетди. Манави томонга — кунчиқарга қараб учиб кетди-борди. Шу-шу, қайтиб келмади сира. Худонинг берган йили кўз тикаман, қани энди келса, оппоқ бўлиб, ловуллаб кеп қолса, дейман, йўқ. Ахийри қоровуллигиниям топширдим, шу ёққа сира оёқ тортмайди. Файз қочди-да, файз...

Эс-эс биламан, Ғужбоғда Отақул деган алп йигит бўларди, қаллигиям паризодлардан эди. Узукка кўз қўйгандек бир-бирига

ярашиб тушгандилар. Энди буларнинг ишқ достони ҳеч бир таърифга сиғмасди. Ғужбоғ шуларминан Ғужбоғ эди. Келиб-келиб, шу келинчакка Эргаш мингбошининг ишқ тушган, муни қара, касофат Отақулдай йигитни жувонмарг қилди, ойдай келинчак... Шундай қилиб, Отақулнинг ҳовлиси ҳувиллаб қолди. Уйи чўпкари экан, бир қишга чидади, икки қишга... ахийри, деворлари уқаланиб тушди, синчи бирёнга қийшайиб, хунук қўнқайиб қолди. Кўзинг тушса, юрагинг вайрон бўларди... Лайлақларнинг инини айтаман-да, ука, уни қара, худди Отақулнинг уйидай қўнқайиб турибди. Э, тавба, э тавба...

Сенга айтсам, бу дунёнг тирик жонминан кўркли-да, ука...

РИЕ

Бозорда мева-чева нега қиммат? Нега оддий меҳнаткаш бориб кооператив — ширкат дўконидан колбаса ва ёки гўшт харид қила олмайди? Нега унинг дастурхони файзсиз?

Муттасил ўсишда бўлган нархнаво қандай қийинчиликлар туғдирмоқда? Зеро, ҳозир кўпчиликнинг кўнглида норозилик туғдираётган, менимча, айнан шу масала.

Едингизда бўлса, бундан уч-тўрт йил муқаддам қўққисдан: «Ун тортилармиш!» деган мишмиш тарқалди. Ташвишга тушган одамлар ўзларини тўрт тарафга уришди. Чинозда ўша кезлар ҳам кулгили, ҳам аянчли бир воқеага шохид бўлганман: нуфузли идорада ишлайдиган ўғил ишдан қайтган заҳоти ичкаридан онаси бўш қопни кўтариб чиқди ва айтдики: «Қолнинг тагидаги юқини қоқиб ҳозир нон ёпдим, болам! Магазинга ун кепти. Бориб, уч-тўрт қоп опке!» Шунда ўғил деди: «Ўзим шу ёқдан келаяпман, ойи. Ундан умид қилманг. Раис, илғор механизаторларга



«ИЛДИЗЛАР ВА ЯПРОҚЛАР»

романининг

учинчи китобидан

ЙИЛЛАР УТДИ, аммо Вахшивору Кўхитангу Боботоғлар ҳамон илгаригидай виқор билан фалакка бўй чўзиб турибди. Сурхону Тўпалангу Амударёда қанча сувлар оқиб кетди...

Қанча гирдибоду бўронлар, гарм-селу изгиринлар тўқсондан ошган, ҳинд аёлларига ўхшаш қотмадан келган, жиккаккина Шабона бувини юлиб кетолмади! Яхши замонага етиб келди, яхши кунларни, ошкоралигу ҳалолликни кўриб, ҳозирги пайтда яйраб юрибди. «О-о, тупроқдан ташқаридаман...» деган шикоят-омуз гапи ҳам йўқ, киши атроф-табиатга назар ташласа, танига офтоб нурлари тушиб турса — бу ўзи катта бахт! Шунинг ҳам қадрига етмайдиганлар бор, дерди буви ўз кунларидан қониқ-қону розилик ила. Бу бахтни сеза билишнинг ўзи ҳам зако инсонларга хос. «Мен тасал бўйдим, бувим тесинла», деб ёлғондан эркаланиб йўталадиган бебаҳо чеварани ҳам кўрди, уни қучиб, дунёга янги келгандек бўлди. «Асал чеварамдан ўргулай, тилларинг мунча ширин! Сенинг шу овозингни эшитаман деб, тўқсон йилдан буён ўлмайд юрибман. Сен «тасал» бўлма, мен касал бўлай...» дерди буви юракдан. У кунора Онахону Ҳумоюннинг янги уйига ҳаллослаб борар, қоғоз халтада кулча нону анору олмаю узум дегандай... Учинчи бор тиши чиққан буви чевара билан деярли ўртоқ бўлиб олган, баъзан баҳслашиб, аразлашиб ҳам қоларди.

Улмаган киши кўраверар экан. Мана, буви осмонда «Думли юлдуз» пайдо бўлганини ҳам кўрди.

Бу жуда қизик!

Қадимда — ёшлигида шу юлдузни Жарқўрғоннинг ғарби-шимолида, баланд тераклар устида пайдо бўлиб, ҳовуздаги итбалиққа ўхшаб, узун нурли думини осилтириб турганини кўрган эди. Ушанда отаси раҳматликнинг мамлакатда бир ёмонлик бўлмасмикан, деб қўрққани ҳамон ёдида...

ЎША ИИЛИ у ё олти, ё етти ёшда эди. Бувининг ҳозирги вақтда коинотга учирилган «Венера-1», «Венера-2» дан ҳам хабари бор, оқдока рўмолини бошига ташлаб, устида одмичит кўйлак — кўринишда содда бўлиб юргани билан аслида Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, пенсионер... Академик Қори-Ниёзий, Аббор Ҳидояттов, Юнус Ражабий, Мукаррама хонимлар билан шахсан танишлиги бўлган...

— Сен етмиш олти йилдан кейин шу «Думли юлдуз»ни яна кўрасан, кўзичоғим, — деди буви уч яшар чевараси Бобурга. (Ҳумоюн киз кутган эди, Онахон ўғил туғиб берди. Эркин ва Бобур икки оила бахту қувончи бўлди.)

— Сиз-чи?

— Мен у вақтда бўлмайман...

— Қаёқда бўласиз?! — деди «бувини ҳеч қаёққа кетмаслиги» қатъий ишонган Бобур.

— Балки оёғимнинг боди тутиб, уй ичида ўтириб қоларман...

— Ўтирмайсиз-и-и?! — деди Бобур бувисига жиддий илжайиб, — нега ўтирасиз!?

Дарҳақиқат, кейинги йилларда бувининг оёғидаги боди оғриқ бериб, ҳафталарча юролмай қоларди. Чевара хомуш тортди... Буни сезган буви гапини давом эттирди:

— Етмиш олти йилдан кейин сенинг кўзинг билан албатта ўша «Думли юлдуз»ни кўраман! Сен бор экансан, мен уни албатта кўраман.

— Мен оёғингизга дойи олиб теламан, — деди чевара шу йўл билан бувини яна етмиш олти йил «ҳеч қаёққа кетмаслиги» чорасини кўргандай.

— Ишонаман, — деди буви унинг пешонасидан ўпиб.

Шабона буви ўзининг чеварага керак ва зарур эканини пайқади, демак, ҳали-бери ўлиши мумкин эмасга ўхшади. Киши ўзининг оила аъзоларига, жамиятга ортиқча бўлиб қолганини сезса, тез-

да кетиб қолади! Буни ҳаёт исботлаган. Кимда-ким юртига зарур бўлса, бундай одам ўлмай яшайверади. Ҳатто чеваранинг қилчаллик илинжи ҳам асрий умр кўрганларни ушлаб қолишга қодир!

Турмуш тақозоси билан Ҳумоюну Онахон янги уйга кўчишди, буви дам у ёқда, дам бу ёқда турарди. Ёзда, албатта, ҳовли яхши, қишда секция... Ҳовли атрофидаги қўни-қўшнилари билан қариндошдек бўлиб кетган буви, бу ёқдаги кўп қаватли бинода истиқомат этувчи одамлар билан ҳам яхши қўшничилик қила бошлади.

Қишлоқда, ҳовлилари рўпарасига ўрнатилган «Теннисчи аёл» шакл-ҳайкал ҳам бу ердан олиниб ташланди. Гулзорни хира қилиб ётган цемент парчаларидан тозаланиб, унинг ўрнида яна атиргуллар барқ урди. Ўзим хон, қўланкам майдон қабилида иш тутулиб, эл розилигисиз қилинган ишнинг пачаваси чиқиб, она-тупроқ ҳаромхўр мансабдор Давлат Келдиевни елкасидан итқитиб ташлади. Ҳайкални ҳам... Хотин-халаж қатори Шабона буви ҳам бу шахс ғоятда хавфли қаллоб эканини фаҳмлаб: «Ҳой, шунча пул харажат этилиб, қўққайтирилган ҳайкални нега олиб ташлайсизлар, демади-я! Адолатнинг қиличи ўткир», деб қўя қолди.

Ҳовлида кексалар ичида гапга араллашиб турган «комиссар Ҳақназар отанинг умр йўлдоши» — буви доимо сийланиб, хотинлар унинг гапига жон қулогини тутти. Чевараси Бобурни етаклаб чиқиб, шундай бир қизгин гап кетаётган паллада янги тушган иморатлар орқасидаги сўқмоқдан патак соқол, қўлда асо, бошда чала-чулпа тикилган чит қалпоқ, кўзига қора кўзойнак тутган, дарвешлар каби юпунгина кийинган кекса одам судралиб ўтди. Хотинлар ялт этиб қараб қўйишди-ю, ортиқча эътибор беришмади. Ёшроқ бир жувон: «Мана шу одамни танийсизларми?» деб қолди. Ҳаммалари елка қисишди.

— Сигиримизнинг сути кўп. Аямлар ҳар кун орти хурмача қатиқ ивитадилар. Бир оила, олти жон шунча қатиқ ичмаймиз-ку! Қўни-қўшниларга сотсақ, мана шу қора кўзойнакли чол ҳовлига кириб: «Кампир, хафа бўлмайсизу мен сизга бир неча маротаба айтдимки, Жўрақуловларга қатиқ берманг, деб! Ўша шахснинг эшиги ёнидан ўтманг, дедим! Жўрақулов йўқолиши керак, ваҳоланки, сиз унга қатиқ бераяпсиз. Қатиқ умрни узайтиради. Яхши иш қилмаяпсиз! Мени хафа қилаяпсиз! Анонимка ёзаман!!! Шунча вақт чидаб келдим, энди чидамайман, ёзаман!», дейди.

Ойимларнинг оғизлари очилиб, қўрққанларидан «кавш қайтара бошладилар». Аввал тушунмай, кейин бу «анонимка» яхши нарсами, ёмон нарсами, деб сўрадилар. Силос деган нарса чиқди, рапс деган нарса чиқди, анонимка ҳам чиқди... Уни сигир ейдими, дедилар. У одам хўмрайиб қараб турибди. Кейин ойимлар: «Бўпти, ўша Жўрақуловга қатиқ сотмасам сотмасман! Эшигидан ўтмасам ўтмасман», дедилар.

Кейинги сафар шу одамнинг ҳассасага таяниб, атайи судралиб келаётганини кўрган Шабона буви рўпарасига югуриб бориб, жонжаҳди билан тикилди. Чунки Ҳотам Жўрақулов номини тилга олган одамнинг кимлиги бувини қаттиқ шубҳага солган эди. Ўзига тикилиб, чақчайиб турган кампирни кўрган кўзойнакли «чол» боши қуйи ерга қараб, ўтиб кетаётган эди, Шабона буви гап отди:

— Тўхтанг!

— Ҳа?

— Соқол муборак, Тайлоқофф! (Буви яқинда кинода кўргани фашист Шварцкоффга ўхшатиб талаффуз этди).

— Ия, сиз Шабона кампирми-сиз?

— Ҳа, ўша! Нега бундай соқол қўйиб юрибсиз?

— Покландим... Э, худонинг азиз бандаси, мен покландим... Шўро ҳукумати мени қоралади.

Урулдим... Мансабимдан суриб ташландим. Ҳозир масжидда мутавваллиман. Тирикчилик яхши, мўмин-мусулмонлар ҳолимдан хабар олиб туришибди. Киши бошига иш тушса худони танир экан... Покландим деганим шу! Мана, олло йўлига ўзимни бахшида этдим... Пок инсонман...

— Тур-а! Тусинг қурсин! Покландмай ўл! Сен икки дунёда покландимсан! Сен энди мўмин-мусулмонларни ҳам алдамоқчисан! — Буви атайи «сен»лади. — Сен нопок инсонсан! Алдар Кўса! Сенинг кимлигингни бу хотинлар эмас, мен яхши биламан!!! Сен идораларни булғаган эдинг, энди масжидни булғамоқчимсан?!

— Ия, худо урсин сен хотинни! Наузанбилло! Алҳазар, алҳазар, куфф! Сен кофир хотин экансан! — у бедана юриш қилиб, зингилаганча қочиб қолди. Нарироққа бориб, росмана шаталок отди.

«Юлдузни бенарвон урадиган...» Яхшибек Тайлоқовнинг Сурхон далаларида «ёқимтой», «ишчан», «одамохун» ниқобида юрганининг асл башараси батамом бошқача экани бунига маълум эди. Энди юзига ниқоб тутиб, қари-қартагларни алдамоқчи. «Сохта соқолинг куйсин!» деб қўйди кампир унинг ортидан қараб.

— Хотинингнинг чап кўкси тагида мошдек қора холи бор... — деди Тайлоқов йигитлар ўринларидан туриб кетишганда ошнасининг қулоғига оғзини яқин олиб бориб, — хафа бўлмаку, кўриб юрган киши бор... Кариллаб, катта гапириб юргандан кўра, ўзингни эвлаб ол!

Ошнаси турган жойида қотиб қолди.

— Нима дединг?!

— Маммачаси тагида холи бор, дедим... — Тайлоқов ҳам муштумини қисиб, ошнасига ўқрайди.

— Қайси юз билан бу гапни айтаяпсан!!!

Жанжал кўтарилиши аниқ бўлган бир пайтда, ошнаси нима қиларини билмай титрай бошлади. Тайлоқовнинг жағига сололмади, гапиролмай гунг қотди. Олдинда кетаётган ошналари улар ўртасидаги гапни сезишмаган бўлса ҳам, ранглари ўчиб, бир-бирларига хўрайиб туришгандан ниманидир пайқаган эдилар. Яхшибекнинг бундан илгари ҳам бир неча бор ёш олимни чақиб келгани ошнасига маълум.

У бир нима демая шартта уйига жўнади. Йўлда юрагига гулгула тушиб, қадамини жадаллатди. Наҳотки, унинг чап кўкраги тагида мошдек қора холи бўлсаю буни кўрмаган бўлса? Наҳотки, унинг севган хотини, қизалоғининг онаси бузук?! Ҳовлига кириб, боқ хотинини ичкари хонага чақириб, тезда кўйлагини ечишини сўради.

— Жинни бўлдингизми! Бу нимаси! Болалар ҳовлида, — деди хотини кулимсираб.

— Е-е-ч! О-о-ч! — деди эри. Унинг авзойи бузуқлигини кўрган хотин ҳайрон, донг қотиб қолди. Бу ҳақорат камситишга чидаёлмай, хотини аразлаб ташқарига чиқиб кетаётган эди, ёш олим уни маҳкам ушлаб, кўйлакни кўтариб кўкси тагига қаради. Дарҳақиқат, чап кўкси тагида мошдек қора холи бор эди...

— Фоҳиша! — деди унинг кўзлари ёниб.

— Нима деяпсиз?! Нега ҳақорат қиласан! — хотинининг ранги оқариб, беихтиёр сан-санлаб юборди.

Кўзига қон тўлиб, титраётган эр югурганча столи тортмасидаги пичоқни олди-да, хонадан бақириб қочиб чиқиб кетаётган хотинининг биқинига урди. Хотин уй билан айвон ўртасида, коридор эшиги олдида йиқилиб, бўғизланган товукдек питирлай бошлади. Ҳаммаёққа қон сачради... Қотил эр қонли пичоқни ушлаганча чойхона томон югурди. Лекин у Тайлоқовни тополмади. У аллақачон қочиб қолган эди. Кўчада уни милиционер ушлаб, бўлимга олиб кетди.

Эртасига фожиани эшитган Тайлоқов шу кунгича кийимини ўзгартириб, Сурхондарё томон қочган эди...

Шабона бувининг оғзи очилиб, унинг орқасидан тикилганча қараб қолди. Гарчи, «думли юлдуз»ни қайта кўришига ишонмаса ҳам, ҳар қалай, жаллод Тайлоқовнинг охир пировардида хор бўлганини кўрганидан хурсанд бўлди. «Шундоқ бўлишини билардим — ҳаром иш қилиб келганлар, порахўрлар охирида хор бўлиши аниқ, — деди ичида. — Мана, ўшалардан бир нусха! Пул

қутуртириб, нима ишлар қилмади бу ярамас. Емоннинг хор бўлганига ачиниш керак эмас».

КУНЛАРДАН бир куни буви яна бошқача хангоманинг шоҳиди бўлди: қўшнисининг қизи Жамилани сариёғ олиб келиш учун шундоқ ёғинадаги гастрономга чиқарди. Жамила кассирдан чек урдириб қайтми — етмиш олти тийинини олиб, беш сўмини ташлаб келибди. Жамиланинг айтишича, кассир хотин олдидаги тақсимчага учта йигирма тийинлик ва битта ўн беш тийинлик тангани жаранглатиб ташлаб қараб турибди. Қизалоқ тангаларни йиғиштириб, шоша жўнабди...

— Беш сўми қани? — буви ўйланиб қолди. — Жамила нега бундай қилган экан? Шу билан иккинчи маротаба кам олиб келиши.

— Берганини олиб келдим, — деди қизча.

Эртасига буви гуруч олгани гастрономга кирди-да, бир муддат кассир — оғзи тўла тилла тиш, сочлари хинага бўялган, бармоқларида қўша бриллиант узук, келишган жувоннинг ишини кузатди. У ёнига тез-тез келиб, чек олаётган одамларнинг пулига эмас, кўзига қарарди. Ундан сўнг, қайтимининг танга-чақаларини

чинни тақсимчага тақирлатиб ташлаб, бир муддат жим турар, қайтимини бамайлихотир кутиб турган харидорни кўргач, энсаси қотиб ё уч сўмлик ё бир сўмлик ёки ундан ҳам каттароқ қоғоз пулни тарелкага итқитар эди. Биров бу қилиқни сезиб, энсаси қотар, биров бу тулкиликка ақли етмай, тезда жўнаб қолар эди. Мабодо: «Нега қайтимини бермайсиз? Сиз менга қирқ беш тийин бердингиз, яна бир сўм беришингиз керак», дейилса, олифта жувон тўлганиб, шу лаҳза бир сўмлик қоғоз пулни зарда билат ташларди. Харидорнинг орқасидан пичирлаб қарғагандай ҳам бўларди. Бундан бир ой бурун уйдан ҳаллослаб қайтиб келган бир хотин билан жанжаллашиб, ўламан саттор, мен сенга ўн сўмлик червон берганман; деб туриб олган. Гастрономда ишлайдиган бўйни йўғон бир йигит харидорга: «Ҳей, ўн сўм учун талашасанми, номард, мана сенга ўн сўм!» деб пенсионер хотинга шалдирак ўн сўмликни отиб юборган. Харидор: «Ўртага тушма, жағингни ёриб қўяман, ҳажижиз! Мен ишлаб топаман, ёппа-ёруғда бировни шиладимиз бу жувон!» деб ранги оқарганича гастрономдан чиқиб кетган... Буви бир бурчакда, одамлар ичидан кассирни кузатиб турди. Дарҳақиқат, у қайтимини — тангаю қоғоз пулни

Т. Саъдуллаев чизган расм

ЙИГИТЛИГИДА ҳасадгўйлиги сабабли даҳшатли фожиа юз берган. Оиласи билан иноқ яшаётган бир дўстининг бахти Тайлоқовни тинчитмади, ўртоғининг ёш олим бўлаётгани, ўзининг у ер-бу ерда валаклар юргани, ёлғончилиги маҳалладагиларга сезилиб, кўплар ундан эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилишар, ундан қочишар эди. Тайлоқов уни сезмаслиги мумкин эмас. У ўспирилик ошнасининг бир оз тезоб — жижзакилигини, тўғри сўз ҳамда ўта соддалигини билиб ва пойлаб юриб, яхшилаб қоқилтирмоқчи, ўмбалоқ оширмоқчи бўлди.

Ҳасад ёмон нарса, у наинки дўстларни юз кўрмас қилади, бутун бир мамлакатларни ҳам биридан айиради, муҳораба бошлаб, қон тўкилишига олиб келади.

Уша йиллари, кунлардан бир куни шу Тайлоқов чойхонада, учтўрт йигитлар даврасида ошнаси — ёш олим билан тўқнашиб қолди. Унинг янги костюми, галстугига тикилди, тўлқинланиб ниманидир гапирётган ошнасига заҳархандалик билан илжайди, «Ҳажикизлик қилаберма!» деб камситди ҳам. Ёлғончиликдан тили куйган Тайлоқов «ёш олим» ҳаяжонини кузатиб, гапларига қулоқ солиб турди-да, атайин чиройли аёллар, хуфия учрашувлар, ошнаси хизмат қилаётган институтдаги момоқаймоқ, мўрчамийён... бир лаборант аёл хусусида бейбо гап айтди. Ошнаси миқ этмай қолди. Тайлоқовнинг хотинлар ҳақида камситиб гапирришлари унга ёқмади. Энсаси қотди.





Мана икки йилдирки, Наманган шаҳридаги Аврли газламалар бирлашмаси коллективи хўжалик ҳисобига ўтиб ишламоқда. Бирлашма ўтган йили 1 миллион 25 минг сўм фойда кўрди. Бу ерда уй-жой, ясли-боғча билан боғлиқ муаммолар аллақачон ҳал этилган. Бирлашма ҳовлиси ташқарисидаги иккита кўп қаватли уй ёнига яна битта уй қуриляпти. Янги уйдаги квартираларни асосан ёш оилаларга бериш мўлжалланган. Чунки корхонада ёш ишчилар кўпчиликини ташкил этади.

ЎзТАГ фотомухбири А. Ковтуннинг лавҳаларида бирлашма ҳаётининг муайян қирралари ўз ифодасини топган: 1. Бирлашма директори, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати Муҳаммадjon Қаримов хизматдошларига ўз таассуротларини гапириб бермоқда. 2. «Оромгоҳ» қўйнида оилавий дам олишга нима етсин... 3. Бирлашма қошидаги савдо расталарида хилма-хил озиқликлар муҳайё.

А. Ковтун фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси)



бирга қўшиб узатмайди. Аввал танга-чақаларни ташлаб, ундан сўнг кўзини лўқ қилиб туради; бетоқат харидор танга-чақани олиши биланоқ бошқа нарсани ўйламай, чекни олиб, касса ёнидан жўнаб қолади. Шу йўл билан «жонон кассир» одамларни шилар экан.

Буви кассага яқинроқ бориб, тикилиб, буни қарангки, обдан бўянган жувонни ҳам таниди. Марҳабо!.. Киши ишонмаслиги мумкин, аммо бу ҳақиқат! Кимсан Моҳитобонхонимнинг ёлғиз қизи, Жўмард Вайбўсиновнинг қўйиб юборган хотини Марҳабоку! Наҳотки, шундай «юқори» хонадоннинг қизи мана бундақа пасткаш иш қилса! Хизматнинг катта-кичиги йўқ, аммо ҳаром қўл бўлиб, кишилар ҳақиқа хиянат қилаётганини кўриб, ёқасини ушлади. Уни ҳам таниди, буни ҳам. Кўзлардан яшириниб бўлмас экан. «Бу хотиннинг қўлидан ҳамма иш келади», деди ўзига ўзи. Илғари уларнинг ёнига яқин бориб бўлмас эди, димоғидан эшак қурт ёғиларди. «Бай-байбай, — деди буви, — одамзод шунчалик ҳам паст кетадими!

Суюқоёқ эмиш, пропесирларга ов қилармиш, деган гапни эшитгандим. Октябрь инқилоби хотин-қизларимизга озодлик берди, айниқса асрлар бўйи эзилган Шарқ аёллари ёруғликка чиқди. Аммо баъзан учраб қоладиган мана бундай қуйқалар, оила қадрига етмайдиган бузуқлардан худо асрасин!»

ЯНА ИККИ ИЙЛ ўтди. Аёвсиз жангда ғолиб чиққан буви ширин чевара билан тенгдошлардай гаплашарди, ёнма-ён ўтиришиб, баъзан жанжаллашиб ҳам қоларди. Баъзан чевара бувисининг кетиб қолмаслигини истаб, ковшини бекитиб қўярди. «Буви, циркда ҳамма жонворларни ўйнатишади. Нега тулкини ўйнатишмайди?» деб сўраган эди, буви: «Тулкини одам ўйнатмайди, аксинча, тулки одамни ўйнатади», деб хаҳолаб кулди.

Кунлардан бир куни нима ҳам бўлдию, шу ширин чеварага иш буюриб, қўшниникига чиқариб юборди. Юраги лопиллаб, безовтароқ бўлди. Бу ҳам одатдагидек

ўтиб кетар, деди. Шундан кейин ётгиси келиб, юмшоққина ўз каравотига чўзилди... Юраги тинчиб, мизғигандай бўлиб, кейин, кўз очиб қараса, оёғининг боди оғримаётгандай... «Хайрият-е», деди кампир. Умуман, ҳеч ери оғримасди... Энди доктор чақирининг ҳам ҳожати йўққа ўхшади... Эҳтимол, бу умр бўйи қўрқитиб келган ўша даҳшатли ўлимдир. У кулимсиради, бу ярамас шайтондек ҳамманинг орқасидан қувлаб юради. «Қўрқмаслик керак экан, деди ўзига ўзи, наслу насабинг давом этар экан, юртинг бор экан, халқу тилинг саломат экан, «Думли юлдуз»ни чевара кўзи билан кўрар экансан, шунча яшабсан, нимадан қўрқасан! Ўлимнинг ҳеч қандай қўрқинчли томони йўқ, тусини ел есин! — деди у кулимсираб. — Чеваранингки қўлида ўлибманми, шу ўзи бахт. Шукр, ўзига шукр: Юсуфжон қизиқ чойхонадаги каравотни кўтараман, деб ўлиб қолган экан, Қори-Ниёзий шу жувонмарг ўлимдан қўрқиб, саратонда ҳам костюм кийиб галстук тақиб юрган, шоир Ҳабибий тоат-ибодатни қанда қилмай,

тўғсонларида Халқлар дўстлиги орденини бир марта тақиб, кулиб, таажжубланиб ўлган дейишади. Аброр Ҳидоятлов янги қатиқ ичиб, ўзига ўзи парвариш қилавергани билан ҳам ўлди... Аммо, чевара кўриб ўлиш ҳаммасидан аъло!..»

Бувининг бир соат ичида дунёдан ўтганини Бобур ҳам сезмай қолди.

Эшикдан ҳовлиқиб кирган Онахон Шабона бувининг кулимсираб ётганига кўзи тушди; у дод солиб бақиршини ҳам билмади, бақирмасини ҳам... Кафтлари билан ўз лабларини бекитиб, қотиб қолди. Кулимсираб ётган бувининг «уйқусида» безовта қилгиси келмади. Унинг ўлганига мутлақо ишонмасди. Бундай бўлиши мумкин эмас! Вармоқлари билан силаб, кулимсираб ётган бувининг кўзларини юмдирди. Совиб қолган қўлларини ушлаб илитмоқчи бўлди. Буви ҳазил қилиб атайи кўзларини юмиб ётганга ўхшарди. Йўқ, бу гал ҳазил эмасди. Лекин ўлимга ҳам ўхшамасди, ўлим даҳшати буви сочининг бир толасича, кўзга кўринмай кетди...



«ОЛМОС ҚАТРАЛАР»

Уқувчим, ҳаётда билиб олгин кўп,
Соз хислат отадан ўғилга мерос.
Яхшилар ордидан одимласанг кўп,
Қалбингда ошади ҳаётга ихлос.

Агар қора тун бўлсанг,
Кун бўлишни орзу қил.
Агар ёруғ кун бўлсанг,
Нур сочишни орзу қил.

Қарич ерни талашарди
Икки қўшни: «Меники» деб.
Ер-чи кулди: «Эй нодонлар,
Қар икковинг «меники» — деб...

Ўғирлик-ла топилган дунё
Музга ёзиқ мактуб мисоли.
Қинғир ишга қўл урма асло,
Қуёш чиққач, музнинг не ҳоли?..

Юрагим оқ кўсак шаклида
У момик пахтадек очилар.
Беш чаноқ қиррасин изи бор,
Беш томон нур тараб сочилар.

Йилга бормаи, ўзгардинг, укам,
Йилга бормаи, ўсди тумшугинг...
Аввал феълинг кўп эди кўркам,
Амал топди яна шумшугин.

Чунон бойсан ёки билимдон,
Тез-тез уни қилаверма пеш.
Завол топиб бўлади гумдон,
Юз ўгирса дўсту элу хеш.



Виждони пок-ҳалол бўлмишдир,
Саводхон киши — оқил ва доно.
Ешликдан иккисин айлагин
хамроҳ,
Кексайгач эъвозда бўлгунг доимо.

Ярим асрни ҳам босиб ўтди ёш,
Қоп-қора сочдан ҳам соқит бўлди
бош.

Майхўр «дўстим» ишшаяди,
кулади,
Кўзи бежо... қараб қўяр қўлимга.
Мақтаб мени: «эритмоқчи»
бўлади,
«Дўст»лиги ҳам ўзимгамас,
пулимга!

Билим уммонини
тўлдиrolмадим,
Бу учун кам экан яшасам минг
ёш.

Сўз қисқаси доноликдандир
дарак,
Оқил одам оз яшаса билинмас.
Валдираган бўлар-бўлмасга
бирдак,
Юзда ўлса, эл кўзига илинмас...

Бир савдогар «дўстим» кўриб менга дер:
— Ориглабсиз, кўзлар ҳалқоб, иш қалай?
— Ҳа, биз қўймиз, ориқлаш ҳам
тайиндир —
Сиз-чи, бўри, ҳамон семиз тулупдай.

Хунук хабар дўстнинг ҳам қалбин тилиб
ташлайди,
Нохуш гапни ҳаттоки, душманингга
гапирма.

Бир калима совуқ сўз шоднинг кўзин
ёшлайди,
Кайфиятинг сезмасин, меҳмон келса
бақирма!

ЯШАШ БУ КУРАШДИР

Яшаш бу курашдир, ютуқлардир бахт.
Одил ҳукмин ўқир тақдирловчи вақт.
Кимга насиб бўлур шарафлар тожи
Ва кимлар бўлгуси бадному бадбахт!

ҲАСАД КЕМИРГАЙ

Вақтнинг шиддат ўти тошни емиргай,
Сувсаган сахро денгизни шимиргай.
Инсонга берилган юз йиллик ҳаёт,
Лек, уни бўҳтону ҳасад кемиргай.

ПАҲЛАВОН МАҲМУДГА НАЗИРА

Беорлик касридан юзимда юз йўқ,
Узрим сўзлагали сўзимда сўз йўқ.
Вафога сўз бериб тондим сўзимдан,
Чун, ўзни кўргали кўзимда кўз йўқ...

ҒАФЛАТ

Уйқудан излардим жонга ҳаловат,
Уйғон деб ҳайқирди, юрак бетоқат:
Ахир, уйқу эрур ўлимга ёндош,
Кўз юмиб, кун кўрмоқ қабиҳ жиноят.

РАНГИН ДУНЕ

Булбул дер: «Қайда бор мангулик баҳор?»
Қарга дер: «Дунёни қопласин муз-қор».
Бургут дер: «Қайда бор энг юксак чўққи?»
Бойқуш дер: «Бу чаман бўлсайди мовор!..»

ИРМОҚЛАР ТУТАШИБ

Ирмоқлар туташиб бўлгуси дарё,
Дил дилдан сув ичар, кўз кўздан зиё.
Элга эл дўст бўлиб бирлашса агар,
Ешариб кўрк очар бу кўҳна дунё.

НАЙҚАМИШ

Бағри юз чок бўлган Найқамиш, ҳайҳот,
Елга бағрин очиб чекармиш фарёд:
Мендек телба ошиқ борми жаҳонда,
Тилинган бағриму куйлайман дилшод.

МАЛОМАТ ТОШИ

Сирли тош яратиб тақдир наққоши
Унга ном бермишдир: «Маломат тоши».
Сўнг пасткаш кимсалар қўйнига жойлаб,
Демиш: «Унга нишон оқиллар боши...»

НАЖОТКОРЛАР

Дарвин Содикович билан келишилган вақтда учраша олмадик. Суриштирсам, мураккаб юрак операцияси давом этапти, кутиб туринг, дейишди. Кутув хонасида одам кўп. Уларнинг аксарияти беморлардан ҳол-аҳвол сўрагани келганлар. Руҳлари ташвишли, тиқ этса туйнукка қараб ўтирганлар ҳам оз эмас. Кўриниб турибди, уларнинг кимларидир операция қилинапти. Айримларнинг кўлларига гулдаста, кўзларида миннатдорлик аломати. Афтидан, операциядан муваффақиятли чиққан кадрдонларини йўқлаб келишган. Шу дамда умидвор нигоҳларга қувонч, бемор жисмига қайта ҳаёт бахш эта олган шифокорлар назаримда энг улуғ кишиларга айланди. Бундай ҳолни фақат касалхона бўсағасида кутиб ўтирган нотинч қалб ёки операциядан сўнг илк бор кўзини очиб, ёруғ оламни қайта кўриш насиб этган кишиларгина ҳис этиши мумкин. Шунинг учун бўлса керак, дардига шифо топган одамлар ўз халоскорлари билан бир умрга оға-инидай бўлиб кетишади. Ҳаёт қанчалар ширин. Уни асраб қолганлар эса чинакам ҳурмат, эътиборга лойиқ, бахтиёр одамлардир.

СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ илмий хирургия маркази Тошкент филиалининг юрак хирургияси бўлими бошлиғи, медицина фанлари доктори, профессор Дарвин Содикович Ғуломов ҳам ана шундай бахтга, эл-юрт эътиборига сазовор бўлган инсонлардан биридир.

Операция ниҳоясига етганидан хабар топганимдан сўнг профессорга қўнғироқ қилиб, ташрифимни айтдим.

— Э, кетиб қолгансиз, деб ўйлагандим, — овоз келди нариги ёқдан, — ҳозир айтаман, ичкарига киритиб юборишади.

Профессорнинг тўртинчи қаватдаги хонасига кириб борганимда турли медицина ускуналари сочилиб ётган стол ортида чехрасидан нур ёғилиб турган отахон печенье тамшаниб ўтирарди. Тушлик пайти ўтиб кетганига анча бўлганини эсладим. Ўзга

чора йўқ. Профессорнинг хизмат юзасидан сафарга отланаётганидан хабарим бор. Вақт ганимат.

— Кираверинг, касбимиз шунақа, вақт бизлар билан ҳисоблашмайди, — деди у бўсағада туриб қолганимнинг боисини англагандай. Мақсадимни айтиб улгурмасимдан, афтидан, ёрдамчи бўлса керак, оқ халатли йигит хонага кириб келди. У ҳозиргина юраги операция қилинган беморнинг аҳволдан ҳисоб бериб, медицинага хос аллақандай узукюлуқ жумлаларни айтди. Профессор, ҳозир, дедию бемор хузурига чиқиб кетди. Уларнинг мулоқотидан ҳеч нарсани англамаган бўлсам ҳам, сездимки, беморнинг аҳволи хавотирли. Аъзойи баданим жимирлаб кетди. Фикримни тўплаш мақсадида аввалдан тайёрлаб келган саволларимга кўз югуртирдим. Улар мен гувоҳ бўлиб турган медицина оламини ёритишга ожив эди. Суҳбатни қандай бошлашни ядрок қилиб улгурмасимдан, Дарвин ака хонага табассум билан қайтиб келди.

— Дарвин Содикович, — дер эди ёрдамчи йигит ҳаяжонини боса олмай, — тасаввур қила олмаяпман, деярли ишдан чиққан юрак ишлаб турибди. Ахир, тикиш жараёнида кўп қон йўқотилди. Аппарат панд бергани туфайли ўзингиз бир неча дақиқа қон кетаётган юрак йиртигини бармоғингиз билан сиқиб турдингиз. Токи қон ҳайдаб берувчи аппарат тўла ишга тушгунча озмунча вақт ўтдимми?

— Ҳа, афсуски, шундай бўлди. — Профессор назаримда ўша жараёндаги ташвишли ҳолни энди ҳис этаётган эди. Ёрдамчидаги ҳаяжон унга ҳам юқди. — Афсус, минг афсус, юрак операция қилинадиган ягона илмий марказда зарур асбоб-ускуналар ҳалигача етарли эмас. Борлари ҳам эскирди, ишдан чиқди, ахир, ўзинг кўрдинг-ку, нақ ҳал қилувчи дақиқада аппарат панд берса... Қон кўп йўқотилди. Медицинада ҳар томчи қоннинг қийматини ўзинг биласан.

— Майли, мен беморнинг ҳолидан хабар олай...

Ёрдамчи врач чиқиб кетди. Устоз-шоғирд операция жараёнида юракни тўхтатиб қўйиб, инсон организмга қон ҳайдаб бериб турувчи аппарат ҳақида гапиришаётган экан.

— Медицина учун зарур асбоб-ускуналар таъминоти масаласи мамлакат миқёсида ҳам ташвишли, — деди профессор. — Ёлғиз умидимиз бўлиб турган аппарат операция пайтида панд берса-я, эшикда кутиб ўтирганларга буни қандай тушунтира оласиз. Мана шу арзимаган бир неча ўрам тикув ипини олайлик. Нима деган нарсаси? Йўқ. Чет элдан тилла баҳосида сотиб олинди. Эҳтиёж катта.

Республикамизда туғма ва ортирилган юрак пороги дардига дучор бўлганлар анчагина. Бу ҳақда кўп ўйлайман. Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, қариндош-уруғлар никоҳидан туғиладиган болаларнинг аксарияти юрак пороғига мубтало бўладилар. Республикамизда йилига 2,5 минг бола юрак пороғи билан туғилди. Уларнинг қарийб тенг ярми бир ёшга ҳам тўлмаб нобуд бўлади. Бир ёшгача бўлган болаларни фақат Ватанимиз пойтахти Москвада ёки Рига шаҳридаги илмий марказларда даволаш мумкин. Ҳозирча бизда бунга ҳам шароит йўқ...

Профессор яна беморлар хузурига ошиқди. У қайтиб келгач, ўзи ҳақида гапириб беришни илтимос қилдим.

— Тошкенти азимда дунёга келганман, — деди у жилмайиб, — отам қурувчи-инженер, онам Ваҳри Ғуломова партия ходими бўлганлар...

Унинг чехрасида доимо зоҳир бўлиб турган дилкаш руҳ дастлаб танишдай туюлган эди. Буюк шоиримиз Ғафур Ғуломона табассум, чечанлик, нигоҳидаги бир оз қувлик, фидойилик, изланувчанлик сабабини дарҳол англадим. Тоғанинг суякли жиянига табиат инъом этган мероси!

Дарвин Содикович 1953 йили Тошкент Давлат медицина институтини муваффақиятли тамомлагач, ўпка сили касаллиги устида изланиш олиб борди. 1965 йилда ана шу мавзуда кандидатлик

диссертациясини ҳимоя қилди. 1973 йилда докторлик диссертациясига нуқта қўйилди. 1977 йилга келиб, медицина фидойисига профессорлик унвони берилди. Самарали илмий изланишлар ёш олимнинг келажагини нурафшон этди. У медицина ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бешта кашфиёт, 130 дан зиёд илмий иш, битта йирик монографик асар муаллифи ҳамдир. Медицинада кўкрак хирургияси ривожига қўшган самарали ҳиссаси учун Шухрат белгиси ордени билан тақдирланди.

Фаолияти давомида эришилган муваффақиятлар замирида машаққатли изланишлар, устозлар раҳнамолиги, илмий баҳс ва мунозаралар ётганлигини Дарвин Содикович яхши билади ва уларни қадрлайди.

— Ижодий ҳамкорлик йиллари устозим академик Восит Воҳидов кўрсатган йўл-йўриқлар менинг медицинадаги йўлиمنى белгилаб берди. Эндиликда медицина фанлари докторлари М. Маҳмудов, М. Зуфаров, медицина фанлари кандидатлари В. Умаров, Н. Хан, Ю. Макаренко билан ижодий ҳамкорлик умумий ишимиз ривожига ҳисса қўшаяпти. Ҳар биримизнинг ўнлаб шоғирдларимиз бор.

— Энг асосийси бу эмас, — дейди зукколик билан профессор. — Биз, халқ тили билан айтганда, маълум маънода нажоткорлармиз. Умримиз давомида халқимиз корига яраётган, уларнинг оғирини енгил қилаётган бўлсак, энг олий бахт ана шу.

* * *

Пойтахтимизнинг Фарҳод кўчасида жойлашган муҳташам бинолардан бирининг пештоқида юракни ҳовучлаб турган нажоткор кўл рамзи акс эттирилган. Назаримда, бу рамз кутиш хонасида ўтирган ўнлаб умидвор нигоҳларнинг руҳиятини ҳам англаётгандек эди.

Ўктам МИРЗАЕРОВ

НУРЛИ СКАЛЬПЕЛЛАР ОВОЗСИЗ МАШИНА



Бундай жарроҳлик асбоблари асосан хирургияда шилларни даволашда ишлатилади. Ультратовуш танадаги огрикни камайтиради ва тешикдан ҳам ингичка исканани эслатувчи скальпел учиди ҳосил бўлган бўтқа сурилади. Ультратовуш ёрдамида операция қилиш бемор учун ҳам, хирург учун

ҳам енгил кўчади. Бунда қон кам йўқотилади. Жаҳон бозорида ультратовушли скальпеллар жуда қимматбаҳо саналади. Польшалик медиклар тандан ясалган скальпелларда дастлабки тажрибаларни ҳайвонларда ўтказишди. Хирурглар бу ишни ижобий баҳолашмоқда.

Англияда яратилган электр ёзув машинкаси овозсиз ишлайди: ҳарфларга зарб билан уриш шарт эмас, ҳарфларнинг учи секингина лентага тегизилса кифоя. Бундай машинка учун лентада қуруқ бўёқ билан пластик қатлам ҳамда алюмин фольгаси бўлади. Босма элемент ҳисобланган микроэлектродли матрица лен-

тага тегиб туради. Ҳарфли клавишни босганда электрон схема электродларга керакли токни етказиб беради. Бўёқ эрийди ва қоғозда электродлар ёнган жойларга сурилади — натижада қоғозда ҳарфлар пайдо бўлади. Тўғри, бор-йўғи 1 нусха кўчирилади, лекин уни ксероксда кўпайтириш жуда қулай.



Зангори кемалар — пахта-
корларнинг қайрилмас қа-
ноти.

Пахталар хирмон-хирмон...

В. Мосин фотолари





РАССОМ

ВА

ЗАМОН

Т. БОЛТАБОВЕВ. «Гурӯғли» достонига ишланган миниатюра.

МИНИАТЮРАЧИ РАССОМЛАР ТОҶИР БОЛТАБОВЕВ

ВА ХУРШИД НАЗИРОВ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Т. БОЛТАБОВЕВ. «Гурӯғли» достонига ишланган миниатюра.

Х. НАЗИРОВ. Мушоира.




Т. БОЛТАБОВЕВ. «Гўрўгли» достониға ишланган миниатюра.



Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги ҳайкали.

Л. Петренко фотоси

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



Таниқли врач, Улуғ
Ватан уруши ветерани
Зикрилла Эгамбердиев.

В. Мосин фотоси

Киноактриса Дилором Эгамбердиева.

Л. Глауберзон фотоси



Беҳбудий ҳазратлари кўринишда ғоят маҳобатли ва салобатли эди. Аҳволига воқиф бўлмагон кимса, мутакаббир деб гумон қилур эди. Лекин ҳақиқатда мулойим суҳбатлик, такаллуфсиз бир одам эди. Уз моли ҳақида бўлсин, халқ моли ҳақида бўлсин, иқтисодга кўп риоя қилар ва ижтимоий аҳволимизнинг тузулиши учун иқтисодга риоя қилишни биринчи шартлардан билар эди. Шунинг учун тўй ва аъзаларга бўлатургон исрофларни ўзи бутун тарк қилган ва сўзига қулоқ солатургонларни ҳам тарк қилдиргон эди.

Садриддин АЙНИЙ

«...Мустабид амирликнинг ағдариладиган куни яқин, юксак адолат тантанасига ва меҳнаткаш халқнинг барча эзувчилар устидан ғалабага ишонч бизга жисмоний азоб-уқубатларга бардош бериш учун куч-қувват бағишлайди. Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз. Бизнинг ўлимимиз учун энг яхши қасос мустабид амирликни тезроқ йиқитиш ва мазлум Бухоро халқини озод қилиш бўлади...» Бу гапларни ўз ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача мустаҳкам эътиқодига содиқ қолган буюк сиймо Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875—1919) қатл қилиниши аниқ бўл-

бизнинг маънавий қашшоқлигимиз, қўрқоқлигимиз ва жиноятимиз, деса ҳам бўлади. Ваҳоланки, қайта қуриш дастлаб эскича қарашларни қайтадан кўриб чиқиш демак-ку. Энг муҳими, бугунги ёшларимиз ўз аجدодларига ҳурмат билан қараш руҳида тарбия олишлари, ўз аждодларининг буюк ишларидан илҳомланишлари лозим. «Аждодларга ҳурматсизлик ваҳшийлик ва фосиқликнинг энг биринчи аломатидир... Мозийни ҳурматлаш — билимдонликни ёввойиликдан фарқ қилувчи ягона хислатдир... Ваҳшийлик, қабоҳат ва жаҳолат мозийни қадрламайди, унинг фаолияти фақат бугунги кун олдида ялтоқлик қилиш билан чеклангандир» (А. С. Пушкин).

ҚАТЛ ЭТИЛГАН АДИБ



Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бу расмини рассом О. Восихонов М. Бузрук Солиҳовнинг филология фанлари кандидати Ш. Турдиев шахсий кутубхонасида сақланаётган «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» (ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1935 йил) китобидаги фотосурат асосида чизди.

гандан кейин васиятномасида ёзган эди. Беҳбудий эл-юрти озодлиги, бахт-саодати учун Бухоро амирлиги истибдодига қарши курашга бутун ҳаёт-фаолиятини бағишлаган ва умуман яшашнинг мазмуни шу деб билган курашчи эди. Тарихда ўз билими, жасорати, бутун вужуди билан халқ омаси манфаатлари йўлида хизмат қилган сиймоларни ҳеч қандай буйруқ, зўрлик, расмий таъқиқлар билан йўқ қилиб бўлмаслигини эндиликда ҳаёт намойиш қилиб турибди. Шахсга сизиниш ва турғунлик йилларида кўплаб буюк сиймоларнинг жабрлангани, ноҳақ қурбон қилингани туфайли қанчадан-қанча тарихий воқеалар, шахсларнинг фаолиятларига нотўғри баҳолар берилгани эндиликда буюк оқлов туфайли баралла айтилмоқда. Бу ғоят қувончли воқеадир. Зотан, М. С. Горбачев айтгандай: «Ҳар бир халқ ўз тилига, ўз тарихига эга. У ўз аждодларини билишни истайди. Бу, наҳотки, социализмга зид бўлса? Йўқ, зид эмас, албатта».

Шахсга сизиниш ва турғунлик йилларида Иттифоқ миқёсида йўл қўйилган хато ва нуқсонлар бизда ҳам бўлди. Адабиёт, тарих ва умуман маданият тарихини бузиб кўрсатиш республикамиз ҳаётида қўпол хатоликларга олиб борди. Жумладан, кўплаб зиёлиларимиз қатори Маҳмудхўжа Беҳбудий номи ё бутунлай тилга олинмас, олинса ҳам фақат қора бўёқ билан аталар эди. Агар адабиётчи Солиҳ Қосимовнинг Ўзбекистон энциклопедиясидаги қисқача ахбороти ҳисобга олинмаса, кейинги эллик йиллар мобайнида Беҳбудий ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса айтолмади. Буни тарих ва аждодларимиз олдидаги

БЕҲБУДИЙ — 1910 йиллардаёқ амирлик истибдодига қарши курашга бел боғлаган жасур, етук, маърифатпарвар бир шахс. Эл-юрт бахти учун, феодал монархиячилик тузуми тартибларига қарши курашда қурбон бўлди. Уйлаб кўрайлик, шахсга сизиниш даврида республикамизда озмунча зиёлиларимиз қурбон бўлди? Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Манжара, Исломов каби революционер, партия ва давлат арбобларимиз, Абдулла Қодирӣ, Чўлпон, Фитрат, Тавалло, Ғози Юнус, Ғулум Зафарӣ, Боту, Усмон Носир, Элбек каби атоқли олим, шоир, эзувчиларимиздан жудо бўлдик. Хўш, шу арбобларнинг қатли билан Беҳбудий қатли ўртасида бирон умумийлик йўқми? Бор. Улар икки хил давр ва икки хил шароитда озодлик, эл-юрт бахти учун, истиқболга комил ишонч билан, мустаҳкам эътиқодга содиқлик билан олиб борган кураш қурбони эдилар. Бу кичик рўйхатда санаб ўтилганларни ҳурматлар эканмиз, Беҳбудийни ҳам эслашимиз лозим. Зотан, Беҳбудий биринчи авлодга мансуб зиёлиларимизнинг кўпларига устозлик қилган, таъсир кўрсатган. Атоқли давлат арбоби — профессионал революционер Файзулла Хўжаев Беҳбудий таланти ва қобилиятига, билим доираси кенглигига тан бериб ёзган эди: «Бухоро ва Туркистон жадид ташкилотлари... бир қанча қулайликларга эришиш учун бутун кучларини сарфладилар. Бу борада Маҳмудхўжа Беҳбудий номини эсламасдан ўтиб бўлмайди. Сиёсий, ижтимо-

ий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан унга тенг кела оладиган кишиси бўлмаसा керак».

Модомики, Бехбудий ҳақида гап очилар экан, уни жадидлар ҳаракатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу вақтгача Туркистон ва Бухоро жадидлари ҳаракати ҳақида гап кетганда фақат уларнинг салбий томонларини санаб ўтиш одат бўлиб келди. Тарихчилар ва адабиётшунослар ўртасида жадидлар ҳаракатини ҳамон мукаммал, илмий-назарий жиҳатдан чуқур ва объектив ёритиб берилмай келинаётгани — жуда ачинарли ҳол. Биз мавжуд, айрим манбаларга суяниб, шунга айта оламизки, Урта Осиёда жадидлар ҳаракати дастлаб 1905 йилги рус революцияси таъсирида пайдо бўлди. Мазкур революция Шарқ мамлакатларида (дастлаб Туркия, Эрон ва ҳоказо) миллий-озодлик ҳаракатларининг хилма-хил шаклларда бошланиб кетишига туртки бўлди. Жадидлар — янгилик тарафдорлари, тараққийпарвар, маърифатпарвар зиёлилардан ташкил топиб, феодал монархия тузумининг ўрта аср қоқоқликлари, саводсизлик, жаҳолатга қарши курашувчилар сифатида майдонга чиқдилар. Дастлаб феодал биқиклигига қарши маҳаллий буржуазиянинг манфаатларини ифодалаган жадидлар янги усул мактаблар очиб, унда аниқ фанларни жорий этиш; ёшларга европача таълим-тарбия бериш, матбуот эркинлиги, сўз эркинлигига эришиш каби прогрессив широкларни ўртага қўйдилар. Бу ғояларни тарғиб қилиш учун журнал, газеталар, янги усул мактаблари ташкил этдилар. Мана шу ҳаракатларнинг ўзи дастлаб хонлик тузumi истибодига нисбатан маълум даражада революцион бир ҳаракат эди. Бу ҳаракат Бухоро ва Хева хонликларини ларзага келтирди. Рухонийлар уларни даҳрий, кофир деб баҳоладилар, кўпгина прогрессив шахслар қатл этилдилар, жазолаңдилар. Кейинроқ бу ҳаракат қатнашчилари орасида табақаланиш — ўнг ва сўл қанотга бўлиниш рўй берди. Октябрь революциясидан кейин жадидларнинг баъзилари революциянинг очик душманига айландилар, чет элларга қочиб кетдилар, сўл қанотдагилар эса оқибат натижада Бухорода — Ёш бухороликлар деб номланганлардан энг прогрессив қисми революция томонга тўла ўтиб, Коммунистик партия сафига қўшилдилар. Мана шу кейинги — энг прогрессив қатлам составида Бехбудий, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний каби буюк маданият арбоблари бор эди.

Хуллас, Бехбудий Туркистонда жадидлар ҳаракатининг етакчи вакилларида бири сифатида саводсизлик, жоҳиллик, қоқоқлик, маданиятсизликка қарши қизгин кураш олиб борди. Мактаб-маориф ишларини ривожлантириш ғоясини тарғиб этиш Бехбудий фаолиятининг туб асосини ташкил қилади. Бехбудий Бухорода амирлик системасига ислоҳ киритиш ва шу билан миллий маданиятни ривожлантиришни кўзда тутди. Бошқа жадидлар қатори у ҳам европача

илм-маърифатни ҳимоя қилади ва империалистик давлатларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашади. Худди шу нуқта Бехбудийда ҳам, бошқа жадидларда ҳам дастлаб муайян даражада миллатпарастлик, миллатчилик кайфияти туғилишига сабаб бўлади. Аммо бу кайфият кейинчалик ўзгаради.

Бехбудий биз юқорида қисман таъкидлаб ўтган ғояларни тарғиб қилиш мақсадида «Хуршид» газетасида кўплаб мақолалар ёзиб турди. Мактаблар очди, «Самарқанд» газетаси, «Ойна» журналларини ташкил этиб, уларда маърифатпарварлик ғояларини кенг кўламда тарғиб қилди. Янги таълим-тарбияга оид бир қатор илмий асарлар, дарслик ва қўланмалар ёзди. Россия, Арабистон, Туркия сингари мамлакатларга саёҳат қилди, турли халқларнинг ҳаёти, маданияти билан танишди. «Болалар учун китоб», «Аҳоли географиясига кириш», «Россиянинг қисқача географияси» каби асарлари Бехбудий илмий доираси нақадар кенг бўлганлигидан далолат беради. 1912 йилда ёзган «Падаркуш» пьесаси Бехбудий дунёқарашидаги маърифатпарварлик ғоясини ўз даврида бадиий ифодалаган муҳим асарлардан бири бўлди. Саводсизлик, тарбиясизлик, маданиятсизлик туфайли жоҳил бола ўз отасини ўлдиришгача бориб етганини кўрсатувчи бу асар кўплаб ёзувчиларга таъсир этди. Ўлкамизнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқ театр труппалари уни саҳналаштирди. Асарнинг асимиз бошларидаги адабий жараёнга кўрсатган таъсирини намойиш қиладиган фактларни кўплаб топса бўлади. Жумладан, Абдулла Қодирий айтган эди: «1913 йилларда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим...» Худди шундан кейин (1915 йилда) яна А. Қодирийнинг «Жувонбоз», Қамзанин «Янги саодат» ҳикоялари босилиб чиқади. Бу асарлар ҳам асосан маърифатпарварлик ғояларини қизгин тарғиб қилади.

Я ҚИНДАГИНА «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Садриддин Айнийнинг «Бехбудий ҳазратлари тўғрисидаги хотиралар»ини ҳаммамиз билан ўқидик.

Кўриниб турибдики, Бехбудий йирик олим, ёзувчи, журналист, маданиятпарвар шахс сифатида дастлаб буржуа демократик принциплар доирасида иш бошлаб, кейин революция томонига ўтган, совет муассасаларида ишлаган, революциядан кейинги дастлабки йиллардаёқ ўз ғоялари амалга ошаётганидан мамнун бўлиб, мактаб-маориф ишларини ривожлантиришга янги гайрат-шижоат билан киришган эди. 1918 йилдаёқ янги мактаблар учун «Янги ҳисоб» дарслигини ёзгани маълум. Бехбудийнинг маърифатпарварлик ғоясига нақадар содиқ бўлиб қолганлиги, ҳатто шу йўлда ҳалок бўлса, уни шарафли ўлим деб аташи буюк идеаллар билан яшайдиган даҳолар қиёфасини эслатади. Бу жиҳатдан

унинг қатл этилиши олдида қолдирган васиятномаси характерлидир. Васиятнома «Инқилоб» журналининг 1922 йил 1-сонида эълон қилинган:

«Ҳожи Мўъин Шукрулло ўғли. 7 январь, 1922 йил. Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратларининг қандай шаҳид бўлганлиги ва анинг томонидан ёзилган васиятнома.

Бехбудий афанди 1919 йил 25 мартда йўлдошлари Мардонқул Шомухаммад ўғли ва Мухаммадқул Уринбой ўғли билан Самарқанддан Бухоро тупроғига ўтган ва шундан қаерга борганлиги билинмай, бу тўғрида турли сўзлар сўйланган. Мухталиф (хилма-хил) гумонлар қилинган эди. Охири халқ орасида шоеъ бўлгон сўзлардан гумон ғолиб ила англашилгон эдиким, Бехбудий афанди мазкур икки йўлдошлари билан зolim амир Олимхоннинг ғаддор беклари қўлида шаҳид бўлгонлар. Мана шул гумон ғолиб ила муҳтарам шаҳидларимизнинг ғойиб бўлгонла-

рига бир йил тўлиши муносабати ила 1920 йил 25 мартда Самарқандда тантанали суратда таъзия маросими ижро этилган эди. Бултур (1921 йил) март ойида Бухоро тупроғидан келган ўртоқ Ҳожимурод Худойберди ўғли Бехбудий ҳазратлари билан йўлдошлари Мухаммадқул ва Мардонқул афандиларнинг Қарши шаҳрида Қаршининг беги Тоғайбек томонидан қандай шаҳид этилганлиги ҳақида дуруст маълумот келтирди. Ўртоқ Ҳожимурод Бухоро инқилоби бошланган кунда Самарқанддан ҳукумат томонидан бир маъмурият ила Шаҳрисабз ва Китоб тарафларига бориб, ондан бир иш ила Қарши шаҳрига ўтган ва ўшал тарафларда 6—7 ой хизмат қилиб юрган. Бу муддатда хила ишлар қилган ва кўб воқеалар кўрган. Ҳожимурод афанди Қарши бегида бир неча вақт маҳрамлик хизматида бўлгон фарғонали 17 яшар Содиқжондан Бехбудий ва унинг йўлдошлари ҳақида кўб маълумот олган. Бехбудий афанди ва йўл-

Х. Содиқов чизган расм



дошлари бошлаб Шахрисабда қўлга тушиб, тахминан 2 ойдан сўнг Қарши шаҳрига юборилиб, онда (зиндонда) бир неча кун ётгондан кейин мазкур Тоғайбек томонидан шаҳид қилинган. Бехбудий афанди ва йўлдошлари Қарши зиндонда ётган вақтларида Қарши бегининг биринчи маҳрами ҳам зиндонбони Аҳмад ила иккинчи маҳрами Содиқжон Бехбудий ўртоқлар ила яширин мусохаба этиб, аларнинг ким эканликларини билганлар ва ҳар вақт аларнинг аҳволидан хабардор бўлиб турганлар. Ниҳоят, Бехбудий афандиларнинг суҳбатлари таъсири билан мазкур икки маҳрам буларга мухлис ва меҳрибон бўлганлар. Ҳатто бир кун мазкур маҳрамларнинг рижо (илтижо) ва хоҳишлари ила бек Бехбудий ва йўлдошларини ўз ҳузурига чақириб: «Сизлар на учун қўлро тушдингиз?» деб сўрогон. Бехбудий афандилар: «Бизлар Байтуллоҳни (Муҳаммад пайғамбарнинг қабри) зиёрат этмоқ учун Самарқанддан чиққан эдик. Йўлда амир маъмурлари: «Сизлар жадид, кофир ва тилчи (жосуе) деб бизни қўлга олдилар. Тафтиш қилинсин. Бизнинг гуноҳсизлигимиз шояд маълум бўлур», деганлар.

Бек: «сизлар жадид ва кофирдирсиз, Бухорога тиг тортқон сизнинг маслакдошингиз эмасларми эди?! Сизларни ўлдирмак керак. Сизлар қутилмоқ учун Байтуллоҳга бормоқни баҳона этиб кўрсатасиз», деган. Бекнинг биринчи маҳрами ва зиндонбони Аҳмад бекнинг бу ҳақсиз сўзларига чидай олмай Бехбудий афандиларни мудофаа учун бека қараб: «Тақсир, аввал буларнинг ишларини ҳақиқатлаб кўринг! Агар гуноҳлари собит бўлса, сўнгра ўлдилинг», деганда, бек аччиғланиб, эмди билдимки, сен ҳам жадид экансан. Чунки жадидларга тарафдорлик қиласан. Ўлдира тургон жадидлар учта эди, энди сан билан 4 та бўлди. Сани ҳам ўлдирмак керак, деб, Аҳмадни таҳдид этган. Аҳмад кўзига ёш келгани ҳолда қўрққанидан индамай тургон. Сўнгра бек Бехбудий афандиларни ҳам мазкур Аҳмадни зиндонга қамарга ва амирдан яқинда келатургон фармойиш ила буларни ўлдиражогини билдиргон. Бехбудий афанди оёққа туриб, жасорат ила тубандаги сўзларни сўзлагандан сўнг, йўлдошлари ила йиғлай-йиғлай зиндон сари боргонлар: «Бизлар ўлимдан кўркмаймиз. Балки ҳақ йўлида ўлмакни ўзимиз учун бир шараф деб биламиз. Мундай йўлда ёлғиз биз ўлмаган. Балки, кўб кишилар тўғрилиқ ва инқилоб йўлида шаҳид бўлганлар».

Бундан бир неча кун ўтгандан сўнг Содиқжон амирдан бека қатл буйруғи келганини Бехбудий афандиларга билдирган. Сўнгра Бехбудий афанди ўзининг қаётидан умидини узиб, тубандаги васиятномини ёзиб, Содиқжонга топширмақ учун Аҳмадга берган ва ҳар қандай йўл ила бўлса-да, шул васиятномини Самарқандга юборишни ўтинган. Васиятномининг остида бошлаб Бехбудий афандининг ўзи, сўнгра Мардонқул ва Муҳаммадқул афандилар қўл қўйгонлар. Васиятнома ушбундир:

«Эй Туркистон маориф ишларида бўлгон ўртоқ ва ўғлонларим! Ман ўзим гарчанд бандий бўлсам-да, сизларни эсимдан чиқармайман ва сизларга бир оз васият қилиб ўтаман:

Мани севар ўртоқларим — маним сўзларимни қулоқларингизга олингизлар! Биз икки ойдан бери Бухоро шаҳрида банди бўлиб юриб, охир 10 кундан бери бу ерда (Қарши шаҳрида) бу зolimларнинг қўлига тушиб, банди бўлдик. Жадид, кофирлик отини кўтардик. Сипоҳлар ичида тилчилик отини кўтардик. Бу ердан қутилмоғимиз гумон бўлди.

Ўртоқларим — Сиддиқий, Айний, Фитрат, Қурби ва Ақобир Маҳдум ва ўғлонларим Вадуд Маҳдум, Абдулқодир Шакурый — сизларга васият қиламан! Маориф йўлида ишлай тургон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмисиз қўймангизлар! Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар! Бухоро тупроғига тезлик ила йўл бошлангизлар. Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Бизнинг қонимизни зolim беклардан талаб қилингизлар! Маорифни Бухоро тупроғида жорий қилингизлар! Бизнинг отимизга мактаблар очингизлар! Бизлар ул чоғда қабримизда тинч ётармиз! Маннинг ўғлонларимизга салом етказингизлар! Бу ҳамроҳларимнинг авлодларидан хабардор бўлингизлар. Ушбу васиятларимни ёзиб Аҳмадга бердим».

Бу васиятномадан 3 кун ўтар ўтмас бек Бехбудий афанди ва йўлдошларини, ҳам Аҳмадни ўлдирурга буюргон ва алар зиндоннинг ёнидаги подшоҳлик бу чорбоғга юборилганлар. Шунда аларнинг қатллари ўзларига билдирилган ва ўзлари учун шу боғда 4 қабр қоздирилгон. Сўнгра Бехбудий афанди ва йўлдошлари таҳорат олиб намоз ўқимоқчи бўлганлар. Лекин шул чоғда раҳмсиз жаллод мавинлари ила етишиб келиб, аларни намоз ўқирга қўймогон, ва энг аввал Бехбудий ҳазратларини жойнамоз устида бошини кескан, бу ҳолни кўриб, Мардонқул, Муҳаммадқул ва Аҳмад афандилар тавҳид ва шаҳодат калималарини ўқиб, ўлимни кутиб тургонлар. Андан кейин жаллод аларни бир-бир бошини кескан. Сўнгра бекнинг хизматкорлари мазкур шаҳидларнинг наштааларини чиқариб, ўзлари қазгон қабрларда кўмганлар ва қабрларини (билимасин деб) ер ила текис этганлар. Бекнинг маҳрами Содиқжон бу воқеани бошидан охиригача кўрган ва билгани учун ҳам Бехбудий афандиларга мухлис бўлгонидан шул воқеани бир дафтарчада айнан ёзиб қўйгон, ва андан ўртоқ Ҳожимурод кўчириб олиб, бу фожияни театр шаклида тартиб этиб, отини «Маориф қурбонлари» қўйгон. 3 пардадан иборат бўлгон мазкур рисолаи биз кўрдик. Рисола керак ибрат ва керак саҳнага қўйиш жиҳатидан хила нуқсонлидир. Агар бу рисола театр олаמידан хабардор бўлгон бирор кишининг қалами ила тузатилса, биринчи



Суратда: Косон район Свердлов номидаги совхоз фермасининг илгор ишчиси Гулбахор Очилова.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ)



театру рисолаи қаторига кириши шубҳасиздир. Ўртоқ Ҳожимуроднинг сўзига кўра, мазкур Содиқжон 1920 йилда 21 декабрда амир томонидан Шахрисабз, Китоб ва Ғузур тарафларида қўзғотилгон аксилҳаракатчилик вақтида исёнчилар томонидан ўлдирилган. Шунинг ила Содиқжон ёзган воқеа ила васиятномининг асил нусхаси-да, ўшал чоғда йўқолиб кетган.

Самарқанд, Ҳожимурод Шукрулло ўгли, 7 январь, 1922 йил.

Мазкур васиятнома Бехбудийнинг маориф, маданият, озодлик йўлида олиб борилган курашларда нақадар жасорат кўрсатгани, ўз мақсади, эътиқодида собит қолгани ҳақида аниқ тасаввур беради. Винобарин, Ўрта Осиёда жадидлар ҳаракати тарихини чуқур ва объектив ёритишга олимларимизни даъват этади.

Аҳмад АЛИЕВ

ТАКДИР

Бу меҳнаткаш аёлнинг таърифини илғари кўп эшитган эдим. «Ҳозгон юлдузи» деб аташарди уни. Муболағадор сўзларга унча ишонгим келмасди. Бари бир илғорлар рўйхатида бу ном тез-тез кўзга ташлана бошлади. Унинг сўнги меҳнат зафарларини дафтарчамга бир-бир қайд қилиб борардим. Эсимда, ўн йиллар муқаддам беҳисоб рақамлар ёрдамида мадҳиялар битилди, сохта «қахрамон» портретлари яратилди. Мен бухгалтерия ҳисоби орқали сўз юритиш фикридан йироқман. Ҳеч қачон рақамлар одамнинг ички синоатини, дарду алам, қувонч ва ташвишларини ошкор этишга қодир эмас!

Энг муҳими, Шабон опа билан учрашув менда илиқ таассурот қолдирди. Кичик жуссали, қатъиятли, бардошли бу аёлнинг муваффақиятлари замирида ҳақиқатан ҳам оғир захмат ётганини ҳис қилдим.

Қумчақудуқ Ҳозгон посёлкасида қарийб йигирма чақирим келади. Узоқдан машинани кўргани ҳамон болалар қийқирганча пешвоз югуриб чиқишди. Дарҳақиқат, Чингиз Айтматов чўл ва дашт қиссаларида тасвирланганидек, бундай овлоқ, чекка гўшаларга транспортда онда-сонда кўниб ўтадилар. Чит кўйлак кийган қиз-жувонлар, ялангоёқ болакайлар совхоз раҳбарлари келмаганини кўргач, дарҳол ўзларини панага олишди. Ушанда савол-жавоб бўлиши мумкин эди-да. Ёлғиз эркак — Шабон опанинг куёви бизни қаршилаб, ичкарига, саранжом-сарийшта хонага бошлади:

— Марҳамат, ҳозир келиб қолишади.

Юзи офтобдан қорайган, иссиқ бўлса-да, телпак кийган, ўрта яшар бу вазмин киши бошқа сўз қотмади. Чўпонлар чўл кенгликларидега танҳо кезиб ўргангани учунми, негадир жуда камгап бўлишади.

Орадан сал фурсат ўтгач, эшикдан эллик беш ёшлардаги аёл ийманиб кирди. У дастлаб кўрганими — деворда осиглик турган суратдан бирмунча фарқ қиларди — кулгичлари йўқолиб, пешонасини ажин қоплаган, кўзлари сергак, мулоҳазакор боқади.

Сухбатимиз асосан чўпон қисмати ҳақида борди. Хўш, тасаввуримиздаги ҳаётга мос тушадими ёки... Мен, одатим бўйича, қулоқ солиб турдим, Шабон опа ўз «қисмати»дан сўзлай кетди.

— 1972 йилнинг киши ҳеч ёдимдан чиқмайди, — деди чўпон. — Эсласам, аъзойи баданимга титроқ кирази. Ушанда бутун оиламиз Наврўзқўрада эдик. Зимистон забтига олган: гирдатроф опоқ қор. Кутилмаганда, бир куни қоқ ярим тунда сел босиб келса бўладими! Оҳ-оҳ, гирдоб бағрига тортган бегуноҳ жониворларнинг узоқ маърагани,

оҳу ноласи ҳали-ҳануз қулоғим остидан кетмайди.

Ушанда табиий офат (кейинроқ ҳам) Ҳозгонлик чорвадорлар бошига оғир кулфатларни солди. Кўч-кўронни, чақалоқ бешикларини, чўпон уйларини сел оқизиб кетди. Хайрият, атрофи харсанглардан қурилган қўтон бор экан. Шабон опа ва яна йигирма икки киши ана шунда жон сақлашди.

— Узимиз-ку, майли, давлат мулки — қўй-қўзиларни беталафот етказиш биринчи галдаги бурчимиз эди, — деб ҳикоясини давом эттирди опа. — Бу уруш суронларига ўхшаш ростакам ҳаёт-мамот жанги эди. Қаранг, ука, 17 кун бўшлиқда нажотсиз қолиб кетавердик. Охири, раҳматли директорини Қурдош ака Жонузоқов — барака топсин, ажойиб раҳбар эди — вертолёт чақирдию хавф-хатардан қутулдик.

Ҳа, опа анча-мунча қийинчиликларни бошидан кечирган экан. У 1955—1960 йилларда — ҳали келинчак пайти — Қизилқум чўлида чорва боқди. Шароит оғир, чўпон-чўлиқлар қудуқлардан фақат туя ёрдамида мешда сув тортисарди. Узингиз ўйланг: юзлаб жониворларни тўйдиришга қанча сув керак бўлади?! Чўпон оиласи қаҳратон қишу жазирама ёзда ертўлада яшар, электр ҳақида гап ҳам йўқ эди...

50-йиллар охирида «Ҳозгон» қоракўлчилик совхозини ташкил топгач, Очилловлар хонадонини она юртига қайтишди. Меҳнат календари тўхтамади — янги хўжаликнинг доврuginи ёйиш учун кураш бошланди. Ҳозгон доврuginи республикага танитган икки манбани биламан: бири сангтарош усталари бўлса, бири ҳалол, мард чорвадорлардир. Узоқ тарихга эга сангтарошлар авлоди (Ғафур Ғулом сатрларини эсланг!) тўғрисида пайти келиб тўхталармиз. Лекин чорва ҳақида гап кетадиган бўлса, хўжаликнинг раҳбари, етук мутахассис, марҳум Қурдош Жонузоқов номини албатта фахр-ифтихор билан тилга олишимиз керак. Бу олижаноб инсонни минглаб чорвадорлар ҳамон миннатдорлик билан — доно маслаҳатларини эсга оладилар...

Ҳозгонга қайтгач, тажриба орттирган чўпон сифатида Шабон Очилловани ўтарга бирктиб қўйишади. Бу дастлабки ишонч эди. Бироқ 1972 йил қиш воқеаси унга катта зарба бўлиб тушди. Афсуски, ўша табиий офатдан сўнг баъзи чорвадорлар аввалги мавқеини ўнглаб олишолмади. Шабон опа эса... чўчимай турмуш ўртоғи Ҳусен акадан ўтарни қабул қилди. Совхоз раҳбарлари аёлнинг қалб

жасоратидан бошлари осмонга етиб, розилик беришди. Шу-шу Ҳусен ака фақат ўстиришга қолдирилган қўзиларни боқадиган бўлди.

Ҳусен ака эпчил, ҳазилкаш, тиниб-тинчимайди. Ҳали озуқа ташвиши билан, ҳали пунктдан қайтарилган қоракўл териларнинг ташвиши билан юрган бўлади.

Шабон опа оиласи Қумчақудуққа кўчгач, ниҳоят, мана шу гўшада эзгу нияти — чўпонлик номига мос яшашни кўнглига туғиб қўйди. Олдинги кўчишларнинг асорати ёдида сақланган эди.

Демак, мустаҳкам манзилгоҳ керак! Дастлабки иш — замонавий талаб асосида қўра, қўтон, уйлар қурилди. Артезиан қудуқлари ишга тушди. Қиш совуғида молларни қўтонда ҳам боқишга тўғри келишини ҳисобга олиб, 18 гектар майдонга беда экилди. Қумчақудуқда янги хўжалик бунёдга келди. Меҳнат ҳам шунга яраша бўлди — кечаю кундуз тиним билишмади... Ҳозир бутун оила аъзолари — етти фарзанди, келини, куёви Қумчақудуқда яшашади. Қарийб ўн йилдирки, гўшт, қоракўл тери топшириш, қўзи олиш бўйича давлат планини бажариб келишмоқда. Яқинда биринчилар қаторида оилавий пудратга ўтишди. Хуллас, чорвадор Очилловлар хонадонининг хизмати барчага маълум. Уларнинг иш стажини юз йилдан ҳам ошиб кетди!..

Шабон опа муаммолар ҳақида айрим шахсий мулоҳазаларини ўртага ташлади... Мана, улардан муҳими — яйлов муаммоси. Чорвадорлар диёри — Нуротада табиий яйловлар торайиб қолганини эътироф этиш керак (мавжудларини ҳам машина эзиб ташлаган). Масалан, «Ҳозгон» совхозининг «Социализм» ва «Коммунизм» бўлимларида чўпонлар бир парча адирда қўй-қўзи боқишга мажбур. Афсуски, меҳнат ҳақи ҳамма жойда бир хил тўланаваради.

— Чўпонлик касбининг машаққатлари сероб, — дейди Шабон опа сухбатда. — Дейлик, баҳор ёки куз ойлари қуруқ келди-ми, қўй-қўзиларни олис манзилларга ҳайдаймиз.

Дарвоқе, 1986 йил ана шундай қуруқчил келди. Офтоб қизитиб, ниш урган майсалар сўлаёзди. Ҳафталаб, ҳатто оилаб ёмғир ёрмади. Нима қилиш керак? Шабон опа оиласи саккиз юз бош қўй-қўзи билан Қизилқумга — Ҳайдарқўл бўйига равона бўлишди. Шу тарққа, сентябрдан март ойигача Ҳайдарқўл атрофида қолиб кетишди. Бироқ қўзилатиш

мавсуми бошлангач, яна қадрдон гўшаларига қайтишди. Йўқ, меҳнатлари беҳуда кетмади: 801 бош қўзнинг ҳар юз бошидан 95 тадан қўзи олинди, давлатга қоракўл тери, жун топшириш планлари ортиғи билан уддаланди!

Шабон опа ҳамма вақт ваъдасининг устидан чиқади, юзи шувит бўлишини хоҳламайди. Шундай экан, мажлисларда кўпинча унга сўз беришади. Шунда у: «Э, нима дейман. Давлат ишончини оқлаб юрибмиз-да», деб қўя қолади.

— Худога шукр, ишимдан қоникиб, мукофотлаб туришибди, — деди ниҳоят ийманиб у.

Сухбатдошим — қадрдон ҳовлисидан воз кечиб, чўлнинг иссиқ-совуғига бардош бериб келаётган бу чўпон аёлга ҳар қандай мукофот берсанг ҳам озлик қилади. Негаки, у кўпчилик қатори бола тарбияси билан машғул бўлиб, уйда ўтириши мумкин эди. Икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени соҳиби Ш. Очилова область Совети депутати ҳам экан. Жаҳонга машҳур мраммар қазиб чиқарувчилар яшайдиган Ҳозгон посёлкаси аҳли депутатга 6-ўрта мактаб учун қўшимча бино қурилишида ёрдам беришни сўрашибди. Ҳозир эски мактаб биносида 1000 дан ошиқ ўқувчи норчиликдан тор синфларда сиқилиб ўқишаркан. «Район ижроия комитетига кўп мартаба мурожат этиб, аянчли аҳволни тушунирдим, ҳеч бўлмаса ўртага тасодифан суқилган кушхонани кўчириб, ўрнига мактаб қуришни таклиф қилдим. Аммо натижа бўлмади. Қайта-қайта районга қатнашга эса вақтим йўқ», деб куйинди Шабон опа. На чора, биз кўплашиб: «Еш авлоднинг таълим-тарбия олиши учун имкон қадар етарли шароит яратиб берилишини истардик», деб баралла айтгимиз келади. «Ҳадемай, пенсияга чиқаман, ўғлим Амридин ўринбосар», деди у. Бу вазмин аёл умри — болалигидан ҳозирга қадар дашту далалар бағрида, қўй-қўзичоқлар орасида ўтганини англадим! Кулча юзидаги ажинлари, қадоқ қўллари олис, машаққатли кунлардан эртақ сўйлаётгандек. Эҳ-ҳе, у қанчадан-қанча дала-қирларни пойи-пиёда босиб ўтмаган, дейсиз! Шунда бир манзара хаёлимдан ўтади: шаҳар кўчаларидан бирида унга дабдурустан дуч келган чиройли, нозик қиз-жувонлар бу кичик жуссали аёлнинг неларга қодирлигини кўз ўнгига келтирармикан?! Билмадим.

Бахтиёр ОМОНОВ

Нурота

САМАНТА

Саманта. Унинг таниши, қувноқ, беғидир чеҳрасига қараб турсангиз, бир вақтнинг ўзида дилингизда ҳам дард чўқади, ҳам чеҳрангизда хушнудлик пайдо бўлади. Дард дейишимизга сабаб, бундан уч йил муқаддам Саманта отаси билан бирга авиация ҳалокати пайтида ҳаётдан кўз юмди. Бу воқеадан бир неча йил олдин америкалик бу мактаб ўқувчиси Американинг Мэн штатидан бизнинг юртимизга ташриф буюрар экан, унинг очиққўнғиллиги, совет кишилари билан сидқидилдан қилган самимий муомалалари ҳаммага кўпдан-кўп шодлик бахш этгани учун уни эслаб, лабимизга табассум қўнади.

Саманта Смит Америка Қўшма Штатлари билан бўлган муносабатларимизга кичкина бўлса-да, аммо салмоқлигига уллуш қўшди. Совет раҳбарининг таклифига кўра, бу қизнинг мамлакатимизга келиши ҳақиқий халқ дипломатиясига ибрат бўладиган мисоллардан биридир.

Мамлакатимизда совет ва америка болалари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган «Саманта» ҳаракати бошланган. Унинг номи билан боғлиқ бошқа ижтимоий ташаббуслар ҳам авж олиб бормоқда. Американинг норасида, беғубор қизи ҳақидаги хотира қалбларда ўчмас иш қолдирган.

Урушсиз ва ядро қурулларисиз дунё ва ҳаёт ҳақидаги Самантанинг орзуси уч йил мобайнида ҳақиқатга яқинлашиб қолди. Совет кишилари ҳамда америкаликлар ўртасидаги ижтимоий алоқалар эса ҳеч қачон ҳозиргидек кўпқиррали ва фаол тус олмаган эди.

«ПРАВДА» газетаси,
1988 йил, 25 август

ДОСТОН

Миннесотада у туғилиб ўсган
Тахтадан қилинган мўъжазгина уй.
Чор атрофин оппоқ тераклар тўсган,
Россиядагидай кўкка чўзган бўй.

Қалин баргли ўрмон, ўтлоқлар бўйлаб
Капалаклар қувиб кунни қилган кеч.
Эрта ким бўлишин кўрмаган ўйлаб,
Ташвиш нималигин билмас эди ҳеч.

Еши етиб бунда бир тўп тенгу тўш,
Чоққина мактабга юрдилар қатнаб.
Синфда ўтарди кўп вақтлари бўш,
Орзиқтирмас эди келажак, мақсад.

Саманта бу бўғиқ муҳитдан безди,
Ирқчилар, бойлардан юрарди қочиб.
Нималардир сохта, ёлғондир, сезди,
Жиноятга кенг йўл қўйилмиш очиб.

Телевизорни кўриб босади дахшат,
Чўчийди радиони тинглашдан ҳам гоҳ.
Штатда одамлар қўрқувда яшар,
«Қизиллар иши»дан бўларкан огоҳ.

* * *

Яна пайдо бўлди экранда бомба,
Қирувчи ракета учиб ўтди тез.
Фарёду нолалар ҳамма томонда
Кичкина тугмача босилгани кез.

Сўнг одатдагидай уч-тўртта олим
Атом урушига тўхталиб бот-бот,
Дедиларки: бўлар қиёмат-қойим,
Заминда мангуга тугайди ҳаёт.

Суҳбат хаёлларга толдирди уни,
Субҳидам уйғониб ўйлаб қолди жим:
«Наҳот ҳаёт тугар, бу охир куни?!»

Ўз фикрдан чўчиб турди-ю сакраб,
Қушчадай питирлаб увоққина жон,
Қолмоқ бўлиб ерда тинчликни сақлаб:
«Урушни ким бошлар ўзи, онажон?
Ва уруш қилмоқчи биз билан нега?»

Волидаси журнал титиб шу замон
Витта мақолани кўрсатди унга.

Дунё эртасидан олиб хавотир,
Харитага чизиб қалбни ол рангда,
Сўнг сўради:

— Она, қалб нега олдир?
Унга бешта қитъа сизмоқда, қара.
Ҳатто СССРдай улкан мамлакат.

Қисқартириб берилди.

Она, биз тинчликни қилсак-чи, талаб,
Она, СССРга йўлласак-чи хат.
Езиб кўрсак-чи-а деб мана бундай:
«Наҳот, болаларга урушдир раво?
Бизга дарс ўқишар ҳар куни шундай:
«СССР ҳокимлик қилмоқда даъво».

Ва чиройли қилиб ёза кетди хат,
Совет давлатига, Москва номига.
Адресни онаси езиб этди тахт.
Келдилар Совет элчихонасининг ёнига.

* * *

Самантани чулғар қувонч, ҳаяжон,
Шўх қийқириб уйга келмоқда учиб.
«Москвадан хат келди, дада, онажон»,
Иккисин ўпади дамба-дам қучиб.

Қалби ҳаприқади ота-онанинг,
Конвертга қарашар ишонмай бир оз.
Ўртоқ Андропов ёзмиш номани,
Саманта ўқийди чиқариб овоз.

Қиз хавотирланиб ёзган у мактуб
Ҳаммага баробар этибди таъсир.
СССРга уни этмишлар таклиф,
Отастада ҳазил гапмас бу, ахир!

— Дада, Москвага борсакмикан-а?
Дада, Москвани келмоқда кўргим.
Совет халқи урушни хоҳламайди, ҳа,
Биз чалғитилганмиз, сезмоқда кўнглим.
Дада, бор экан-ку шундай мамлакат
Сен, мен яшаётган Ернинг юзида.
Ҳатто ёш болага йўллар жавоб хат,
Қулоқ солар ҳатто гўдак сўзига.

Отажон, не билсанг улар ҳақда, айт,
Жуда ҳам эшитгим келади менинг.
— Қизгинам, тилга сўз келарми шу пайт,
У мамлакат Инқилобнинг ватани...

* * *

Ердан кўтарилар баҳайбат қушдай,
Самолёт боради булутни ёриб.
Самантага булар туюлар тушдай,
Кетмасайдим дейди бирдан уйғониб.

Москва. Кремль, сўнг Ленинград,
Тенгдошлари билан қизгин учрашув.
У бегоналигин сезмайди сира,
Болаларга у ҳам кетар ўхшашиб.

* * *

Самантани кутиб олади «Артек»
Тантанали, қирмиз гуллари билан.

Миллионлаб болалар билмай ҳеч ҳадик
Дўстлашар эдилар диллари билан.

Қувнар, кулар улар билан барабар,
Қизгин кечаларга гоҳо бўлар бош.
Атрофга мулойим қўшиқ таралар:
«Ҳар доим бўлсин Қуёш...»
Ҳар доим бўлсин Дўстлик,
Ҳар доим бўлсин Тинчлик,
Дўстлик-ла бўлиб кучли,
Зулматни қувай мен» —

Саманта тугатар русча қўшиқни,
Қўнғироқ овози барчага ёқар.
Куйлайдилар бирга-бирга қўшилиб,
Кимдир кўкрагига галстук тақар.

Спортчилар келиб олишар ўраб,
Рақсга чорлайди ўзбек қизлари.
Чопиш масофасин чамалаб кўрар:
«Оёқларим узун, биласизларми,
Хафа бўлмайсизлар, чиқсам мен голиб,
Чунки мен ўзганман ҳар гал, ҳар дафъа.
Қадамларим катта, қолмайман толиб».
Атрофда янграйди қувноқ қаҳ-қаҳа.

* * *

Ой нури остида қизийди суҳбат,
Танишиб олмаққа шошилар ҳамма.
Тақдим қилишади эсдалик сурат,
Бир-бирларин ўрганишар мукамал.

— Айтинг-чи, Саманта, ким бўлмоқчисиз?
Қай касб сиз учун сеvimли, олий?
Болаларча кулиб жавоб берар қиз:
— Бўлмоқчиман, дўстлар, доктор Айболит.

* * *

Оқ кофта, кўк юбка ҳаддан ярашиб,
Пионер қизчага айланиб буткул,
Дўстлик, бирдамликка замин яратиб,
Тинчлик рамзи бўлиб борарди бу гул.
Ўз мактабин эсга олганда лекин
Кўзларига чўка бошлар оғир ўй.
Улар булар каби эмаслар эркин,
Ўқитувчилари ўта художўй.

Митти юрагини босади қўрқув
Уларнинг юзларин эслаган замон.
Унинг ҳақида ҳам ёлғонни тўқиб,
Қайтиб борганида қўймаслар омон.

Мамлакатдан қувғин қилсинлар, майли,
Кўрганларин ёзар у ҳам қасдма-қасд.
Ҳақиқатни билди шулар туфайли,
СССР ҳақида ёлғон сўз айтмас.

Буларнинг қўлидан келмас ёмонлик,
Булар бизга уруш очмайдилар, йўқ.
Тилайдилар тирик жонга омонлик,
Бу борада энди унинг кўнгли тўқ.

Хўш, унда урушни ким бошлар, ахир,
Ким бўлмоқчи ялпи дунёга эга?
Бўғилар нимадир ичгандай тахир:
Америка, Америка, эй, Аме-ри-ка!

* * *

«Артек» да дўстлари қилишди совға
Қўлбола ясашган айиқ полвонни.
Саманта кулади уни кучоқлаб,
Тақар дўстлар тутган ўнлаб нишонни.

Эҳ-ҳе, эсдаликлар кўп бўлди гоёт,
Катта чамадонга қолдилар сизга.
Хайрлашар дам ҳам келди, ниҳоят,
Ажралгиси келмай олади йиғлаб.

Қучар Валентина Терешковани,
«Артек» альбомини қўлга олар-да:
«Биз ҳам сизлар каби бўлосак қани,
Совет кишилари — бахтли одамлар.

Тинчликни жуда ҳам қадрлар улар,
Ғамхўрликларига йўқ ниҳоя, чек.
Болалар болалик гаштини сурар,
Мен яна келаман, жонажон «Артек!»

* * *

Ҳа, Саманта қайтган эди ўзгариб,
Ўзгармаган эди лек Америка.
Кўплар хонасидан чиқиб кўзлари,
Тикилиб бағрига санчарлар тикан.

«Кизил» деб юзини ўгирса бири,
Бошқаси олқишлар дўстона кулиб.
Дастхат тўплар бу қиз Штатда юриб,
Совет Иттифоқи ҳақда гапириб.

«Мистер президент! Биз минессоталик мактаб ўқувчилари урушни хоҳламаймиз. Бунга билишгиниз керак. Биз қуrolланишга бундан буён ҳам пул сарфлайверсак, тез орада мактабларга ажратиш учун ҳеч вақо қолмайди.»

Имзо: бир миллион мактаб ўқувчилари.»

* * *

Кўрганлари ҳақда ёзаркан китоб,
Душмани кун сайин борар кўпайиб.
Ҳаддингдан ошма, деб қилишар хитоб,
Уринишар жисмонан қилмоққа майиб.

Улардан чўчимас аммо Саманта,
Бутун дунё таниб, севиб қолган қиз.
Дастхат уюштирар елиб шамолдай,
Сўзлашар миллионлар билан юзма-юз.

Бунда миллион-миллион ишсизлар яшар,
Кўчаларда тентиб ўтказар кунни,
Уларнинг деярли ҳаммаси ёшлар,
Билишмас бу ҳолнинг айбодори кимдир!

Гиёҳвандлик қилар, ўлдирар ўзин,
Дуч келгани куппа-кундузи тўнар.
Шармандали бўлиб борар бу тузум,
Чиқариб келади ҳар кун бир ҳунар.

* * *

Дунёни неча бор айланмади у,
Не-не шаҳарларни кўрмади бориб.
Аммо Англия туюлар оғу,
Самолёт бораркан булутни ёриб.

Аэропорт. Одамлар саросимада,
Юзлари бужмайган, қараши совуқ.
Саволлар беришар ҳар хил темада,
Сўрашар қай йўл-ла қозонди доврўқ.

СССРдан борган делегация
Бизнесмен клубига келаркан кириб,
Оғасин кўргандай зўр меҳр туя,
Таъзим қилар улар олдига келиб.

Кечада унга ҳам берилганда сўз,
Қуrolсизланишга қилди-да даъват,
Бизнесменлардан узмай деди кўз:
«СССРда йўқдир бизга адоват.
Жигига тегаверсак агар уларнинг,
Қуrolланаверса иккала тараф,
Табиат ўзи йўқ қилар бизларни,
Табиат бу ҳолга турмас тинч қараб».

Сўнгра СССРда бўлган кунларин,
Эслаб илк китобин қилар-да совға,
Уйига таклиф этар бу элчиларни,
Гўдакона ўпиб бир-бир кучоқлаб.

Беғубор гўдакни қилиб ҳақорат,
Миллионерлар кетар ўрнидан туриб.
«Бу ишинг-чун қанча беришди пора?»
Ташланмоқ бўлишар қизга қутуриб.

* * *

Учрашувлар авжга мингани сайин,
Оқ уй разилона этарди таъқиб.
Шундай учрашувдан кейин атайин,
Фильмга тушишга этдилар таклиф.

Янги авантюра эди бу аммо,
Қопқонга туширмоқ ота-болани.
Улар алданишиб шу зайл тамом,
Кино фирмасига қолди боғланиб.

Кўришмас, атрофда кезар ёвуз рух,
Сезишмас, бирлашар даҳшатли кучлар.
Қулай пайт келишин пойлар бу гуруҳ,
Пойлар Оғастага у қачон учар?

Қарсак-ла олқишлар «кино юлдузи» н,
Гўё берган бўлар бу қизчага тан.
Самолёт ердан узилгани зум,
Портлар, шафақ бўлиб ёнар дафъатан!

Эртаси кун эса шарҳлашди шундай:
Лондондан, қандайдир сабабга кўра,
Учаётиб бошқа шаҳарга тунда
Тасодифан ёниб кетди у кўкда...

* * *

Бу сохта гап танинг қилади оташ,
Жигарингга чўғни босгани-босган.
Халқларнинг юраги бўлиб борар гаш,
У гўзал қиз руҳи чорлар қасосга.

* * *

Мана шундай эди қувноқ Саманта,
Шундай ишлаганди у кичик элчи.
Совуқ қийқиришар зулмат томондан:
«Ўша сотқин қизча, мана, йўқ энди!»

У йўқ, аммо яшар қизнинг қотили,
Елғонлар тўқийди йириқдан-йирик.
Озод халқлар мудом эслар отини,
Нурли қиз — Саманта абадий тирик.

Нотинч дунёнинг бу безовта қизи,
Ёмғирдай мусаффо, чечакдай нафис,
Чиройли, келишган, нилуфар юзли,
Дунёни кўксида қилган эди ҳис.

Қора шол ўраган шамоллар билан,
Океан ортидан келди бир садо.
Еру кўк эшитиб тош қотди бирдан,
Ҳалок бўлди Тинчлик қизи — САМАНТА!

Самоларда учиб юрган шу сиймо,
Оташга айланган мурғаккина жон,
Руҳи азоб берар, бағрингни тирнар,
Болаларни асранг дея ҳар қачон!

1986—88 йил.



МУҲАРРИР МИНБАРИ

*Қадрли муштарийлар!
Обуна мавсуми тугади. Бироқ
эзуликнинг кечи йўқ. Айрим ке-
чиккан ўртоқлар ҳали ҳам севи-
ли журналларини ўқиб бориш
имкониятига эришишлари мум-
кин. Биз аллаҳачоқ обуна бўлиб,
келгуси йил сонларини сабрсиз-
лик билан кутаётган муштарий-
ларимизга ҳам, баъзи сабабларга
кўра кечиккан ўртоқларга ҳам
қувончли бир хабарни етказиш-
ни, журналимизда рўй берадиган
ангиликлардан воқиф этишни ло-
зим топдик.*

*Журналимизда келгуси — 1989
йил биринчи сонидан бошлаб ҳам
мазмунан, ҳам сифат жиҳатидан
катта ўзгариш кутилаётир.
Айниқса, саҳифаларда жойлаш-
тирилган рангли суратлар ва ба-
дий безаклар кенг журналхон-
ларимиз эътиборини тортиши та-
бий. Негаки, ҳозирга қадар жур-
налимиз қогози талабга жавоб
беролмас эди. Энди янги йилдан
журналимиз меловой — оппоқ
силлиқ қогозга ўтади. Шунинг-
дек, босмаҳонада шу пайтгача
қўлланиб келинаётган журнал-
нинг юқори босма усулида боси-
лишига тўла барҳам берилади,
теран босма усул эса кескин ка-
майтирилади, яъни офсет жара-
ёнига кўчирилади. Босмаҳона-
нинг янги техника билан қу-
ролланиши ва янгича чоп этиш
жараёнига кўчиши ҳам журнал
сифатини оширишга хизмат қи-
лади.*

*Албатта, журнал асосини маз-
мун белгилайди. Шу сабабли
муштарийларимиз талабини қон-
дирадиган даражада бадий нух-
та, қизиқарли ёзилган, халқимиз-
ни ташвишга солаётган, даври-
мизнинг энг муҳим муаммолари
кўтарилган, ҳаётини масалалар
ўртага ташланган материаллар
бериб бориш ниятидамиз. Бунинг
учун сиз, журналхонларнинг ҳам
кўмагиниз керак. Қайси мавзу-
лар четда қолаётганлиги, сиз-
ларни нималар қизиқтириши,
ўзларингиз илганган ютуқ ва кам-
чиликларимиз тўғрисида истақ
ҳамда мулоҳазаларингизни бил-
дирсаларингиз.*

*Яна бир гап. Утган йили айрим
колхоз ва совхозларда, муассаса
ва корхоналарда обуна пайти
муштарийлар истагига қаралма-
ган. Баъзи газета-журналларга
мажбурий обуна қилдириб, биз-
нинг журналга обуна бўлолмай
қолган муштарийлардан хатлар
олган эдик. Агар бу йил ҳам шун-
дай ҳодисалар такрорланган, обу-
на чоғи қийинчиликлар туғилган,
журналимизга ёзилмай қолган-
лар бўлса, марҳамат, бизга маъ-
лум қилинглр. Биз ёрдамга
тайёрмиз.*

*Обуна бўлишдан кечиккан
муштарийлар! Оппоқ, силлиқ
қогозда чиқадиган севишли жур-
налингиз билан учрашишга шо-
шилинг!*

ЗАМОН ВА ТАРИХ ДОЛҒАЛАРИ

Халқимизда неча асрли тарихни билсанг, шунча узоқ умр кечирасан, деган нақл бор. Севимли адибимиз Пиримқул Қодиров замонамизнинг долзарб муаммоларини ҳам, кўхна тарихнинг шиддатли бўронларини ҳам теран ҳис этувчи санъаткордир.

Пиримқул Қодировнинг қиссаларини ўқир эканмиз, ҳаётнинг турфа манзаралари тасвирига дуч келамиз. Бир манзара иккинчи бир манзара билан қўшилиб, бирикиб, ҳаётнинг бир қарашда кўзга чалинмайдиган «ички» қатламларини акс эттиради. Ёзувчи шохмайди, тасвирида ўйчанлик, вазминлик ҳукмрон. Ана шу вазмин тасвирлар замирида турли хил тақдир эгаси бўлган қаҳрамонлар руҳий олами ўз аксини топади. Маълумки, муҳим ахлоқий-маънавий проблемалар ва бинобарин даврнинг руҳи қаҳрамонлар тақдирида ўз ифодасини топади.

Бир зумгина «Қадрим»даги Искандар билан Зулайҳони, «Мерос»даги Ёлқин Отажоновни, «Эрк»даги Саттор билан Розия образларини кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Улар турли хил тақдир эгаларидир. Лекин уларни битта умумий хусусият бирлаштириб туради. Улар ҳаммаша яхшилик учун, эзгуликни қарор топтириш учун ҳаракат қиладилар. Танқидчи И. Рафуров айтганидек, Искандар ҳам, Зулайҳо ҳам, Ёлқин Отажонов ҳам, Саттор ҳам, Розия ҳам «яхшиликларни яхшилик орқали кўпайтириш ва тасдиқлаш йўлида» кураш олиб борадилар.

Севги, бурч, одамийлик — адабиётнинг абадий мавзулари. Лекин, бу мавзуларни ҳар бир халқ, ҳар бир даврда яшаган авлод ва ҳар бир ёзувчи ўзича талқин қилади. Пиримқул Қодиров ҳам ўзининг юқоридаги қиссаларида бу мавзуларни ҳозирги замон ҳаётидан келиб чиқиб, ўзича талқин этган. Бу қиссаларнинг қаҳрамонлари турли касбдаги ва турлича тақдирли кишилар бўлса ҳам уларни умумий бир мақсад — замонга ва халққа хизмат қилиш мақсади бирлаштириб туради. «Қадрим»даги Искандар ва Зулайҳо Қизилқум чўлларида «зангори олов» қидирадилар. «Мерос»даги ака-ука Отажоновлар ота-боболаридан қолган моддий ва маънавий меросни янги авлодларга етказиш учун тиним билмай, ўзларини аямай ишлайдилар. «Эрк»даги Саттор билан Розия ер ости станцияларининг лойиҳаларини бунёд этадилар.

Ҳаёт бор жойда ўлим бор, қувонч бор жойда қайғу бор, дегандай бу қиссаларнинг баъзи қаҳрамонлари табиат офатлари билан олишувда ўлиб кетса, баъзилари голиб чиқади. Хуллас, ёзувчи ҳаёт драматизмининг бўямай кўрсатади.

Ўзининг кўпгина романларида ҳаётни эпик тарзда — кенг кўламда тасвирлаш борасида анча тажриба орттирган адиб, қиссаларида ҳам ҳаётнинг кенг қатламларини қамраб олишга интилади. У жуда катта ижтимоий ҳодисаларни айрим кишиларнинг ёрқин образлари орқали гавдалантиради. Унинг асарларида ўзбек халқи, ўзбек миллати вакиллари умумиттифоқ ва умумжаҳон миқёсида фикрлайди.

Худди мана шу сабабли П. Қодиров китоблари фақат Ўзбекистондагина эмас, балки, ундан ташқариларда ҳам севиб ўқилади. Рус тилига таржима қилиниб, «Дружба народов» журналида босилган «Эрк» қиссаси жуда кўп ўлкаларнинг ўқувчиларига манзур бўлди. Қисса авторига Кавказ, Волтиқбўйи, Украина, Сибирь ва бошқа узоқ жойлардан келиб турган миннатдорлик мактублари асар қаҳрамонларининг бошқа миллатларнинг вакиллари қалбига ҳам яқинлигини далолат беради. Кавказнинг Кабарда — Болқор деган жойидан келган мактуб эгаси: «Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» қиссасини ўқиб, ўзим учун янги оламни — ўзбек халқининг алоҳида бир оламни кашф этдим», деб ёзади. Уфалик талаба қиз ўз мактубида «Мерос» қиссасини ўқиб, бундай қаҳрамонлардан ҳайратланганини билдиради.

Пиримқул Қодиров қиссалари фабуласининг қизиқарлилиги, қаҳрамонлари характерининг ёрқинлиги туфайли бу асарлар босилиб чиққанидан кейин кўп ўтмай, кино ва телевидение экранларида ҳам иккинчи ҳаётини топди. «Ўзбекфильм» киностудияси адибнинг «Қадрим» қиссаси бўйича қизиқарли фильм яратди. «Эрк» қиссаси асосида икки серияли телетеатр саҳналаштирилди, кейинроқ эса, минг-минглаб томошабинларнинг илтимоси билан шу асар асосида икки серияли телефильм бунёдга келди. Бутуниттифоқ телевидениесининг буюртмаси билан яқинда «Мерос» қиссаси ҳам экранлаштирилди. Бу қисса асосида суратга олинган икки серияли телефильм Москва телевидениеси орқали кўрсатилди.

Ҳар уччала қисса ҳам юксак маънавий изланишлар руҳи билан суғорилган. Бу асарларнинг

қаҳрамонлари ўзларининг ҳаёт-севарлиги, муҳаббатга садоқати, одамийлиги билан жуда кўп ўқувчиларнинг қалбида ҳурмат-эҳтиром уйғотади.

М. В. Ломоносов Петр I ҳайкали шаънига қуйидаги ёзувларни битган: «Бу ҳайкал доно қаҳрамон образи, фуқаро тинчини деб, ўзи тинчиманган, ўз қонунларини ўзи ибрат кўрсатиб тасдиқлаган, шоҳлик асоси бўлса ҳам, қўли меҳнатдан бўшамаган, шоҳлик қудратини пеш қилмай, илм-фанга йўл очган, шаҳарлар қуришда ва урушда жонбозлик кўрсатган, рассомларни тўплаган, солдатларни ўргатган, ички ва ташқи душманларини енгган бу зот — ватанамиз отаси — Пётрдир, уни Россия ердаги худо деб билади...»

М. В. Ломоносов Пётрга бағишланган яна бир тош битикда айтади: «Голиблиги Ер куррасининг ҳар тарафига ёйилди, у рассомлар шухратини бутун оламга танитди. Илм аҳлини кузатди, қонунларни тузатди... Бу қабрда буюк қаҳрамон ётур. Унинг жонсиз мис ҳайкалига форс ҳам, турк ҳам, гот ҳам, сармат ҳам боқиб, кўрқиб даҳшатга тушади». Бу гаплар М. В. Ломоносовнинг чин дилидан чиққани учун уни айбламаймиз. Чунки, Пётр I чиндан ҳам Россия давлати ва маданиятини тараққий эттирган тарихий шахсдир. Соҳибқирон Темур ҳам Мовароуннаҳр учун худди шундай шахс. Аммо, бу иккала тарихий шахснинг қаҳри қаттиқ истилочи эканлиги ҳам кундай равшан. Бу шахслар ўз ватанидаги шаҳарларни обод ва фаровон қилган, фан, адабиёт, санъатни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Аммо, айни вақтда, Пётр қўшинлари туркий халқларга, Темур лашкарлари ҳам туркий, ҳам славян халқларига катта вайронагарчилик келтирган. Бу тарихий шахслар ҳақида бадий асар ёзадиган адиб уларнинг қиёфасини бутун мураккаблиги, барча ижобий ва салбий томонлари билан тасвирлаб бериши керак. Атоқли рус адиби Алексей Толстой «Пётр I» романида худди шундай ҳолис ва доно йўлни танлаган. Сергей Бородин эса «Самарқанд осмонида юлдузлар» роман-трилогиясида Темурни бир ёқлама, фақат ёвуз шахс қилиб кўрсатади.

Ўзбек адиби П. Қодиров эса «Юлдузли тунлар» романида бой тарихий манбаларга асосланиб, Бобур образини ҳар томонлама зиддиятлари, ижобий ва салбий жиҳатлари меъёрига амал қилиб, ҳолис ва ҳаққоний тасвирлаган. Ҳиндистоннинг буюк тарихий ар-

боби Нерунинг қуйидаги ҳолис фикрлари диққатга молик: «Ўзбекистоннинг энг қадимий даврларидан ҳозиргача ўсиб етишган улғу фарзандлари сифатида Бобур ўзининг муносиб ўрнига эга. Уни бизнинг Ҳиндистонда ҳам ҳурмат билан тилга оладилар... Шунингдек, бизда унинг хизматларини ҳурматлаш ва қадрлаш билан бирга фаолиятидаги қоронғи томонларни ҳам эсдан чиқармайдилар. Бобур... ўз юришларини Муҳаммад пайғамбарнинг яшил байроғи остида амалга оширади. ...Бобурнинг қўшин бошлиқлари бошқа эътиқоддаги одамлар билан шафқатсиз муносабатда бўлдилар».

Мана шу тарихий ҳақиқат «Юлдузли тунлар» романида ҳам аксини топган. Пиримқул Қодиров асарининг бош қаҳрамони Бобур ёки бошқа Темурийлар эмас, балки меҳнаткаш халқ вакиллари. Асарда шоҳлар ва султонларнинг тинимсиз қирғинлари туфайли халқ бошига тушган кулфат, машаққатлар ҳаққоний аксини топган. Бизнингча, асарда бошқа бир нарса — Бобур шахсининг жозибаси етишмайди. Нуриддин Муҳиддинов ана шу нарсани Нерунинг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асаридан топади: «Бобур дилбар шахс, *Уйғониш даврининг типик подшоҳи* (таъкид бизники), жасур, уддабурон инсон эди, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан лаззатланишни хуш кўради...»

«Юлдузли тунлар»да Бобурнинг дилбар шахслиги, Уйғониш даврининг типик вакили (яъни олий гуманистик идеаллар ифодачиси, ўта ҳаётсевар) қилиб тасвирланганига муаллиф айбдор эмас, балки ҳозир ҳам илгариги, вульгар социологлардай, ҳар нарсдан гоъвий, сиёсий айбдор изловчи адабий муҳитимиз айбдор, партия XIX конференциясида қораланган адабиётга маъмурий-буйруқбозлик усулида ёндошиш иллатлари айбдордир. Бобурнинг шоир ва инсон сифатидаги жозибаси Анвар Эшонов ҳикояларида, Хайридин Султоновнинг «Саодат соҳили» қиссасида анча яхши тасвирланган. П. Қодиров ўз романида Бобурнинг ёшлигини, маъсумлигини равшан кўрсатган. Сўнроқ эса, Бобур шахси кейинги қатламларга ўтиб, халқ вакиллари образлари йирик планда тасвирланган. Шунга қарамай, адабиётимиз душманлари бу асарга такрор-такрор ҳужум қилишди, ёвуз ният билан унга маъзавади фикрларини ағдарилган уринишди. Аммо, асар иттифоқимиз миқёсида бари бир юксак

бахоланди, хорижий элларга шуҳрати ёйилди.

«Юлдузли тунлар»нинг иккинчи китоби қўлёмаси 5—6 йилдан буён китоб бўлиб юзага чиқмаётганлиги ҳам адабиётимиз душманларининг ишидир. Ҳозир яхши асарларга ғов бўлган бу одамлар, илгари Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат, Шайхзода асарларига ҳам шундай ҳужум уюштириб, уларнинг умрига завоел келтиришган.

Жамиятимиз турли ёмон иллатлардан покланаётган, демократия ва ошкоралик юзага чиқаётган ҳозирги даврда яхши таланти асарларга кенг йўл очиб берилиши керак.

П. Қодиров бундан 25 йил аввалги («Уч илди», «Қора кўзлар», «Жон ширинми?») асарларида ҳам жамиятимизда турғунлик йиллари илдиз отган салбий ҳодисаларга қарши курашган, демократия ва тараққиёт йўлида хизмат қилган эди. Адиб «Уч илди» романида биринчилардан бўлиб шахсга сиғиниш, репрессия даври оқибатларини, тарихни сохталаштиришга қарши фидоий курашчилар образларини яратган эди. «Қора кўзлар» романида эса биринчилар қаторида хўжаликнинг турли тармоқларини, хусусан чорвачиликни орқага сураётган баднафс, кўзбўямачи, мансабпараст раҳбарларни фош этган эди. «Жон ширинми?» ҳикоясида (15 йил аввал «Гулистон»да босилган) она табиатни, дала ва сувларимизни, одамларимизни оммавий захарлаётган кимёвий дориларга қарши исён кўтарган эди. Даҳшатли меркаптофос, бутифос таъқиқланди, аммо, ҳозир булардан қолишмайдиган захарли моддалар экин майдонларимизни вайрон қилмоқда, турли оғир касалликларга, болалар ўлимига олиб келмоқда. Пиримқул Қодировнинг ана шу жанговар ҳикоясидан кўп ўтмай, табиат ва инсон ҳимоясига Х. Тўхтабоев, Эмин Усмон, Дадахон Нурий, Мурод Хидир, Маъруф Жалил, Олим Отахон, Абдусайд Кўчимов, журналистлардан Акрам Аминов, Шомурод Сиддиқов, Ҳабибулло ва бошқа истеъдодли адиблар фаол кураш бошладилар.

Бир йили ГДР бўйлаб саёҳатда юрганимизда Берлиндаги «Шарқ осори атиқалари» музейида, Дрездендаги энг ноёб хазина ва дафинахона — «Альбертинум» музейида Бобур ва унинг авлодлари ҳаётига доир ажойиб ёдгорликлар сақланаётганлигини кўрдик. Айниқса, Альбертинумда «Аврангзеб ва унинг саройи» деб номланган олтин, кумуш, лавл, жавоҳирдан ясалган манзарали ёдгорлик ҳайратланарли эди. Бизнинг тарихимизга доир бу нодир ёдгорликни ўтмишдаги немис наққош-заргарлари ишлаган, уни немис подшолари қадрлаб, асраганлар. Биз эса ўз маданиятимиз тарихини бошқаларчалик қадрламаймиз.

Олис ва қоронғу тарихимиз манзараларини ёрқин истеъдод шуури билан ёритиб, қалб кўзларини очаётган адибларимизни ҳар қанча эъвозласак арзийди.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Маҳкам МАҲМУДОВ

«Кўксарой» сайёҳлар қўналғасининг рақс майдончасида музика садолари янграйди. Қушдек айланиб рақс тушаётган йиғит-қизлар ёшиллик сурури билан маст. Ой шуъласида мудраётган Кўксаройнинг ҳайбатли қояларига тикиламиз-у, унинг ҳақидаги афсона ёдимизга тушади.

...Қадим-қадим замонларда, оламда ҳали шаҳар, қишлоқлар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек кўпаймаган, Ер юзини катта-кичик йўллар шахмат катагидек кесишга улгурмаган, сой ва дарёлар жиловланмаган, денгиз ва океанлар суви тезюрар кемалар мойи билан булганмаган, одам боласи бир-бирига ҳадиксираб боқмаган олис йилларда мана шу заминда, мана шу гўзал богроғлар бағрида, шарқироқ сойлар-у, яшил ўтлоқлар ўрнида Кўксултон шоҳлиги ҳукм сурган экан. Мамлакат фуқароси осуда ва бахтиёр ҳаёт кечирар, минглаб қўй-эчкилари, елини ерга теккудек говмишлари тоғ яйловлари бағрини тўлдириб ўтлар экан. Сой қирғоқларидаги пастқамликларда экинлардан мўл ҳосил олинар экан. Мамлакат ҳукмдори эл-юртга меҳрибон, камбағалпарвар экан. Чорвадан, экинлардан, тоғдан қазиб олинаётган маъдандан тўпланган бойлик бир жойга

КЎКСАРОЙ ҚУШИҒИ

йиғиларкан-да, бор фуқарога баравар тақсимланаркан. Одамлар осойишта умр кечираркан. Кунлардан бир кун юрт ҳукмдори фуқарони тўплаб, шундай депти:

— Азиз фуқаро! Табиат бизга бой юртни инъом этган экан, бойлигимизни беҳуда совурмасдан бир қаср қурайлик. Кўркамликда ул қасрнинг оламда тенги бўлмасин. Токи, келгуси, насларимиз номимизни ёдга олиб, шаънимизга таҳсинлар ўқисинлар...

Ривоятда нақл этилишича, ўн йил ўтгач, Унгор, Почаота ва Бўспу тоғлари ораллигида, яъни узоқлардан оқиб келаётган азим дарё соҳилида гумбазлари булутларни ўлган, мрамар саҳнаси ойнадек ялтираган, бегубор сувга уланиб кетган, пештоқларига қадалган жавоҳирлар шуъласи узоқлардан юлдуздек чатнаб кўринадиган улкан қаср қад ростлади. Аммо... кунларнинг бирида Кўксарой узра момақалди роқ даҳшат солиб гумбурабди, чақмоқ илонсимон из солиб борлиқни ёритибди. Кўксарой дарёдек бўлиб сел қуйилибди. Саройни қуриш турган қўрғон сел сувига дош бермасдан ўпирилишга бошлабди. Сел тиниб, душман навкарлари яширинган ердан чиқиб, саройга ҳужум бошлашибди. Вироқ улар ичкарида кўрмаган, қулоқ эшитмаган ҳолга дуч келишибди. Сарой деворлари-ю, устунларига кўкиш тошга айланиб қолган эмиш. Пештоқлари бўйлаб кулранг булутлар сузиб юрган ҳайбатли сарой саҳнасида худди кўлга қўнган

оққушдек кийинган қизлар саф тортган эмиш — подшонинг қизи Ойжамол ҳам, Кўксаройдаги бутун борлиқ сувғари, қирқ канизаги билан совуқ тошга айланиб қолган эмиш...

Бу — оғиздан-оғизга ўтиб келаётган афсона. Нанай қишлоғининг кексалари билан суҳбатлашсангиз, бу афсонани ота-болалари ҳикоя қилганликларини таъкидлашади. Улар ҳатто сизни ишонтириш учун қуёш бор бўйи чарақлаган маҳалларда тоғдаги чинакамга саройга хос белгиларни кўрсатиб, афсона ростлигини исботлашга урунишади. Аммо Кўксарой тоғига тилсимот яширинганидан, ҳозиргача унинг девордек тик қояларига, найзадек ўткир чўққиларига чиқиш ҳеч кимга nasib этмаганидан сизни огоҳлантиришади.

1967 йилда бу ерда шу номда сайёҳлар базаси ташкил этилди. Демак, ўлкамиз табиатига худди моҳир расом нақшидек ярашиб тушган Кўксарой чиройи жамоатчилик эътиборидан четда қолмади. Ватанимизнинг турли жойларидан сайёҳатчилар, дам олувчилар келиб туришади. Ҳа, мана бир неча йилдирки, диёримизнинг бу сўлим гўшасига Москва шаҳри, Краснодар, Красноярск,

ди. Кенг ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Оиласи билан дам олувчиларга мўлжалланган 40 дан зиёд дала уйлари бунёд этилди. Барча қулайликларга эга 120 ўринли ётоқхона эса фойдаланишга топширилиш агафасида. Кўксаройда шундай ҳам алоҳи ва эътибор берилмоқда.

Дарҳақиқат, сайёҳлар қуналғаси территориясини 14 боггулзорга қиёслаш мумкин. Атрофдаги кенг адирлик тоғ ёнбағри яшил зоналарга айлантирилган. Насослар ёрдамида сойдан кўтарилган сув шарофати билан илгари гийёҳ ўсмаган баланд тепаликларда ҳам нигоҳ яйрайдиган манзаралар бунёд этилди. Сайёҳатчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, қуёшда тобланиб, муздек сой сувида чўмилиб чиниқишлари учун барча қулайликлар муҳайё. Турли миллат вакилларидан ташкил топган «Нанай гуллари» ансамблининг ҳаваскор санъаткорлари дам олувчилар хизматида.

— Ҳар йили мамлакатимизнинг турли бурчакларидан уч мингдан ортиқ киши келиб ҳордиқ чиқараётган сайёҳлар қўналғасида ҳали ҳам ҳал этилмаётган муаммоларимиз анчагина, — деди эҳтиёжлар ҳақида гапириб директор Турғунўлат Эсонбоев. — Кампировот сув омбори қурилиши муносабати билан Наманган области территориясидан Қирғизистонга ер олиб берилганда Нанай чегарасидаги меҳнаткашлар дам олиб келган талай майдонлар билан бирга сайёҳлар қўналғасининг бир қисми ҳам қўшни республика ихтиёрига ўтиб кетган эди. Оқибатда ошхонамиз биноси Қирғизистон тасарруфида қолди. Энди ошхонани кенгайтириш, уни қайта қуриш имкониятига эга эмасмиз. Уни ўзимизнинг территорияга кўчириш, янгидан бино тиклаш учун эса шароит йўқ, маблағ етишмайди. Қолаверса, сой бўйида жойлашганидан, ошхонани ўрнидан жилдиришга одамнинг кўзи қиймайди... Чўмилиш учун ҳовуз қуришга ҳам шароит йўқ. Бунинг учун қўшни республика раҳбарлари руҳшат беришса, яхши бўларди. Ушанда тозалаш-санитария тармоқларини ишга тушириш ҳам мумкин эди. Тегишли давлат ташкилотлари мазкур муаммоларни ҳал этиб беришса, айти муддао бўларди.

Бир йўла табиатнинг тўрт фаслини ўзида мужассамлаштирган бундай масканлар Наманган областида талайгина. Лекин улардан имконият даражасида фойдаланилаётгани, деб айтиш қийин. «Кўксарой» сайёҳлар қўналғасидан 15 чақиримгина чап томонда, тоғлар бағридан силқиб келаётган Саночсойнинг бошланишида «Оқтом» қишлоғи бор. Узани ўртамиёна дарёни эслатувчи сой қишлоғининг қоқ белидан кесиб ўтган. Шунинг учун бу қишлоқлар «Қирғизистон Оқтоми», «Узбекистон Оқтоми» деб аталади. Бу жойларни ҳам оромгоҳларга айлантириш мақсадга мувофиқдир.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ

Наманган



Хосият БОБОМУРОДОВА



Абдували ҚУТБИДДИН



* * *

Секин шивирладинг қулоғимга сен:
«Билиб қўйки, сени яхши кўраман
Ва бошқа қайтариб айтмайман буни».
Мен энди тинимсиз ўйлар сураман:

...Маили сен қайтариб айтма бу сўзни,
Эзиб-эзиб ёмғир ёққан қаро тун,
Еғилмаса менинг чанқоқ нигоҳим
Кўзларинг айтсинлар интизор ва хун...

Сен айтма, гоҳида кўксинг тоғ қилиб,
Гоҳ мавҳум бўшлиққа урганда ўзни,
Чексиз хаёлингнинг чуқур излари,
Мендан айриллолмай айтсин бу сўзни.

Иккимизга битта рақиб ул ҳижрон
Ҳориб-ҳориб узун йўлидан қайтсин,
Гарчанд бағри яра, гарчанд эғни қон,
Бўлса-да, умиднинг тиллари айтсин.

Мен айтма, деган чоғимда
Сени унутолмай, унутсам ўзни,
Мени яшамоққа чорлаб ва суяб
Ишончинг қўллари айтсин бу сўзни.

У сўз айтилмаган сари қадрли,
Қудратинг етгунча сақлайвергин сир,
Сўзингнинг дунёда тилмочлари кўп,
Сенинг айтмоғингга не ҳожат, ахир...?



РОСТДАН ЁЗАСАНМИ, ДЕБ СЎРАШДИ МЕНДАН

Тўлғоқ билан узоқ олишган она,
Мўъжиза гўдагин кучаркан секин,
Деразадан боққан ҳар йўловчига:
«Қаранг, ростдан ўзим туғдим», дермикин?

Узун, қаро туннинг ёриб кўксини,
Осмонга қўшиқдай ёйилган қуёш,
Тевага анқайган ҳар сўровчига,
«Мен ростдан чиқдим», деб қоқармикин
қош?..

Билмайман, ёзганим ростми ё ёлғон,
У қалб дафтارينгнинг оқиға боғлиқ,
Шеърим — азиз болам, ёниқ қуёшим,
Ўтаётган умрим экани аниқ.

Навий шаҳри

* * *

— Чарх, ўткир қилиб қўй болтангни,
Чуғурчуқ, йигиргин сим, арқон.
Юзини ўгирди
Ахир, ёр...

Чиқсанг чиқ,
Кетсанг кет энди, жон
Хазонинг тўпла, кўм мени, боғ,
Терингни кафан эт, эй илон.
Юзини ўгирди
Ахир, ёр...

Чиқсанг чиқ,
Кетсанг кет энди, жон.
Дарё, сен мурувват қил бир бор,
Йўлингга қўшиб ол лахта қон.
Юзини ўгирди
Ахир, ёр...

Чиқсанг чиқ,
Кетсанг кет энди, жон.
Кеча, ўғрилиқка чиққил, кел;
Бошимни синдиргин, уз, армон.
Юзини ўгирди
Ахир, ёр...

Чиқсанг чиқ,
Кетсанг кет энди, жон.
Лахча сеп, тонггинам, тўйин,
Юракда қолмасин пушаймон.
Юзини ўгирди
Ахир, ёр...

Чиқсанг чиқ,
Кетсанг кет энди, жон.



* * *

— Қайдадир тун сиёҳ кокилин эшар,
Тоғларда эзади ҳарир кўксини.
Қайдадир жайронлар ўйнаб юришар
Фақат мен яшайман
Ўксиниб.

Қайдадир минора қанот қоқади,
Ҳис этиб танида шамол жисмини.
Зарафшон қайгадир лойқа оқади
Фақат мен яшайман
Ўксиниб.

Қайдадир тулпорлар фазога етар,
Томоша қилгали товус рақсини.
Қақнуслар оловлар қўйнида ётар
Фақат мен яшайман
Ўксиниб.

Қайдадир сайҳонда ўтлар қовушар,
Қайдадир йўқотар офтоб кўзини.
Қайдадир нам тортиб унар товушлар
Фақат мен яшайман
Ўксиниб.

Қайдадир шапалак шафақни кўрар,
Нурланиб сезади бахтнинг исини.
Қайдадир бир санам мени деб яшар
Фақат мен яшайман
Ўксиниб.

* * *

— Қишдан ўтиб олсак...
Лолалар юртига қараб кетармиз.
Қишдан ўтиб олсак
Дунёдан
Гулу райҳон ўтармиз.

Санувбар баҳорга етолсак агар
Ярамизга қўнар болари.
Етти аъзомиздан муаттар
Бўй чиқиб ётамиз кўкариб.

Наштарли кунларнинг азобин
Насиб этса гар унутармиз.
Гулу райҳон бўлиб бирга
Висол оғушида ётармиз.

Қишдан ўтиб олсак...

* * *

Чўчиб ён-веримга боқаман, қизиқ:
Дўнгликка ёпишиб қирчиллайди қор.
Қолбуки,
Қирларни пайпаслар кечиккан баҳор.

Озиб-тўзиб бўлган қиш бўйи қишлоқ,
Сигирлар маърайвериб зериккан.
Қўшоғиз замбаракдай осмонга
Аравъ
Қарайвериб толиққан.

Қолбуки,
Ўнгирда илк ўлан
Билдирмай ҳеч кимга кўқарган.
Қозигини тортолмаган эшак
Терс ўғрилиб сездирмай анграган.

Қолбуки...
Бир айтсам, ўн айтсам, юз айтсам...

ИБЛИСГА

Сиз нима ўйлаб топдингиз тагин...
Қудуққа фалакни тиқиб қўйибсиз.
Бармогингиз билан бир зумда тарғил
Сигирга айланган ойна сўйибсиз.
Ў, тоғларни кўтариб уриб
Майдалабсиз, пишқиртибсиз.
Евшанларни қуришиб қўйиб,
Бўстонларни зор қақшатиб кетибсиз.
Чарчадингиз чоғи, мук тушиб алпоқ —
Чалпоқ назар ташлаб ҳар ёнга,
Пана кавак учун минг танга
Бераман деб турган инсонга,
Тўқим излаб турибсиз, айёр,
Андак ўтар, эшакни ниқтаб
Бир кавакка кетасиз кириб.
Бу дунёга мингта чаёну
Ҳамда эски тўқим қолдириб...



Исо АБДУРАХМОН

ҚАДРИНИ БИЛМАДИМ

(ТОШДАГИ ЕЗУВ)

Онларнинг қадрини билмадим —
Йиллардан ажралдим.
Изларнинг қадрини билмадим —
Йўллардан ажралдим.

Уйимнинг қадрини билмадим
Маҳалламдан ажралдим.
Элимнинг қадрини билмадим —
Оламдан ажралдим.

Сўзимнинг қадрини билмадим —
Юзимдан ажралдим.
Қариндош-дўст қадрин
билмадим —

Ўзимдан ажралдим.
Хотира —
Адашган, толган одам-чун
Узоқда
Милтиллаб ёнган бир чироқ!

ҲАЁТ — МУРАККАБ

Ҳаёт кўп мураккаб, деганда отам,
Ҳайратда қолардим.
Қотарди энсам.
Кенг йўлда бемалол ташласанг
одим,

Хоҳлаганда — учсанг,
Хоҳласанг — энсанг...
Йиллар ўтиб кетди,
Ўзим отаман.
Эслайман отамнинг ўша
сўзларин.

Ҳамон ўша йўлда одим отаман.
Аммо олазарак энди кўзларим.
Эркин кулиш ҳам йўқ,
Йўқдир йиғлаш ҳам.
Ичимда — севинчлар,
Ичимда — дардлар.

Кўп кулсам,
Ғаразгўй иш бошлар шу дам...
Йиғласам,
Душманам дегай: «Бўл баттар!»
Илиқ сўзлар айтиб,
Орқамдан эса

Тош отиб қолади гоҳида бири...
Вириси йўлимга гов қўйиб эзса,
Бошқаси кузатар
Четроқда туриб...

Ишим юришиши гоҳида, нетай,
Боғлиқ бўлиб қолар дили сиёга.
Яхшини у ёмон деб айтар
Атай,

Жонлини у дегай
Ухшар сояга...
Юракка ўт пуркар
ҳамма-ҳаммаси,
Жўжа танбех берар баъзан
товуққа.

Қарға тузатади булбул
«хато»син.
Нозик гул дуч келар қаттиқ
совуққа...

Ҳа, чиндан ҳам
Ҳаёт жуда мураккаб.
Юриш учун бўлса аниқ чизиги,
Зарба, ўт тушмаса
Кунда юракка,
Яшашнинг ҳам қолмас эди
қизиғи.

Бир йилда
Бир марта
Хотира кун...
Ихтиронга балли,
Эй, одамизот!
Қолган уч юз олтмиш тўрт
кун-чи?

Хотирасиз ўтса-я...
Ҳайҳот!
Наҳот,
Ўйламасак ҳар кун бир бор
Пойимиз тагида нима борлигин!
Бу она заминда
Ахир, Қон,
Жон
Бор!
Шундан гоҳ кенглиги,
Гоҳи торлиги.
Ташвиш кўплигидан нолиймиз
доим.

Шошиламиз ишга,
Шошамиз уйга...
Баъзан ўзимизни қўямиз койиб,
Вақт тополмасдан
Чўмишга ўйга.

Ҳамма нарса учун вақт топсак-у,
Вақт топмасак хотирлаш учун.
Ҳамма эшикларни очиб ёпсак-у,
Бедард,

Бехотира
Ўтиб кетса кун!..
Хотира —
Инсон-чун
Бебаҳо неъмат.
Хотира —

Оч учун
Битта бутун нон.
Тошқинда, билингки,
Ишончли кема,
Эзгу ниятли-чун
Янги бир имкон.

Хотира —
Зафарбахш
Янги одим-чун
Мадад-куч
Берувчи
Жарангдор хитоб!

Хотира —
Нафақат ўтиб кетган кун,
Балки у — бугун
Ва порлоқ истиқбол.
Удир муқаддима,
У — суръат,

Яқун.
У гоҳ ачиқ дори,
Баъзан эса бол.
Хотира —
Тирикликдан,
Онглиликдан бир нишон...

Хотира чироғи сўниб қолдими,
Хотира кўзгуси синиб қолдими,
Бил, ишон,
Ҳаммаси,
Ҳаммаси,
Ҳаммаси
Тамом!

Янги таржима

Жалолиддин РУМИЙ

ҒАЗАЛ

Эй оташи оташишон¹, бул хонани вайрона қил,
Ақлимни мандин ол, мани бошдин яна девона қил.

Буз эшигин майхонанинг, қўрқмай кўтар паймонани,
Тарк эту бу афсонани, зоҳидлигим афсона қил.

Соқий, узат ул жомни, мандин олиб оромни,
Қўй энди бул исломни, бор, Қаъбани бутхона қил.

Эй ошиқи шайдойи, бор, бир жомга жонни эт нисор,
Ул жоми Жамдин бўл хумор, бошингни ҳам паймона қил.

Эй ишқ, нечук бунча жафо, жоним куйиб бўлди адо,
Бор бир даме, бахри худо, қасди дари жонона қил.

Эй, офтоби осмон, рухсори шармингдан ниҳон,
Кетсин десанг тўзгиб жаҳон, зулфи кажингни шона қил.

Кел, Шамси Табризий аё, ғамдин бўлибдурман адо,
Ақлимга ўт ургил яно, бошдин мани девона қил.

Форс-тожик тилидан
Олимжон БҮРИЕВ таржимаси

¹ а) ўт ўчирувчи
б) оби оташишон — шароб.



АСАЛАРИ
УЧУН ДОРИ

ДАСТЛАБКИ
НАТИЖАЛАР

АЭРОПОРТДА
ЧЕКИЛМАЙДИ

Япониялик археологлар қадимги қабрининг ёшини 1 минг 300 йил деб белгиламоқдалар, дея хабар беради Рейтер агентлиги.

Тош тобутли қабр қадимги Япония пойтахти бўлган Нара ёнидан топишган. Илгариги топилмалардан унинг афзаллиги шундаки, у қандай бўлса, шундайлигича сақланган.

Ҳаво ва намлик унга таъсир қилмаслиги учун олимлар ҳозирча тобутни очмасликка қарор қилишди. Мутахассислар фақат техника ёрдамида иш олиб боришмоқда. Тош қопқоқдан маҳсус асбоблар ёрдамида кич-

кинагина туйнукча очиб, тобутнинг ичини суратга олишди ва ундаги нарсаларни видеоплёнкага туширишди. Олимлар яхши сақланган қимматбаҳо кийим-кечакларнинг бўлакларини, ҳар хил тилла безакларни кўришга муваффақ бўлишди. Унда яна тожга ўхшаш алланарса ҳам бор эди.

Мутахассислар кўмилган одам (ҳозирча унинг жинсини аниқлашнинг имкони бўлмаётир) ўша вақтдаги ҳукмдорлардан бирининг қариндоши бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар. Бу саволга фақат тобутни очгандан кейингина жавоб бериш мумкин.

Хельсинкининг «Вантаа» аэропортида сигарета чекиб кетаётган кишилардан бири хизматчилар томонидан тўхтатилди. У яқиндагина деворга қоқилган — папирос чекишни ман этувчи белгини кўрсатди. Эндиликда чекиш бу ерда кескин камаймоқда. Илгарилари аэропортнинг ҳамма ерида чекиш мумкин эди. Эндиликда эса чекмайдиган финлар

ҳамда матбуот ўз кучини кўрсатди. Бутун мамлакат бўйлаб кашандаликка қарши кенг кураш бошланди. Лекин ўсмирлар негадир бу ярамас одатларини ташлай олмаяптилар. Чекувчиларга қарши курашда телевидениенинг, чекишни ташлаганларнинг мактабларда олиб бораётган тарғиботлари яхши натижа бермоқда.

Шундай қараганда хотира ёзишдан осон нарса йўқ. Кимлар билан қачонлардир учрашгансиз, суҳбатлашгансиз, қизиқ воқеаларнинг гувоҳи бўлгансиз — баён қилсангиз кифояга ўхшайди. Айниқса, эслаётган одамингиз машҳур киши бўлса — ошингиз олчи, ишингиз хамирдан қил суғургандек осон кўчади... Бу — ёзувчилик сир-асроридан хабарсиз кишининг содда тасавури. Аслида, хотира ёзиш — бадий ижоднинг энг қийин турларидан бири. Бунинг учун ёзувчилик иқтидори, маҳорат, адабий ва ҳаётий билимлар қатори яна бир муҳим нарса — катта маъсулият ҳисси — маънавий ҳуқуқ ҳам бўлиши керак. Ойбек, Ғафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа буюк санъаткорларнинг ижодий қиёфаси, инсоний фазилатлари, феъл-атворига хос нозик жиҳатларни беш бармоқдек билиш, юракдан ҳис қилишдан ташқари, уларнинг оғир-енгил кунларида ҳамқору ҳамдаст бўлиб ёнида турган, сафарларда ҳамроҳ, мароқли суҳбатларда гувоҳ бўлган, узоқ-яқин кишиларнинг уларга муносабати, сadoқати ёки хиёнатидан (ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз?) хабардор ижодкоргина ана шу ҳуқуқни қўлга кирита олади. Акс ҳолда, машҳур кишиларни бирикки учратган, уч-тўрт оғиз гапини эшитган одам ёзган хотиралар эса аксари сунъий, зўрма-зўраки чиқади.

Шу жиҳатдан қараганимизда, таниқли ёзувчи Носир Фозиловнинг «Устозлар даврасида» деб номланган янги китоби ибратлидир. Унда биз бир қанча маш-

хур ўзбек ва қозоқ ёзувчиларининг ҳаётига доир қизиқарли маълумотларга дуч келамиз. Бу китобга кирган асарлар фақат хотиралар ва эсселардан иборат эмас. Уларга анча кенг назар солган маъқул. Муаллиф ҳар бир хотирани тугал композицияли, сюжетли ҳикояга айлантиришга интилган. Шунинг учун ҳам ёзувчи уларни ҳақли равишда «Ҳикоялар, эсселар» деб номлаган.

Носир Фозилов ижоди қардош қозоқ адабиёти билан мустаҳкам боғланган. У таниқли қозоқ адибларининг ўнлаб роман ва қиссаларини ўзбек тилига ағдаргани, бу борада ҳамон самарали ижод қилиб келатгани ўқувчига яхши маълум бўлса керак. Муаллиф қозоқ биродарларимиз ҳақида ҳар доим яйраб фикр юритади, кўнглини очиб, тўлқинланиб сўзлайди. Қалбига болалигидан яқин бўлиб қолган қозоқ даштлари сурурини, Олмаотадаги жўшқин учрашувларни, гўзал Медов ҳамда Олатог манзараларини, кўнгли тоза, бағри кенг одамларнинг самимий қиёфасини меҳр ва ҳарорат билан тасвирлайди.

У «кўмирга кон Қараганда, ғаллакор Целиноград, мисга бой Жезқазған областларини, Бурабой деб аталадиган жаннатмисол ерларни, бағрига саксонга кўл жойлашган Қўкчатов диёрини, балиги мўл Балхаш денгизини» илиқ мисраларда таърифлар экан, ўз ҳаяжони, завқини ўқувчига юқтиришга муваффақ бўладики, бу китобнинг энг катта ютуғи ҳисобланади.

Китобда машҳур адиб Собит

Муқонов билан учрашувлар, суҳбатларга анча кенг ўрин берилган. Собит оғадаги самимият, олижаноблик, меҳрибонлик каби инсоний фазилатлар, хотини Марям опа табиатига хос ҳазил-мутойиббага мойиллик, Ойбекнинг Олмаотада бўлишига доир тафсилотлар; икки йирик адибнинг тоғ сайрига чиқиши; улкан харсанг тошнинг ўзбек ёзувчисига тортиқ этилиши; унга ўйиб ёздирилган қалб сўзлари; кейинчалик Медовда бўлган кучли сел бу харсанг тошни оқизиб кетгани ва бошқа саргузаштлар катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқилади. Муаллиф бу воқеаларни эсдан чиқмайдиган ҳаётий деталлар ҳамда ўзига хос қувноқ юмор воситасида жонлантирар экан, ҳар саҳифада икки қардош халқ — ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлигининг илдизлари теран эканига, бу халқлар олис асрлардан бери бир-бирига ҳамқору ҳамдаст бўлиб, аҳил яшаб келатганига алоҳида ургу бериб боради.

Худди шу ўринда китобнинг навбатдаги яна бир муҳим фазилати намён бўлади: у ўзбек ва қозоқ адабий алоқаларини, халқлар орасидаги дўстлик ипларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

«Дўстликда гап кўп, — деб ёзади муаллиф, — одатда ҳамма нарса шахсий дўстликдан бошланади. Бу оқсоқолларнинг (Ойбек ва Собит Муқонов — О. А.) киши ҳавас қилса арзигудай дўстликлари аллақачон катта маънодаги дўстликка — адабиётларимиз, халқларимиз дўстлигига айланиб кетган улкан дўст-


лик эди». Бу сатрларни ўқиб, адабиётимизнинг улкан оқсоқоллари ардоқлаб келган дўстлик, ижодий ҳамкорлик каби яхши анъаналарни давом эттириш, авайлаб-асраш ва янада кучайтириш ҳозирги авлод зиммасидаги шарафли, эзгу бурч эканини дил-дилдан ҳис этамиз.

Тўпламдаги таъсирли лавҳалар ҳақида гап кетганда, Собит оға сўзлаб берган чўпон йигит Дўнан ва унинг ёш хотини Қалдирғоч фожиасини тилга олмай бўлмайди. Фарзанд кутаётган ёш келин-куёвнинг шодон орзулар қўйнидаги бахтиёр дақиқалари, бир-бирига меҳрибонлигини кўриб, кўнглимизда илиқ ҳислар пайдо бўлади. Қалдирғочнинг тасодифий ўлими (кечаси уни ваҳший айиқ тилка-пора қилиб кетади) тасвирланган саҳифалар эса юрагимизни ларзага солади.

Носир Фозилов қозоқ халқининг турмушига доир маиший деталлардан тортиб, уларнинг сўзлаш йўсини, миллий руҳиятигача мукамал билади, десак, лоф бўлмас. Шунинг учун ҳам у тасвир давомида, қаҳрамонларнинг қиёфаси, ички оламини, диалогларини акс эттирганда, қийналиб, зўриқиб қолмайди. Табиий ва ҳаётий, жонли манзараларни кўз ўнгимизда моҳир рассом қилқаламида чизилгандек маҳорат билан гавдалантириб қўяди. (Бу ҳол айниқса, «Тўёна», «Дўстлар» ҳикояларида яққол кўзга ташланади.) Ёзувчи манзара, ҳолатларни ихчам, пишшиқ деталлар билан очиш усулини яхши кўради. Мисол сифатида китобдаги айрим парчаларни бирга ўқийлик. Мана, Дўнан-



САҲНА



Марва Жалолитдинованингни ўзбек театри ва киноси усталари туркумида чоп этилган «Зайнаб Садриева» китоби ўзбек саҳнасининг ёрқин юлдузларидан бири бўлган атоқли санъаткор Зайнаб Садриеванингни ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Кўпчиликка маълумки, Маннон Уйғур, Ятим Бобожонов, Аброр Ҳидоятлов, Обид Жалилов, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурхонов, Наби Раҳимов, Саъди Табибуллаев каби кўпгина саҳна усталари қатори Зайнаб Садриева ҳам Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри тарихи саҳифаларини яратишда муносиб улуш қўша олган улкан санъ-

аткордир. Китобда актрисанингни ижодий камолоти ўзбек театр санъатинингни юксалиши, ривожини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда берилади. Ҳозирги пайтда яратган ўзига хос роллари билан театр биографиясида кўзга ташланиб турадиган бу актрисанингни образлар устида тинимсиз излангани кўпчиликка ибрат бўларлидир. Унинг Маннон Уйғур, Ятим Бобожоновдек талабчан, тажрибали режиссёрлар яратган актёр усталиги реалистик мактабинингни ҳақиқий талабаси бўлгани ишонарли мисоллар билан таъсирли лавҳаларда акс эттирилган.

Актриса Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Вой ила хизматчи»

драмасидаги Пошшоойим образини яратиб, саҳна нималигини, образ тўлақонли яратилганда санъаткор қай ҳолатга тушишини илк бор ҳис қилди. Сўнгра «Холисхон» драмасида Мастура сатанг ролини ижро этиб, характерли образинингни ёрқин намунасини намойиш эта олди.

Бу образлар Зайнаб Садриева актёрлик маҳоратини оширишда катта мактаб вазифасини ўтади. Китобда Зайнаб Садриева ижодинингни поғонама-поғона ўсиб, тобора мукамаллашиб бориши, ҳар бир ролини саҳнага олиб чиқиши катта бир тарих сифатида ҳаяжонли берилганки, йиллар ўтиб, актрисанингни камолот чўққилари-

НУРЛИ СИЙМОСИ

нинг кечаси хотинини ёлғиз қолдириб, сув излаб кетаётган пайтдаги ҳолати: «Сал нарига борганда нима учундир кўнгли алағда бўлиб орқасига қараб-қараб, кўнглида ўша катта туп жингилни мўлжалга олиб қўйган бўлди. Чироқ худди сув ваъда қилаётгандай милт-милт қилиб ўзига имлар, итларнинг товушлари тобора яқиндан эшитилар эди. Дўнан қоқиниб-суришиб зудлик билан борар, йўл-йўлакай тартибсиз ўсган жингиллар, чангаллар чолвори почасини юмдалар, баъзан болдирларини жиз этказиб чизиб ўтар эди. Одамларнинг нимадандир безовта говур-гувури шундоққина яқингинадан эшитилиб турар, итлар эса ниманидир қувиб овулдан узоқлашиб кетган эди». Бу ерда ҳаётнинг бир жонли лавҳа моҳирона суратлантирилган. Энг муҳими, тасвирда ҳаракат бор, ҳолат бор. Виз милтираган чироқнинг ҳам, итларнинг жонсарақ вовуллашини ҳам, одамларнинг безовта говур-говурини ҳам аниқ кўриб, ҳис қилиб тураемиз. Бу чинакам катта прозага хос фазилатдир. Аксари ёзувчиларимизнинг асарлари эса айни шу жиҳатдан оқсайди. Тасвирда аниқ деталлар ўрнини баёнчилик эгаллайди, манзараларда декоративлик, тургунлик очик сезилади. Ҳаракат ва овоз, турли жонли товушлар уйғунлигини сезмаймиз. Мана бу муболагадор парчанинг жонлигини кўринг: «Стул устида ҳамма нарса бор эди. Виз қази деб фақат ичакка тикилган йилқи гўштини тушунамиз. Лекин мана бу столда турган қази бўлакча. У ичакка тикилмаган, ёғи тўрт энлик десам

лоф бўлмас, олтиндай қулф уриб турибди. Оғзинга солсанг, эриб кетаман, дейди. Мана буни ҳақиқий қази деса бўлади!»

Қуйидаги деталь ҳам ўта маҳорат билан суратлантирилган: «Дўнан телбаларча дод солиб, ўзини қаерга қўйишни билмасди. Сал нарида, шўрхок тупроқ устида ҳозиргина олиб келган шиша оғзидан ерга сув қулт-қулт тўкилар эди».

Тўпلامда Ғафур Ғулом, Уйғун, Миртемир, Шайхзода, Саида Зуннунова каби адиблар ҳақидаги хотира ҳикоялари ҳам мароқ билан ўқилади ва мазкур ижодкорлар ҳаётидаги бирон қизиқарли лавҳани ёритиб, тасаввуримизни бойитади. Бу ҳикояларни батафсил таҳлил қилиш имкони йўқлиги учун аввалдан узр сўраб, уларни синчиклаб ўқишни ўқувчиларимизнинг ўзларига ҳавола этаемиз. Лекин бир мулоҳазани шу жойда айтиш ўринли кўринади. Муаллифнинг бир қанча ҳикоялари, яхши лавҳалари бўлса-да, ҳали тўла мукамаллик касб этган эмас. Адиб уларга сайқал бериши, ишловни ниҳоясига етказиши зарурлиги сезилиб турибди.


Тўпلامдаги «Қуш қаноти билан» қиссаси ҳам юқоридаги ҳикояларга мантиқан боғланиб кетади. Марҳум адабиётшунос Тўхтасин Жалоловга бағишланган бу асар реал ҳаётнинг воқеалар асосида ёзилган. Инсонни ардоқлаш, ҳар қандай шароитда ҳам унга ишониш, ҳақиқат йўлида ҳалоллик билан собит туриб курашиш ғояси мазкур қисса қаҳрамонлари ҳаётига сингдириб юборилган.

Туҳмат билан қамалган олижаноб ўқитувчи Акмал акага бош бухгалтер Иззатулла, унинг жиккак, кўзойнакли ўғли Ҳасанлар шубҳа билан қарайдилар, ҳар қадамда уни тергаб, таъқиб қилиб, инсоний қадрини ерга уришга интиладилар. Иззатулла каби кимсалар гапда нуқул баланд партиявий гапларни шиор қилиб олсалар-да, амалда бутунлай тескари иш тутадилар. Мунофиқлик, инсофсизлик, виждонсизликлардан тап тортмайдилар. Пўлат ака, Эшмат ака, Супабек ота каби оддий колхозчилар, Аъзам, Акбар каби ўқувчилар эса ноҳақ жабр кўрган бу бечора кишининг айби йўқлигини билгач, қўлдан келганча унга яхши сўз, ширин муомала билан далда беришга, оғирини енгиллатишга уринадилар. Асардаги мана бу кескин диалогни ўқиб кўрайлик:

«— Гап шундаки, Иззатуллавой, шубҳа билан яшашга ўрганиб қолганмиз. Қачонгача шундай қиламиз?»

— Шундай дейсиз-у, Пўлат ака... — деб чайналди Иззатулла ака. — Партия аъзосимиз, ҳаммамизнинг ҳам бола-чақамиз бор.

— Энди ўзингизга келдингиз, Иззатуллавой. У қулогингиз билан ҳам эшитиб қўйингиз, — деди Пўлат амаким товуши қалтираб, — партия деб аталган азиз ва мўътабар ном ниқобида ифлос ишларни қилаётганлардан бу ғарибга ёрдам қўлини чўзаётганлар минг марта аъло! Садқайи партия аъзоси кет-э!» Мана шу икки хил тушунчадаги одамлар ўртасидаги муросасиз кураш асар охиригача



давом этади ва эзгулик кучларининг ғалабаси билан ниҳоясини топади.

Кўрамизки, анча олдин ёзилган бу қисса бугунги қайта қуриш, покланиш даври талаблари билан ҳамоҳанг. Унинг чуқур замонавийлиги ва тарбиявий қиммати ҳам худди ана шу фазилатидан келиб чиқади.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари кандидати

¹ Носир Фозилов. Устозлар даврасида. «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1988 йил.

САБОҚЛАРИ

ни қай йўл билан эгаллагани ўқувчи кўз ўнгида намоён бўла боради.

Дарҳақиқат, буюк рус драматурги А.Н.Островскийнинг «Айбсиз айбдор» асари тилга олинди-ми, дарҳол ундаги Кручинина образини жозибали ижро этган Зайнаб Садриева кўз олдингизда жонланади. Буюк пролетар ёзувчиси Максим Горькийнинг «Васса Железнова» асари ҳақида фикр юритилса, яна Васса қиёфасини кўнглидагидек гавдалантирган Зайнаб Садриевани эслайсиз. И. Поповнинг «Оила» асаридаги дохий Лениннинг онаси — юксак маданиятли, оқила, соф кўнгли, камтарин, иродали аёл Мария

Александровна Ульяновна образи ҳам томошабин дилида ўчмас из қолдиргани ҳеч кимга сир эмас.

Холнисо («Шоҳи сўзана»), Фотима («Оғриқ тишлар»), Фармонбиби («Келинлар қўзғолони») каби маромига етказиб ижро этилган комик образларни ҳам томошабин бир умр унутмас керак.

Ҳаммамизга маълум, Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиасидаги Гавҳаршодбегим образини яратиб, актриса бугун бошли тарихни жонлантирди. «Ой тутилган тунда» драмасида Зайнаб Садриева Тангабексининг ҳолатларини томошабин берилиб кузатади.

Муаллиф Зайнаб Садриеванинг

ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятини қоғозга туширар экан, актрисанинг мураккаб ички дунёсини, қалб гўзаллигини тўлароқ очиб беришга интилади. Китобни мутолаа қилар экансиз, театр остонасига ботинар-ботинмас қадам қўйган ёш қизалоқнинг аста-секин актёр усталлиги, маҳорат сирларини эгаллай бориб, вақт ўтиши билан унинг фидоий ижодкори бўлиб қолганига амин бўласиз. Саҳна иши баъзилар ўйлагандек ҳавойи иш эмас, балки ниҳоятда мураккаб, оғир, машаққатли жараён экани маълум бўлади. Зайнаб Садриеванинг актриса сифатида шаклланиши, унинг образ устида ишлаш жара-

ёни, эришган муваффақиятлари ва ҳолатга киролмай чеккан азобларини ўқувчи ҳис қилиб боради.

Актрисанинг ҳар бир образга гражданлик позициясида туриб ёндошиши, у яратган образларда шундоққина кўриниб туриши ҳам ишонарли ифодаланган.

Китобнинг тили раван. У саҳна ихлосмандларига яхшигина сабоқлар бера олади.

Дилором МУСАЕВА,
санъатшунослик кандидати

¹ «Зайнаб Садриева». Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1988 йил.

Фотоайбнома

Бозор қадимдан сахий диёр позу неғматлари намойиш қилинадиган муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Бағри кенг, саховатли шахримиз бозорларига хорижий мамлакатлардан минглаб саёҳатчиларнинг келиши ҳам бежиз эмас, албатта. Тўй, байрам руҳи уфуриб турган бозорларга қадам қўйишингиз билан муаттар ҳид тарқатаётган қовун-ҳандалакларга, атлас кўйлакки, ширмой нон сотаётган гўзал қиз-жувонларга, олма, анор, шафтоли, нок, нашеатиларини мақтаб таъриф-таъсиф қилаётган нуруний қарияларга кўзингиз тушиб, баҳри дилингиз очилади, умрингизга умр қўшилади.

Ҳа, Тошкентда мева-чева мўллигидан пештахтаси майишиб кетган бозорлар кўп. Аммо, (ана шу «аммо»си ёмонда!) бозор дейишга тил бормайдиган масканлар ҳам йўқ эмас. Фрунзе районидаги Туркман бозори ҳамон кўз ўнгимизда турибди. Довруғи довон ошган ўша бозор бузилиб, темир-бетондан қурилган усти ёпиқ даргоҳ

га кўчирилди. Бозор (кўз тегмасин учун бўлса керак) тўсиқ билан тўсиб қўйилган. Ичкарига киришингиз билан қўлтигингиздан тарвузингиз тушиб кетади. Пештахталар бўм-бўш. Ҳовузчаларда тирик балик у ёқда турсин, ўлиги ҳам кўринмайди. Девордаги: «Сизга Фрунзе райпишторги хизмат қилади» деган сўзларни ўқиб, ҳа, у анқонинг уругини топиб берса керак, деб эсангиз қотади. Ҳўш, бозорнинг шундай аянчли аҳволга тушиб қолишига сабаб нима? Баъзилар: бозор атрофида яшаётган аҳоли сийраклашиб қолди, деб ваз қилади. Бўлмаган гап. Тошкент шаҳар бозорлар бошқармасидаги ўртоқларнинг эътиборсизлиги сабаб бўлапти. Енида нони улуг, супраси қуруқ марказий бозор бўлатуриб, харид учун Олой, Вешогоч бозорларига қатнашга мажбур бўлаётган кишиларни сарсон қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

А. ИСОМИДИНОВ
В. МОСИН фотоси



ҚОТИЛНИНГ ҲИМОЯЧИСИ КИМ?

Биз мана шундай адолат тикланаётган ва қайта қурилаётган даврда қонунни ҳақиқий ва одил ҳал қилмаётган, ҳақиқатни ўз мақсадлари йўлида поймоллаётган, ўз манфаатларини қонундан устун қўювчи юристларимиз борлигидан яна бир қарра афсусландик. Чунки, бир бева аёл, оталаридан жуда эрта етим қолган 8 та фарзанд, қалби ғам-алам, изтиробларга тўла 78 ёшли она етти йилдан бери Жиззах область прокуратурасидаги айрим терговчиларнинг ўз ишларига ўта масъулиятсизликлари туфайли Жиззах билан Тошкент ўртасида сарсон-саргардон бўлиб келганликларининг гувоҳиман.

Умаркул Ҳасанов 1981 йил 28 февралдан 1 мартга ўтар кечаси ёвуз қотиллар — Худойназар Арзақулов ва унинг ўғли Бекпўлат Арзақулов томонидан ваҳшиёна ўлдирилди...

Худойназар Арзақулов олган 1000 (минг) сўм қарз пулни беришдан кўра ўлдиришни афзал кўрди. Натижада қотиллар уни уриб, хушсиз ҳолатда сувга ташлади...

Дастлабки терговдаёқ Б. Арзақулов қилган жиноятларини отаси Х. Арзақулов билан бирга бажарганликларини бўйнига олиб, ҳаракатларини тўлалигича изма-из кўрсатди. Жиноятни содир этган жойларни кўрсатиб, расмга тушди. Ўз қўли билан айбини бўйнига олиб, тушунтириш хати ёзиб берди. Жиноий ҳаракатларини қандай бажарганликларини ўз овози билан магнит лентасига ёздирди...

Ушбу жиноий иш шу даврга қадар тўрт маротаба суд қилинди. Биринчи судда жиноий иш ЎзССР жиноят кодексининг 81-моддаси билан кўрилиб, қайта терговга қайтарилди. Иккинчи судда жиноий иш ЎзССР жиноят кодексининг 80-моддаси VI банди билан суд қилиниб, Б. Арзақулов 14 йилга, Х. Арзақулов 12 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Лекин жиноий иш ЎзССР Олий су-

ди томонидан қўшимча тергов ҳаракатини олиб бориш учун қайтарилди.

Жиноий иш тергови Фориш район прокуратурасининг терговчиси Е. Сиддиқовга топширилди. Жиноий иш тергови тугагач, ЎзССР жиноят кодекси 80-моддасининг VI банди билан яқунланган протокол тузилди ва бизга имзо қўйдирилди. Лекин терговчи Е. Сиддиқов ва область прокуратурасидаги раҳбарлар ушбу жиноий ишга нисбатан юзаки иш тутган ҳолда, қотилларнинг жиноий ишларини енгиллатиш мақсадида ЎзССР ЖКнинг 80-моддасининг VI банди билан яқунланган қарорни ЎзССР ЖКнинг 81-моддаси қилиб ўзгартиришга муваффақ бўлдилар.

Шу тариқа жиноий иш Жиззах шаҳар халқ судида кўрилиб, Б. Арзақулов 10 йилга, Х. Арзақулов 8 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Жиноий иш яна ЎзССР Олий суди томонидан қайта терговга қайтарилди. Қўшимча тергов ҳаракатини олиб бориш область прокуратурасининг терговчиси А. Уразалиев ва Фориш район прокуратурасининг терговчиси Е. Сиддиқовга топширилди. Дастлабки тергов натижаларига кўра, Х. Арзақулов ҳам қотилликка бевоқифа аралашган, чунки Бекпўлатнинг қаттиқ зарбидан олган жароҳатдан ҳушидан кетган, тузалиб кетиши мумкин бўлган Умаркул Ҳасановни ота-бола иккаласи ўзаро тил бириктириб, сувга тирик ҳолда ташлаганликлари учун ота-бола иккаласи ҳам қотилликда бир хил айбли эканлигини область прокуратурасидагилар тўлалигича билди туриб, Х. Арзақуловнинг айб моддасини енгиллатишди. Х. Арзақуловга ЎзССР ЖКнинг 169-моддасининг II банди, Б. Арзақуловга эса ЎзССР ЖКнинг 81-моддаси қўйилди.

Шу тергов вақтига келиб Фориш район терговчиси Е. Сиддиқов ва қотиллар адвокати

Р. Ҳаққулов Тошкент шаҳар бош эксперти Тўлқин Ғуломов билан ўзаро тил бириктиришиб, 1981 йилнинг март ойидан бери далилу ашёларда III группа одам қони мавжуд деган Жиззах шаҳар суд медэкспертизасининг эксперти Иброҳимованинг хулосасини нотўғри, деб уч ярим йилдан бери архивларда очик ҳолда сақланиб, ўз таркибини йўқотган далилу ашёларда ҳайвон ва ит қони мавжуд, деган қалбаки ҳужжат тўғриланди. Ушбу жиноий иш тўртинчи маротаба 1984 йил 10—24 январь кунлари Ғаллаорол район халқ судида кўрилди ва суд қотилларнинг жиноий ишларини атрофлича текширмасдан масалага юзаки қараган ҳолда нотўғри ҳукм чиқарди. Жумладан, уларнинг жиноятлари тазйиқ орқали эмас, балки Б. Арзақулов ўз қўли билан ёзиб берган тушунтириш хатидан ва овози ёзилган магнитофон лентасидан очик-ойдин кўришиб турибди-ку! Марҳум Умаркул Худойназарнинг уйига бир неча маротаба берган қарзи — 1000 сўм пулини қайтаришини, чунки пул «Москвич» енгил автомашинаси олиш учун зарурлигини айтганлиги, шу боис айрим жанжаллар бўлганлиги дастлабки терговдаёқ тўла аниқланган-ку?..

Ушбу жиноий иш шу тариқа 1984 йил 24 январь куни Ғаллаорол район халқ судининг ажрими билан қайта терговга қайтарилди.

1984 йил 8 июнь куни марҳумнинг умр йўлдоши Робия Ҳасанова собиқ Жиззах область прокурори Э. Жумановдан Арзақуловларни қамоқда сақлашлик муддатлари тугаганлиги учун озод қилинаётганлиги ҳақидаги нохуш хабарни эшитди. Бу хабар марҳумнинг барча қариндош-уруғлари учун даҳшатли эди. Шу даврдан бошлаб ёвуз қотиллар қамоқдан озод қилинди.

(Давоми 32-бетда)

(БИР ДАНГАСА ТИЛИДАН)

Пахта терсам, зирқираб оғрийди жисму жонгинам,
Белда куч-қувват, танимда қолмагай дармонгинам.

Тўлғазолмай кундалик нормамни қолсам судралиб,
Қоврилар ҳасрат ўтида бул дили нолонгинам.

Тез теришга тоқатим йўқ, ошга тайёрман мудом,
Найлайн бу «ҳафсалам»дан тўлмаса ҳамёнгинам?

Ҳар эгилганда эгатга қўл-оёғим қалтирар
Қиз-жувонга термулар бир жуфт кўзи гирёнгинам.

Беллашув майдонида ҳолим кўриб кулгай ҳариф,
Оҳ чекарман доимо, кўнглимдадир армонгинам.

Улфати жоним менинг дангаса ишққмас эрур,
Гоҳ кетарман гердайиб улфатга тўлғач ёнгинам.

Ҳар қачон мажлис аро шарманда бўлдим, водариф
Тобакай ўртар маломат ичра жисму жонгинам?..

Розик РЎЗИЕВ

Бухоро



ЎЗИНГДАН КЎР

МУТОИВА

...Изингдан ким ҳаёсизлик, ибосизлик тошин отса,
Бири чарму, бири кесак қаро икки юзингдандир.
(Ўткир Рашид. «Ўзингдандир» шеърідан.)

Бетингга чикса чипқон, ойдаин зебо юзингдан кўр,
Ҳиёнат қилса хоинлар, ўзинг танҳо, ўзингдан кўр.

Жигар оғриб, мабодо, заъфарон дард ичра ўртансанг,
Дуо олган онодин юзда пайдо қирмизингдан кўр.

Юлиб олса йўлингда йўлтўсар бахту бисотингни,
Бири хавфли, бири чакки, бири бежо изингдан кўр.

Тупурса еб тузингни, тузлуғингга пасту нокаслар,
Бири арзон, бири қиммат, нави аъло тузингдан кўр.

Бирор масту аласт номард кўзингдан гар жудо этса,
Қочишга улгурмай қолган ўшал, нурли кўзингдан кўр.

Агар хилват аро қатлинг бажо келтирса қотиллар,
Самода бебадал учган сўник ўз юлдузингдан кўр.

Деса дўстинг, Замоний, сенга таҳсин, сенга салломно,
Бири тоғда, бири боғда ажаб мужмал сўзингдан кўр!

Маҳмуджон НУРМАТОВ

МАҚОЛ-МИСОЛ

Элда бор шундай мақол:
«Тома-тома кўл бўлур,
Томмай қолса, чўл
бўлур».

Мана бунга бир мисол:
Ҳоли танг қолган Орол.

Уроқ ФАРМОНОВ

Оқтош

ЎҚИР-ЎҚИРЛАР

«Илғор теримчи Сония сариқ (ге-
патит) касали билан оғриган қиз-
часини шифохонага олиб борган
экан, врач: «Қизингиз касал эмас,
ўзининг ранги сариқ экан», деб
справка берибди».

(Редакцияга келган хатдан)

«Кооператив йўли билан ўз ҳи-
собимга «Ишқингда ўлдим, па-
ри!» деган шеърлар китобини чи-
қарган эдим, ҳеч ким сотиб олма-
пти. Мен шўрлик меҳнатга, пул-
га куйиб қолавераманми?»

(Бир «шоир»нинг арзи)

«Скамейкада бир-бирига чирмо-
вукдай ёпишиб, ўпишаётган
йигит билан қизга: «Ҳой беҳаё-
лар, панароқ жойда ўпишсала-
ринг бўлмайдими?» десам, улар:

«Ҳозир ошкоралик, бобой!» де-
йишди. «Ҳа, жувонмарг, шайтон-
лар!» дедим бўғилиб».

(Қариялар суҳбатидан)

«Уй ҳақини тўлаш учун қирқ
икки даража жазирама иссиқда
икки соат кутиб қолдик, уят эмас-
ми», десам, кассир: «Ҳа, офтобда
кўп туриб, миянгиз айнаб қолиб-
ди», деб кўполлик қилди».

(Шикоятдан)

«...Гапимни тугатгандан кейин
РаПО раиси: «Қойил, тилингиз-
дан шакар тўкилади-я» деб мақ-
таган эди: «Мен ҳамма шакарни
оғзимга жойлаб олганман», деб
жавоб бердим».

(Ширин сўз кишининг гапи)

ЛАТИФАЛАР

Такси шофёри Афанди узатган
беш сўмликни чўнтагига жойлаб,
соғлигидан шикоят қилди:

— Лаънати қон босими хоти-
рани сусайтирар экан, отахон,
бир ишни бошласам, охирини
унутиб қўяман.

— Менинг ҳам қон босимим
баланд, — деди Афанди счетчик-
ка кўз югуртириб. — Аммо хоти-
рам жуда яхши. Қани, қайтими-
ни чўзиб қўйинг-чи, мулла йигит!

* * *

Афанди мол бозорида даллол
танишини учратиб, гинахонлик
қилди:

— Дўст ҳам шунақа бўладими,
жўра. Уғил уйлантириб, тўйга
айтмадингиз?

— Тўй бўлмади, қуда томон
берган пулимга рози бўлмаган
эди, ажрашиб кетдик, — деди
даллол.

— Аттанг, — деди Афанди

афсусланиб. — Шундай машҳур
даллол бўлатуриб, савдони пиши-
ра олмабсиз-да!

И. АБДУЛЛАЕВ

* * *

Афанди редакцияда ишларди.
Бир куни унинг олдида бемаза
нарсалар ёзиб юрадиган шоир бир
даста шеър кўтариб кирди:

— Мана, Насриддин ака, айт-
ганингизни қилиб, ҳаётни анча-
мунча ўрганиб қўйдик. Манови
«Зангори кема капитани» шеър-
римни пахта теримига ҳашарга
чиққанда, «Хотинжон» ғазалим-
ни уйланган куним, «Олов» деган
тўртлигимни уйимизга ўт кетга-
нида ёздим.

Афанди қўлёмаларни ўқиб
бўлиб афсусланди:

— Аттанг, шеърларингиз ўт
тушганда ёниб кетмабди-да!

Абдумалик ИСОМИДДИНОВ



— Қани, биз қанча бўлибмиз?

Ш. Абдуллаев расми

(Боши 30-бетда)

Мана, уч ярим йилдан бери улар худди қотиллик қилмагандек гердайиб юришибди. Жабрланувчилар жуда кўп марта ЎзССР прокуратураси раҳбарларига қотилларнинг маҳалламизда бўладиган тўйларда даврага тушиб: «Қўлингдан нима келди, барибир қамата олмадинг-ку», қабилда ўйнаётганликлари ёки: «Сенинг аризаларингдан менинг пулларим кучли», деб айтишаётганликлари ёки: «Агарда яна қамаладиган бўлсам, албатта бирортангни ўлдираман», деб дўқ-пўписа қилаётганликлари ҳақида хабар беришди. Лекин бирор натижа чиқмади. Ваҳоланки, Х. Арзақулов Жиззах область матлубот жамиятида шофёр бўлиб, Бекпўлат эса умумий овқатланиш бошқармасида сомсапаз бўлиб бемалол ишлаб юрибди.

Қўшимча тергов ҳаракатини олиб борган Жиззах область прокуратурасининг прокурор криминалисти Аъзамов жиноий иш бўйича қўшимча далиллар тўпланмаганлиги сабабли ва суд-медицинага оид экспертиза хулосаларида қарама-қаршиликлар бўлгани учун жиноий ишни 1987 йил 15 апрелдан эътиборан вақтинча тўхтатиш ҳақида қарор чиқарди. Агар қотиллар Умарқул Ҳасановни ўлдирмаган бўлсалар, жиноий иш бўйича тўпланган етти томлик тергов материаллари, қотилларнинг уйдан, дарвозаси олдидаги асфальтдан, дарвозаси орқасидаги темир панжаралардан, Худойназар ҳайдаган 52—78 ДДБ юк автомашинасидан чиққан III гуруҳпа одам қони қаердан келиб қолди?

Марҳум У. Ҳасанов Жиззах сув омборига қуйиладиган каналга қаердан, ким томони-

дан ҳушсиз қилиб тирик ташланди экан? Ахир, тергов материалларида область суд-медицина эксперти Равшановнинг 1981 йил 7 мартда канал панжарасидан (йўқолгандан етти кун кейин) топилганда текшириб, бош миясига қаттиқ нарса билан урилиб, ҳушсиз ҳолда сувга ташланган, деган қарори мавжуд-ку?

Наҳотки жабрланувчилар етти йилдан бери бўзчининг моксидек Жиззах билан Тошкент ўртасида прокуратурама-прокуратура, судма-суд сарсон-саргардон қатнасалар қотилларнинг жиноий ишларини ўз шахсий манфаатлари йўлида хаспўшлаётган айрим юристларга совет қонунини тушунтирувчи киши топилмас?

Адолат СОДИҚОВА

РЕДАКЦИЯДАН:

Мухбиримиз мазкур шикоят юзасидан Жиззах область прокуратурасида бўлди. Жабрланувчиларнинг хатда келтирган фактлари асосан тўғри чиқди. Сабаби суриштирилганида ҳозирги Жиззах область прокурори Н. Норпўлатов ҳақиқатан ҳам воқеа худди хатда кўрсатилгандай бўлганини, икки марта суд ўтказилганлигини, ҳар сафар Ўзбекистон ССР Олий судига маҳкумлар адвокати томонидан норозилик ари-

заси берилиб, қайта терговга эришилганлигини, охири Москва экспертизасига юборилиб, такрорий текширилганда далилий ашё сифатида сақланаётган тошда ит қони борлигини ва кийим-кечакда (маҳкумнинг) қўй қони мавжудлиги аниқланганлигини, шу сабабли тергов иши тўхтатилганлигини маълум қилди. Энди тошга ким ит қони доғини, кийим-кечакка ким қўй қони доғини суриб кетганлигини аниқлаш қийин. Бунинг учун уларни кўрган гувоҳлар топилиши ва жи-


ноятчилар ҳаракати исботланиши лозим. Шу сабабли қотиллар «оқланиб», ҳеч нарса бўлмагандек юришибди.

Редакция коллективида бошқа савол туғилди: дейлик, уч йилдан кейин ит ва қўй қони доғларини ким суртиб кетганлигини аниқлаш қийин бўлсин, аммо бошқа барча жиноятни очувчи далиллар мавжуд-ку? Биринчи экспертиза хулосаси бор-ку. Жиноятчи ўғлининг биринчи сўроқ давридаги иқрорномалари, кўрсатмалари, бевосита унинг иқрори ва кўр-

сатмалари туфайли ўтказилган такрорий жиноят ҳаракатларининг суратлари, лентага ёзилган овозлари далил эмасми? Ит ва қўй қони доғлари жиноятни беркитиш учун қилинган (ким томонидан бажарилишидан қатъий назар жиноятчилар иштироки бор) ҳаракат деб, улар жиноятга жиноят бўлиб қўшилмайдими?

Биз ушбу хатни журналхонлар муҳокамасига ташлар эканми, тегишли ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларидан адолатли жавоб кутамиз.

КРОССВОРД



ЭНИГА: 5. Катта Кавказ тоғининг шимолий ён бағрида яшовчи миллат. 6. Хитой Халқ Республикасидаги йирик шаҳарлардан бири. 9. Яшил сувўтлар туркуми. 10. Туркменистон жанубидаги тоғ. 12. Ҳаётий ҳодисаларни бадий акс эттирувчи санъат тури. 13. Музикада турли баландликдаги ҳамоҳанг товушларнинг баравар ижроси. 15. Танаси қаттиқ, доим яшил жануб дарахти. 16. Оммавий санъат кўриги. 21. Юқори навли тиниқ шиша. 22. Краснодар ўлкаси таркибидаги автоном область. 23. Вақтли нашрга ёзилиш. 25. Ўзбекистон халқ шоири. 26. XVIII аср рус ёзувчиси ва драматурги. 27. Атрофи девор билан ўралган мезазор маскан. 28. Мўйқалам устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

БЎИИГА: 1. Алишер Навоий яшаган шаҳарлардан бири. 2. Ўзбек совет шоири, моҳир таржимон. 3. Шимолий Африкадаги давлат. 4. Ўзбекистондаги крим-татар ашула ва рақс ансамбли. 7. Шимолий Америкадаги ярим орол. 8. Ов қуроли. 11. Бута ҳолида ўсувчи яшил манзарали ўсимлик. 14. Қора денгизга қуйилувчи буюк дарё. 15. Чигит қолдиғи, чорва озуқаси. 17. Ўзбекистонда археологик ишлар олиб борган атоқли совет олими. 18. Ватанимиз космик кемаларидан бири. 19. Қозоқ халқ эпоси. 20. Асосан Доғистонда яшовчи халқ. 23. Таниқли олим, биология фанлари доктори. 24. Одилона иш тутиш, ҳаққонийлик.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

9-СОНДАГИ ЧАИНВОРД ЖАВОБИ

1. Думбадзе (Нодар). 2. Евтушенко (Евгений). 3. Ойбек. 4. Корнейчук (Александр). 5. «Келин». 6. Норақ. 7. Кийизбоева (Сайра). 8. Авижюс (Ионас). 9. Сейтоқов (Беки). 10. Ваҳобзода (Бахтиёр). 11. «Артек». 12. «Каягим». 13. Мусрепов (Ғабит). 14. Вальс. 15. Смуул (Юхан). 16. Ленинград. 17. Друцэ (Ион). 18. Эскимос. 19. Сухуми. 20. Исаакян (Аветик). 21. Ненец. 22. Цимбала. 23. Ажиниёз (Қўйсубой ўғли). 24. «Золушка». 25. Айний.

Бош редактор: МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МУЎДИНОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), К. ЯШИН

«Гулистон» — ежесемьяный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Рассом Ҳ. Содиқов Корректор М. Набиева
Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 18.08.1988 й. Босишга рухсат этилди 20.09.1988 й. Р — 17676. Қоғоз формати 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 163109. Вуюртма № 4130. А—118.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

МУҚОВАДА

СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ илмий хирургия марказий Тошкент филиалининг юрак хирургияси бўлими бошлиғи, профессор Дарвин Ғуломов (16-бетдаги мақолани ўқинг).

В. Мосин фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ва «Вокруг света» журналларидан фойдаланилди.



Яйловда.
Р. Яруллин фотоси

Баҳоси 35 тийин
индекс 75233.

